أصول الإيمان

ИЙМОН АСОСЛАРИ

ИЙМОН АСОСЛАРИ

Иккинчи нашр

«Даура» таҳририяти
2023

«Даура» сайти таҳририяти
Иймон асослари / «Даура» таҳририяти, иккинчи нашр, таҳрирланмоқда Зайнуллин Р.Ф. — Даура, 2023. — 112 б.

Китобда ислом эътиқоди асослари бўйича зарурий илмнинг энг ози ва уларнинг ҳар бирининг шарҳи мавжуд.

Китоб Ислом эътиқодига қизиқаётган ўқувчиларнинг кенг ауди-ториясига мўлжалланган, хоссатан, масжид ва мадрасалардаги кеч-ки курсларда Ислом асослари бўйича ўқув қўлланма сифатида фой-даланиш тавсия қилинади.



© Даура, 2023
Email: *daura.publishing@gmail.com*

Кириш

Дин — Аллоҳга ибодат қилиш қоидаларининг мажмуидир

Аллоҳ таоло — Бунёдкор, Яратувчи, Билувчи, ҳикмат эгаси — Ўзининг мутлоқ илми, Ўзининг ҳикмати ва Ўзининг қудрати ила бу буюк оламни яратди. Уни шунчаки беҳудага, эрмакка яратгани йўқ. Ўзининг илоҳий мақсадини амалга ошириш учун унда тартиб ўрнатди. Аллоҳ таоло деди:

— Осмонлару ерни ва уларнинг орасидаги нарсаларни вақтичоғлик учун яратганимиз йўқ! Биз уларни фақат ҳақ ила яратдик, лекин кўплари билмаслар. Духон сураси, 38–39 оятлар.

Аллоҳ таоло инсон ва жинларни яратишидаги буюк ҳикмат ва олийжаноб мақсади хақида хабар бериб деди:

— Жин ва инсонни фақат Менга ибодат қилишлари учунгина яратдим, Мен улардан ризқ ҳам, мени таомлантиришларини ҳам ҳоҳламасман. Албатта, Аллоҳ Ўзи ризқ берувчи, қувват эгаси, шиддатлидир. Зориёт сураси, 56–58 оятлар.

— Эй одамлар, сизларни ва сиздан олдингиларни яратган Роббингизга ибодат қилинг. Шоядки, тақводор бўлсангиз. У сизларга ерни тўшаб, осмонни бино қилган ва осмондан сув тушуриб, у билан сизларга меваларни ризқ қилиб чиқарган Зотдир. Билиб туриб Аллоҳга бошқаларни тенглаштирманг! Бақара сураси, 21–22 оятлар.

Роббимиз бизга оламнинг хақиқатини осон тушунишга ёрдам қилиб, буюк неъмат берди. Ҳақиқат шуки — Аллоҳ мавжуд ва У барча оламларнинг ягона яратувчисидир, инсон эса У томондан яратилган зотдир. Хақиқат шуки, инсоннинг яралишидан мақсад — инсоннинг фақат Аллоҳгагина ибодат қилишидир. Аллоҳ таоло буни ҳар бир одамга фарз қилди. Шунинг учун ҳар бир инсон ҳоҳлайдими йўқми, Аллоҳнинг бандаси (қули) ҳисобланади. Аллоҳнинг енгиллиги ва ёрдами қуйидагилардан иборат:

1. Аллоҳ инсонни туғма бир сифат билан яратди. Шу сифат туфайли у ягона Аллоҳ борлигини, Унга ибодат қилиши кераклигини, яъни итоат қилиб, Унинг буйруқларини бажариши кераклигини сезади. Агар инсон одамлар таъсири остида бўлмаганида эди, ҳеч шубҳасиз ўзидаги фитратга эргашган бўларди. Аммо инсоний иллатлар, у ёки бу инсонга тақлид қилишлик одамни ҳақдан оғдиради.

Аллох таоло деди:

— Бас, сен хаққа мойил бўлиб, динга юз тут. Бу фитрат Аллоҳ одамларни яратган асл табиатдир. Аллоҳнинг яратганини ўзгартириб бўлмас. Ушбу тўғри диндир. Лекин одамларнинг кўпи билмаслар. Рум сураси,30 оят.

Абу Ҳурайра (родияллоху анху) ривоят қилдилар: «Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: “***Ҳар бир инсон (Аллоҳга ибодат қилиш) фитрати билан туғилади, унинг ота-онаси эса, уни яҳудий, насроний ёки мажусий қилиб тарбиялайди. Ахир хайвонлар ҳам ўз болаларини бус-бутун туғишади. Уларнинг бурни кесилган ҳолда туғилганини кўрганмисизлар?***”». Сўн-

гра Абу Ҳурайра Аллоҳнинг сўзини ўқидилар: «**Бу фитрат Аллоҳ одамларни яратган асл табиатдир**». Ал-Бухорий 1359, 1385, Муслим 2658.

Пайғамбаримиз Муҳаммад ﷺ айтдилар: «***Буюк ва қудратли Аллоҳ бугун сизлар билмайдиган нарсани менга ўргатиб, сизларга ўргатишимни буюрди: "Бандаларимга берган ҳар қандай бойлик уларга ҳалолдир. Барча бандаларимни Ўзимга итоаткор қилиб яратдим. Лекин уларга шайтонлар келиб, уларни ўз динларидан оғдиришди, мен ҳалол қилган нарсаларимни уларга ҳаром қилишди ва уларга мен билан бирга ботил илоҳларга асоссиз ибодат қилишни буюришди"***». Муслим 4/2197.

2. Аллоҳ инсонга ақл-идрок берди. Одам шу сабабли оламларнинг Яратувчиси борлигини билади. Инсон ақл-идроки билан атроф муҳитни кузатиб, бу хақида тафаккур қилиш имкониятига эга. Ҳар қандай ақл эгаси оламнинг қисмлари, коинотда жойлашган ер ва осмон, юлдузлар, сайёралар, қуёш ва ой, тоғлар, дарахтлар, денгизу дарёлар, алмашиб турувчи тун ва кун, бутун олам узра ўрнатилган мутлоқ ва кенг қамровли тартиб-интизом хақида фикрлаб кўрса, шубҳасиз, бутун оламларнинг қудратли ва қувватли бунёдкори борлигини, уларни яратганини ва бошқаришини тушуниб етади. Аллоҳ таоло деди:

— Биз уларга ҳам уфқлардаги, ҳам ўз нафсларидаги оят (белги)ларимизни кўрсатамиз. Токи, уларга унинг ҳақлиги равшан бўлсин. Сенинг Роббинг ҳар бир нарсага шоҳид эканлиги кифоя қилмасмиди?! Фуссилат сураси, 53 оят.

3. Аллоҳ одамларга расулларини юборди. Улар одамларга, уларни Аллоҳ яратганини, фақат Аллоҳгагина ибодат қилиб, Аллоҳдан бошқа ибодат қилинадиган барча нарсалардан четланишлик лозим эканлигининг хабарини бердилар. Аллоҳ таоло деди:

— Батаҳқиқ, Биз ҳар бир уммат(халқ)га: «Аллоҳга ибодат қилинг ва тоғутдан четланинг», деб пайғамбар юборганмиз. Наҳл сураси, 36 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Сендан илгари юборган ҳар бир пайғамбарга: «Албатта, Мендан ўзга ибодатга хақли илоҳ йўқ. Бас, Менга ибодат қилинг», деб ваҳий қилганмиз. Анбиё сураси, 25 оят.

Шундай қилиб, Аллоҳнинг бундай ёрдами туфайли, инсон биргина илоҳга сиғиниши кераклигини қалби билан сезади, унга берилган ақл-идрок ила тушунади. Аллоҳ таоло Ўзининг пайғамбарлари орқали одамлар қандай қилиб Аллоҳга ибодат қилишлари кераклигининг хабарини берди.

Аллоҳга ибодат қилиш — У буюрган амалларни бажаришда ва У қайтарган ишлардан қайтишда ёлғиз Ўзига итоат қилишдир. Инсоннинг ҳар қандай иши ё сўзида, ё амалида намоён бўлади. Амаллар ўз ўрнида зохир, яъни атрофдагиларга сезиладиган ва махфий, яъни инсон қалбида бўлади.

Шунингдек, ибодат тушунчасига шундай таъриф берса бўлади. Ибодат — бу Аллоҳ рози бўладиган ва яхши кўрадиган барча ҳам ошкора, ҳам хуфёна сўз ва амални жамлайдиган тушунчадир.

Аллоҳ Қуръон ва Суннатда келган буйруқ ва қайтариқ кўринишидаги сўзларни ва амалларни яхши кўришини бизга маълум қилди.

Дин — бу Аллоҳ таолонинг буйруқлари ва қайтариқларини ўзида жамловчи, ёлғиз Аллоҳга сиғиниш қоидаларининг мажмуидир.

Аллоҳ Ўзининг динини Ислом деб номлади:

— Дархақиқат, Аллоҳнинг ҳузуридаги дин Исломдир. Оли Имрон сураси,19 оят.

— Ким исломдан бошқа динни хоҳласа, бас, ундан бу ҳаргиз қабул қилинмас ва у охиратда зиён кўргувчилардан бўлур. Оли Имрон сураси, 85 оят.

«*Ислом*» сўзининг маъноси — бу Аллоҳ таолога итоатдир, бўйсунишнинг энг чўққисидир, Аллоҳ томонидан тушган буйруқ ва қайтариқни бажаришда хокисор бўлишдир.

Қалб амали — ибодат асосидир

Аллоҳга ибодат қилиш Аллоҳ бизга буюрган ҳам ошкора, ҳам хуфёна сўз ва амалда намоён бўлиши ҳақида айтиб ўтдик.

Ошкора амаллардан: намоз, ҳаж, садақа, ота-онага яхшилик қилиш, ҳокимни ҳурмат қилиш, мўминга ёрдам бериш, қурбонлик қилиш ва бошқа кўплаб амаллар.

Хуфёна амаллар эса — бу айнан бирорта махлуққа ошкор бўлмаган қалб амалларидир. Фақатгина Аллоҳ таоло одамларнинг қалбида нима борлигини билади:

— **Ана ўшаларнинг қалбларидагини Аллоҳ билади.** Нисо сураси, 63 оят.

Қалб амалларидан: Аллоҳга иймон келтириш, Унинг фаришталарига иймон келтириш, Унинг пайғамбарларига иймон келтириш, Охират кунига иймон келтириш, яхшилик ва ёмонлик Унинг қадари эканилигига иймон келтириш, Аллоҳга муҳаббат, Аллоҳга таваккал, Аллоҳнинг азобидан қўрқиш, Аллоҳнинг раҳматини умид қилиш, Аллоҳдан мадад исташ, Аллоҳнинг паноҳига қочиш, Аллоҳга тақво қилиш, Аллоҳга ихлос қилиш, Аллоҳга дуо қилиш.

Аллоҳга иймон келтириш ва Аллоҳ таоло нимага иймон келтиришга буюрган бўлса, ана ўшанга иймон келтиришлик қалб амалларининг ва бутун диннинг асоси ҳисобланади. Ахир бусиз амаллар маъносиздир. Аллоҳ таоло бизларга олти нарсага қалбан иймон келтиришни буюрди:

1. Аллоҳга иймон келтириш
2. Унинг фаришталарига иймон келтириш
3. Унинг китобларига иймон келтириш
4. Унинг пайғамбарларига иймон келтириш
5. Охират кунига иймон келтириш
6. Яхшилик ва ёмонлик қадардан эканлигига иймон келтириш

Уламолар буларни иймоннинг олти асоси деб номлашган.

— Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга, Унинг Расулига ва У Ўз Расулига туширган китобга ва бундан олдин туширган китобга иймон келтиринг. Нисо сураси, 136 оят.

— Яхшилик юзингизни машриқ ёки мағриб томонга буришингизда эмас. Лекин яхшилик ким Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобга, Пайғамбарларга иймон келтирса… Бақара сураси, 177 оят.

— Ким Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, Пайғамбарларига ва охират кунига куфр келтирса, батаҳқиқ қаттиқ адашган бўлади. Нисо сураси, 136 оят.

Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «***Иймоннинг асли, Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига ва охират кунига, шунингдек, яхшилик ва ёмонликнинг қадар эканлигига иймон келтиришингдир***».

Араб тилида «*иймон*» сўзи — «*амана*» феълидан олинган бўлиб, ишонмоқ, субутли бўлмоқ, ишончли бўлмоқ деган маъноларни англатади.

Араб тили уламолари «*иймон*» сўзининг маъносини «тан олиш, тасдиқлаш» деб айтишган. Инсоннинг юқоридаги олти асосга иймон келтириши — бу қалб билан тан олиб, тасдиқлашидир. Шунинг учун бу олти асосга иймон келтириш қалб амалларига тегишлидир.

Олти асосга иймон келтиришлик — инсоннинг барча ибодатлари қуриладиган диннинг асоси айнан мана шу ҳисобланади. Қачонки инсон у ёки бу ибодатни қилар экан, шу устунларга бўлган иймони доим унинг қалбида бўлади. Инсон ҳам ошкора, ҳам хуфёна амалларни қилмоқчи бўлса, айнан мана шу иймон уни бошқаради. Мавзу давомида ҳар қандай қалб амали Аллоҳга бўлган иймонга асосланишини, у билан узлуксиз боғлиқ эканини кўрамиз.

Қалб амалларининг турлари

1. Аллоҳга муҳаббат

Муҳаббат қалб амалларининг муҳимроғи ҳисобланади. Аллоҳнинг биргина мавжуд эканлигининг ўзи, Уни севиш кераклигига сабаб бўлади. Қачонки мўминлар роҳат-фароғат ерига қадам ташласалар, уларнинг ўз Роббисига бўлган муҳаббатлари янада ортади. У пайтда қўрқувни пайдо қилувчи сабаблар йўқолгани туфайли уларнинг қўрқувлари бўлмайди, чунки ким Жаннат аҳлидан бўлса, у на қўрқув, на ғамни билади.

Мўминларнинг Аллоҳга бўлган муҳаббатлари ҳақида Аллоҳ таоло айтгани каби Унинг Расули ﷺ ҳам айтганлар. Масалан, Аллоҳ таоло деди:

— Одамлар ичида Аллоҳдан ўзга тенгдошларни тутадиганлар ва уларни Аллоҳни севгандек севадиганлар бор. Иймон келтирганларнинг Аллоҳга муҳаббатлари қаттиқдир. Бақара сураси, 165 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Аллоҳ албатта Ўзи севадиган ва улар ҳам Аллоҳни севадиган қавмни келтирур. Моида сураси, 54 оят.

Икки «Саҳиҳ» да ҳадис келтирилади, унда Расулуллоҳ ﷺ дедилар: «***Кимки уч сифати билан ажралиб турса, фақатгина шу одам иймон лаззатини ҳис қилади: У Аллоҳ ва унинг Расули ﷺ ни бошқа ҳаммадан кўра яхшироқ кўради, у ёки бу одамни фақат Аллоҳ учун яхши кўради ва уни оловга дохил қилишларини истамагани каби Аллоҳ уни қутқарган куфрга яна қайтишни истамайди***».

Бундан ташқари, Аллоҳ ҳам Ўзига итоат қиладиган бандаларини севишини айтди. Масалан, Аллоҳ таоло деди:

— Ва Аллоҳ Иброҳимни ўзининг ҳалили (маҳбуби) қилди. Нисо сураси, 125 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Эҳсон қилинглар, албатта, Аллох эҳсон қилувчиларни хуш кўрадир. Бақара сураси, 195 оят.

Аллоҳ таоло яна деди:

— Бас, Аллоҳ тақводорларни хуш кўради. Оли Имрон сураси, 76 оят.

Бунга ўхшаш кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Аллоҳ таоло Ўзига бўлган муҳаббатни изхор қилувчилар учун ростгўйлик ўлчови борлигини айтди. Аллоҳ таоло деди:

— Сен: «Агар Аллоҳга муҳаббат қилсангиз, бас, менга эргашинг. Аллоҳ сизга муҳаббат қиладир… Оли Имрон сураси, 31 оят.

Бошқача айтганда, Аллоҳ таоло Ўзига бўлган муҳаббат, албатта, Расулуллоҳ ﷺ га эргашишликни англатади деб тушунтирди. Расулуллоҳ ﷺга эргашишлик эса, албатта, Аллоҳ таоло ўз бандасини яхши кўра бошлашига олиб келади.

Ҳақиқий муҳаббатнинг мазмуни маҳбубига ёқиш учун интилишдан иборатдир. Бу эса, у нимани яхши кўрса, шуни яхши кўриш, нимадан нафратланса, шундан нафратланишда намоён бўлади.

2. Аллоҳнинг азобидан қўрқиш

Аллоҳ таоло қўрқувни ҳар бир одамга вожиб қилди. У деди:

— Бас, агар мўмин бўлсангиз, улардан қўрқманглар, мендан қўрқинглар. Оли Имрон сураси, 175 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Ва мендангина қўрқингиз. Бақара сураси, 40 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Одамлардан қўрқмангиз, Мендан қўрқинглар. Моида сураси, 44 оят.

Аллоҳ Ўзининг олдида қўрқув ҳис қиладиганларни мақтаб деди:

— Албатта Роббиларидан қўрқиб хавфда турувчилар. Ва Роббилари оятларига иймон келтирадиганлар. Ва Робби-

ларига ширк келтирмайдиганлар. Ва берадиган нарсаларини албатта Роббиларига қайтгувчи эканликларидан қалблари титраган ҳолда берадиганлар. Ана ўшалар яхшиликларга шошилурлар ва улар ўша (яхшилик)лар учун мусобақа қилурлар. Мўъминун сураси, 57–61 оятлар.

Ат-Термизий ва имом Аҳмад ҳадис ривоят қилдилар, унда Оиша (родияллоху анха) айтдилар: «Бир куни: “Эй Расулуллоҳ, Аллоҳнинг: “**берадиган нарсаларини қалблари титраган ҳолда берадиганлар**” деган сўзи зино қиладиган, ичкилик ичадиган ва ўғрилик қиладиганларга тегишлими?” — деб сўрадим. Улар: “***Йўқ, эй Сиддиқнинг қизи, бу ерда сўз шу кимсалар ҳақидаки, улар рўза тутадилар, намоз ўқийдилар ва фақирларга садақа берадилар, шу билан бирга бу улардан қабул бўлмаслигидан қўрқадилар***” деб жавоб бердилар».

3. Аллоҳдан умид қилиш

Аллоҳ таоло деди:

— Албатта, иймон келтирганлар, ҳижрат қилганлар ва Аллохнинг йўлида жидду жаҳд қилганлар — ана ўшалар Аллоҳнинг раҳматини умид қиладилар. Аллох мағфиратли ва раҳмли зотдир. Бақара сураси, 218 оят.

Аллох таоло шунингдек деди:

— Ким Аллоҳга рўбарў бўлишдан умидвор бўлса, албатта, Аллоҳ белгилаган вақт келгувчидир. У ўта эшитувчи ва ўта билгувчидир. Анкабут сураси, 5 оят.

Аллох таоло яна деди:

— Бас, Ким Роббига рўбаро келишни умид қилса, яхши амал қилсин ва Робби ибодатига биронтани шерик қилмасин. Кахф сураси, 110 оят.

Муслимнинг «Саҳиҳ» ларида келган ҳадисда Жобир (родияллоху анху) айтдилар: «Расулуллоҳ ﷺ вафотларидан уч кун аввал шундай деганларини эшитдим: “***Сизларнинг ҳар бирин-***

гиз ўз Роббисидан яхшилик кутмаган ҳолда ўлимини кутмасин”».

Ал-Бухорий «Саҳиҳ» ларида келган ҳадисда Жобир (родиялло-ху анху) ривоят қилдилар: «Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: “***Буюк ва қудратли Аллоҳ айтади: “Менинг бандам, мен ҳақимда қандай фикрда бўлса, мен шундайман, шундай экан, мен ҳақимда нима ўйласа, ўйлайверсин!***”».

Аллоҳ таоло қўрқув ҳисси бўлган, шу билан бирга умид қиладиганларни мақтаб шундай деди:

— Ана ўша дуо қилаётганлари Роббиларига васила изларлар, қайсилари яқинроқ эканини (билмоқчи бўлурлар). Унинг раҳматини орзу қилурлар ва Унинг азобидан қўрқурлар. Албатта, Роббингнинг азоби ҳазир бўлишга лойиқдир. Исро сураси, 57 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Йўқса, у кечалари ибодат қилиб, сажда этган, бедор ҳолида охиратдан қўрқиб, Робби раҳматидан умидвор бўлган одамга тенгми?! Зумар сураси, 9 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Уларнинг ён бошлари ётар жойдан йироқ бўлур, улар Роббиларига қўрқув ва умидворлик ила дуо қилурлар… Сажда сураси, 16 оят.

Барча айтилганлардан келиб чиқиб, мусулмон киши ҳам унга, ҳам бунга эга бўлиши керак, бошқача қилиб айтганда, ҳам қўрқув ҳис қилиши, ҳам умид қилиши лозим. Аллоҳ йўлида хизмат қилишга ўзини бағишлаган бир киши шундай деган: «Қўрқув ва умид бамисоли бир қушнинг икки қанотидир, агар улар тенг бўлса, қуш бир маромда уча олади, агар уларнинг бири иккинчисидан калта бўлса, у тўғри уча олмайди, агарда иккала қанотидан айрилса, у ҳолда қуш ўлим ёқасида бўлади».

Қўрқув албатта умиднинг пайдо бўлишига олиб келади, агар бундай бўлмаганда эди, инсон албатта, умидсизликка тушиб қолган бўларди. Умид ҳам қўрқувнинг пайдо бўлишига

олиб келади, бўлмаса инсон ўзини бутунлай хавфсизликда сезарди. Аммо умидсизлик ҳам, ўзини бутунлай хавфсизликда сезишлик ҳам бир хилда қораланади.

Аллох таоло деди:

— Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманглар. Ҳақиқатан, Аллоҳнинг раҳматидан фақат кофир қавмларгина ноумид бўлурлар. Юсуф сураси, 87 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— У: «Фақат залолатга кетган кишиларгина ўз Роббисининг раҳматидан ноумид бўлурлар», деди. Ҳижр сураси, 56 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Аллоҳнинг макридан фақатгина зиён кўрувчи қавмларгина хотиржам бўлурлар. Аъроф сураси, 99 оят.

Мақтовга шундай қўрқув лойиқки, у Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан инсонни сақлайди. Умид қилиш масаласига келсак, унинг икки кўриниши мақтовга лойиқ:

1. Шундай кишининг умидики, у Аллоҳнинг китобига риоя қилган ҳолда, ўзининг диний мажбуриятларини бажариб, сўнгра Аллоҳнинг мукофотини умид қилади.

2. Шундай кишининг умидики, у гунохга қўл уриб, сўнгра Аллоҳга тавба қилиб, уни кечиришини ва унга раҳм қилишини умид қилади.

Бундай умид қилишлик шунга далолат қиладики, банда Аллоҳнинг раҳмати, саҳовати ва меҳрибонлиги ҳақида билади ва Ундан шуни кутади.

4. Аллоҳга дуо қилиш

Аллоҳ таоло деди:

— Роббингиз: «Менга дуо қилинг, сизга ижобат қилурман. Дархақиқат, Менинг ибодатимдан кибр қилганлар Жаҳаннамга хору зор ҳолларида кирурлар» деди. Ғофир сураси, 60 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Роббингизга тазарруъ ила ва махфий дуо қилинг. Зотан, У ҳаддан ошувчиларни севмас. Аъроф сураси, 55 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Агар бандаларим сендан Мени сўрасалар, Мен, албатта, яқинман. Дуо қилгувчи дуо қилганда, ижобат қилурман. Бас, Менга ҳам ижобат қилсинлар ва иймон келтирсинлар. Шоядки, тўғри йўлни топсалар. Бақара сураси, 186 оят.

Ат-Термизий «Сунан» ларида ан-Нўъмон ибн Башир (родияллоху анху)дан бир ҳадис келтирилади: «Бир куни Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: "***Аллоҳга дуо қилишлик ибодатдир***", шундан сўнг мана бу оятни ўқидилар: Роббингиз: "**Менга дуо қилинг, сизга ижобат қилурман. Дархақиқат, Менинг ибодатимдан кибр қилганлар Жаҳаннамга хору зор ҳолларида кирурлар**" Ғофир сураси, 60 оят деди».

5. Аллоҳдан ёрдам сўрашлик

Аллоҳ Азза ва Жалла деди:

— Сенгагина ибодат қиламиз ва сендангина ёрдам сўраймиз. Фотиха сураси, 5 оят.

Расулуллоҳ ﷺ бир куни ибн Аббос (родияллоҳу анху) га айтдилар: «***Агар сўрасанг, Аллоҳдан сўра, агар ёрдам сўрасанг, уни ҳам Аллоҳдан сўра***».

6. Аллоҳнинг паноҳига қочиш (Истиъаза)

Аллоҳ таоло деди:

— Қуръон ўқиган чоғингда, Аллоҳдан қувилган шайтон (шарри)дан паноҳ сўрагин. Наҳл сураси, 98 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Айт: «Тонг Роббисидан паноҳ сўрайман. У яратган нарсалар ёмонлигидан». Фалақ сураси, 1–2 оятлар.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Айт: «Одамлар Роббисидан… Одамлар подшоҳидан… Одамлар илоҳидан паноҳ сўрайман… Беркиниб, кўриниб турувчи васвасчининг… ёмонлигидан». Наас сураси, 1–4 оятлар.

7. Аллоҳдан мусибат пайтида мадад сўраш (Истиғоса)

Аллоҳ таоло деди:

— Ўшанда Роббингиздан мадад сўраганингизда, сизнинг (сўровингизни) ижобат қилиб… Анфол сураси, 9 оят.

Расулуллоҳ ﷺ қуйидаги сўзлар билан Аллоҳга мурожаат қилганлари маълум: «***Я Хайю, Я Қойюм, эй азизлик ва буюклик эгаси, эй осмонлару ернинг Холиқи, сенинг раҳматинг ила мадад сўрайман!***»

8. Аллоҳга таваккал қилиш

Ёки бошқача қилиб айтганда, Аллоҳ мени ҳимоя қилади деб қалбан ишонишдир.

Аллоҳ таоло деди:

— Аллоҳга таваккал қилингиз, агар сиз мўмин бўлсангиз. Моида сураси, 23 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Мўминлар Аллоҳга таваккал қилсинлар. Иброҳим сураси, 11 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Таваккал қилувчилар Аллоҳга таваккал қилсинлар. Иброҳим сураси,12 оят.

Аллоҳга иймон келтириш

Буюк ва қудратли Аллоҳга иймон келтириш иймон асосларининг энг биринчиси ва энг муҳими ҳисобланади. У муҳим аҳамиятга эга ва у қолган барча асослар учун пойдевор бўлиб хизмат қилади. Булар фаришталарга, Китобларга, Пайғамбарларга, Охират кунига ва яхшилик, ёмонлик қадардан эканлигига иймон келтиришликдир. Буларнинг барчаси Аллоҳга иймон келтиришнинг махсули ҳисобланиб, асосга таяниб, унинг устига қурилади.

Буюк ва қудратли Аллоҳга иймон келтиришнинг асл моҳияти қуйидагиларга қалбан мутлоқ эътиқод қилиш ҳисобланади:

- фақат Аллоҳ ягона Роб ҳисобланади;
- фақат Аллоҳ ибодатга лойиқ ягона зот ҳисобланади;
- фақат Аллоҳ илоҳий исм ва сифатларга эга ягона зот ҳисобланади.

Мана шу учта асосий қалб эътиқоди биргаликда Яккахудоликнинг асл моҳиятини ташкил этади. Бу тавҳиддир. У бутун бир эътиқод таянадиган, суянадиган асос ҳисобланади.

Ислом — соф (мутлоқ) тавҳид динидир, чунки, у шундай нарсага асосланадики, бу — Аллоҳ барча борлиқни бошқаради

ва унинг ёлғиз Ўзи ҳеч қандай шериксиз ва ёрдамчисиз Ўз ишларини бажаради, ёлғиз У илоҳий Ўзлигига, илоҳий исм-сифатларига эга ва Унга ўхшаши йўқ, шунингдек, ёлғиз У илоҳлашга ва ибодат қилишга лойиқ ва Унга ўхшаши йўқдир.

Юқорида айтиб ўтилганлардан маълум бўладики, Аллоҳнинг пайғамбарлари ва расуллари олиб келган яккахудолик, яъни тавҳид ўз ичига учта тузилмани олади:

1. Ҳукмронликдаги яккахудолик (*тавҳид ар-рубубия*) — бу ёлғиз Аллоҳ таоло Худо, Ҳукмрон, Холиқ ва барча нарсанинг бошқарувчиси, жон бериб, жон олувчи, фойда ва зарар келтирувчи, ёлғиз У мушкул ҳолатда дуоларни ижобат қилувчи, барча нарсага мутлоқ эгалик қилувчи, бутун яхшиликни бошқаради, барча ишлар унга боғлиқ ва ҳеч ким У билан бу ҳукмронликка шерик бўлмайди деб қалбан тан олишдир.

2. Ибодат қилинишдаги яккахудолик (*тавҳид ал-улуҳия*) — бу фақат Аллоҳ ҳақиқий илоҳ деб қалбан тан олишдир. Шунинг учун ибодатнинг барча турлари ёлғиз Унга бўлмоғи лозим.

3. Илоҳий Исм ва сифатларга эга бўлишликдаги яккахудолик (*тавҳид ал-асма ва ас-сифат*). Бу Аллоҳ таоло Ўзини Қуръонда ёки пайғамбарининг сўзи билан сифатлаган барча исм ва сифатларни қалбан тан олиш, Ундан ҳар қандай камчилик, нуқсонни кетказиш ва ёлғиз Унга хос бўлган нарсага махлуқларнинг ўхшашлигини инкор этишдир. Бу — Аллоҳ барча нарсани билиб туради, барча нарсага қодир, У — Тирик ва Қайюм, Уни на мудроқ, на уйқу тутади деб тан олишдир. Унинг иродаси қатъий амалга ошади, унинг ҳикмати чексиздир. У — Эшитувчи, Кўрувчи, Раҳмли ва Меҳрибондир. У аршга кўтарилган ва Ўзининг ҳукмронлигига эгадир. Унга шерик қилишларидан пок ва узоқ бўлган Зотдир. Бу — унинг гўзал исм ва олий сифатларидан айримлари, холос.

Бу уч тузилманинг ҳар бири Қуръон ва Суннатдаги қўплаб ҳужжатлар билан тасдиқланади.

Қуръон бутунлай тавҳидга бағишланган ва унинг талаблари, у учун ваъда қилинган мукофот, шунингдек, ширк ҳақида, унинг тарафдорлари, уларга тайёрланган жазо ҳақида сўзлайди.

Тавҳиднинг бу уч тузилмасини ақида уламолари Қуръон ва Суннат матнларидан чиқаришган. Шариат матнларини чуқур ва атрофлича тахлил қилишлик хақ динди ўзлаштиришнинг имконини беради. Бандадан талаб этиладиган тавҳиднинг моҳияти шундан иборатки, Аллоҳ ягона Роб, ёлғиз У ибодат қилишга ҳақли Зот ва У илоҳий исм ва сифатларга эга деб иймон келтиришдир. Кимки буларни бир бутунича тан олмаса, у мўмин ҳисобланмайди.

Ҳукмронликдаги яккахудолик (тавҳид ар-рубубия)

Бу — фақат Аллоҳ илоҳий ишларни бажаради деб қалбан эътиқод қилишдир. Буларга яратиш, ризқ бериш, бошқариш, раҳматига олиш, ҳукмронлик қилиш, шакл бериш, ато этиш ва махрум қилиш, фойда ва зарар келтириш, қайта тирилтириш, вафот топтириш, қадар қилиш ва Аллоҳдан ўзгаси қила олмайдиган кўплаб ишларни мисол келтиришимиз мумкин.

Арабча «*рубубия*» сўзи «*робба*» феълидан олинган бўлиб, «тарбиялаш» маъносини англатади. «*Робб*» сўзи ҳам бунинг махсули ҳисобланиб, «худо», «хўжайин» маъносини билдиради. Шундай қилиб, «*рубубия*» сўзи «*роб*» исмидан ҳосил бўлган. Араблар тилида кўп маъноларга эгадир. Улардан: «Молик», (яъни эга), «хўжайин» (яъни унга итоат қилинади), «ўзгартирувчи», (яъни нарсаларнинг ҳолатини тўғриловчи).

Ҳар бир ақл эгаси, борлиқда жойлашган еру-осмон қисмлари; юлдузлар, сайёралар, қуёш ва ой, ердаги тоғу-дарахтлар, дарё-ю денгизлар, бир-бирини ўраб турувчи туну-кун, бутун борлиқда ўрнатилган мутлоқ ва кенг қамровли тартиб ва ҳамма нарса унга бўйсундириб қўйилганлиги хақида фикр юритиб кўрса, ҳеч иккиланмай бутун борлиқнинг қудратли ва қувватли холиқи борлигини, Аллоҳ борлиқни яратганини ва уни бошқаришини тушуниб етади. Инсон мана шу яралган нарсалар устида қанчалик чуқур фикр юритса, шунчалик унинг ақлини бу ажиб махлуқотлар эгаллаб олади. Шунда у барча нарса хақ учун ва хақ ила яратилгани, бутун борлиқ аломатлар жамланмаси экани, яъни Аллоҳ азза ва жалла Ўзи хақида хабар берган барча нарсанинг ҳақлиги ва Унинг ёлғизлигини исботловчи далил ва шаҳодатлар келтирилган Китоб хақида янада кенгроқ тушунчага эга бўлади.

Ҳеч қандай диний жамоатлар томонидан тавҳиднинг бу тури рад этилиши бизга маълум эмас. Шунингдек, ҳеч ким оламни сифатлари жиҳатдан бир бирига ўхшаш ва бир хил ишга қодир бўлган икки холиқ томонидан яратилган демайди. Биз бу мавзуга яна қайтамиз.

Шунингдек, одамлардан ҳеч ким барча нарсанинг яралиш жараёнида Аллоҳдан бошқаси иштирок этган ёки худди Аллоҳ каби сифатларга эга бўлган бошқа зот бор демайди. Мушриклар даволарининг мазмуни эса, Аллоҳнинг исталган шериги, у фаришта бўлсин, пайғамбар бўлсин, сайёра ёки қандайдир бут бўлсин, улар Аллоҳга тобе ҳисобланади деб билишида намоён бўлади. Имом Муслим «Саҳиҳ»ларида ибн Аббос (родияллоҳу анху)дан ривоят қилинган бир ҳадис келтирилади. Араблардан бўлган мушриклар талбия сўзини талаффуз қилиб айтишарди: «Мана мен сенинг олдингдаман, сенинг шеригинг йўқ, сенга тобе бўлгандан ташқари, у нимага эгалик қилса, шунда сенга тобедир». Расулуллоҳ ﷺ эса тоза, соф тавҳид ҳақида гувоҳлик бериб айтдилар: «***Мана мен олдингдаман, Эй Аллоҳ, мана мен***

олдингдаман, мана мен олдингдаман, сенинг шеригинг йўқдир, мана мен олдингдаман, албатта, ҳамд, неъмат ва мулк барчаси сенга тегишлидир ва сенинг шеригинг йўқдир».

Аллоҳ таоло бизга Расулуллоҳ ﷺ даврларидаги араб мушриклари Аллоҳнинг ягона холиқ эканини бутунлай тан олишганини хабарини бериб, Қуръоннинг кўплаб оятларида зикр қилади. Масалан, Аллоҳ таоло деди:

— Агар улардан: «Осмонлару ерни ким яратган?» деб сўрасанг, албатта, «Аллоҳ» деб жавоб берурлар. Сен: «Аллоҳга ҳамд бўлсин» деб айт. Йўқ! Кўплари билмаслар. Луқмон сураси, 25 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Агар улардан: «Осмонлару ерни ким яратган ва қуёшнию ойни ўз измига қаратган ким?» деб сўрасанг, улар албатта «Аллоҳ» деб жавоб берурлар. Бас, унда қаёққа бурилмоқдалар?! Анкабут сураси, 61 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Агар улардан: «Осмондан сув тушириб, у билан ўлган ерни тирилтирган ким!?» деб сўрасанг, улар албатта: «Аллоҳ» дерлар. Сен: «Аллоҳга ҳамд бўлсин!» деб айт. Йўқ! Уларнинг кўплари ақл юритмаслар. Анкабут сураси, 63 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Сен: «Агар билсангиз, ер ва ундаги кимса кимникидир?» деб айт. Улар: «Аллоҳникидир», деб жавоб берурлар. Сен: «Наҳотки эслатма олмасангиз?!» дегин. Сен: «Етти осмоннинг Робби ким? Улуғ аршнинг Робби ким?» деб айт. Улар: «Аллоҳникидир» деб жавоб берурлар. Сен: «Наҳотки қўрқмасангиз?!» деб айт. Сен: «Агар билсангиз (айтинг-чи), ҳар бир нарсанинг мулки қўлида бўлган, Ўзи ҳимоя қиладиган ва Ундан ҳимоя қилинмайдиган зот ким?!» деб айт. Улар: «Аллоҳникидир» деб жавоб беришур. Сен: «Қандоқ ҳам сеҳрланмоқдасиз-а?!» деб айт. Мўъминун сураси, 84–89 оятлар.

Шунга қарамай айрим одамлар, Аллоҳ яратмаган нарсалар ҳам бор деб ҳисоблайди. Масалан, дуолистик мажусийлар зул-

матни Аллоҳ яратмаган, қадарийлар ҳайвонларнинг ҳаракатини Аллоҳ яратмайди, араблардан бўлган айрим мушриклар, уларга ўзларининг худоси фойда ва зарар келтиради, бунга асло Аллоҳнинг алоқаси йўқ деб ҳисоблашарди.

Ширкнинг бундай тури мавжудлиги боис Қуръонда унинг асоссиз эканлиги кўрсатилди. Аллоҳ таоло деди:

— Аллоҳ ҳеч бир фарзанд тутмаган, У билан бирга ҳеч бир илоҳ бўлмаган. Шундоқ бўлганида, ҳар бир илоҳ ўзи яратган нарсани олиб кетар ва улардан бири бошқаларининг устида олий бўларди. Мўъминун сураси, 91 оят.

Улуғ Зотнинг бу сўзлари асоссиз бир намуна эмас. Унинг моҳияти шундан иборатки, у икки яратувчи бор деган эҳтимолни рад этади. Ва шуни тушунтирадики, хақиқий Роб албатта, яратувчи бўлиши лозим. Бошқаришга лаёқати ва қудрати бўлиши зарур. Агар У билан бирга ҳудди шундай ҳукмронликка эга яна қандайдир худо бўлганда эди, шубхасиз, у ўзининг оламига эгалик қиларди ва ўз лаёқати, қудрати билан ажралган бўларди. Аммо, биргаликда бошқариш бошқа худони қаноатлантирмасди, у ҳам барча махлуқотларни ўзига бўйсундирмоқчи ва якка ўзи бошқармоқчи бўларди, агар бундай қила олмаса, у ҳолда ўзи яратган нарсалари билан ажралиб, уларни қаергадир олиб кетарди.

Шундай қилиб, агарда икки яратувчи бўлганда, ҳеч шубхасиз икки ҳолатдан бири аниқ бўларди:

- Ё ҳар бир худо ўзи яратган нарсани олиб кетарди.
- Ё улардан бири бошқасининг устида ҳукмдор бўларди.

Аммо биз шунга гувоҳмизки, бир неча холиқнинг борлиги эҳтимолини ақлнинг ўзи инкор этади, негаки, тартиб ва борлиқнинг барча қисмлари — осмону-ер, юқори-ю пастдаги нарсаларнинг ўзаро боғлиқлиги шунга далолат қиладики, бутун оламларни ягона Роб, Буюк ва Қудратли Зот бошқаради.

Тавхид ар — рубубиядан оғишлик нимада намоён бўлади?

Аслида инсоннинг онг остига Робнинг ягоналигини тан олишлик жойлаштирилган. Бу инсон қалбининг фитратида ётади ва қўпгина исботлар билан тасдиқланади. Шунга қарамай, барибир шу масалада ҳақдан оғадиган одамлар бор. Аллоҳнинг Роблигини тан олиш масаласида одамларнинг бузуқ эътиқодларини қуйидаги даражаларга бўлиб, ёритишимиз мумкин:

Биринчи оғиш: Аллоҳнинг Роблигига мутлоқ кофир бўлиш ва Унинг борлигини инкор қилиш. Бу эътиқод дахрий мушрикларга хосдир. Улар барча нарсани табиат ва вақт яратган ёки ўз-ўзидан яралган дейишади.

— Улар: «У (ҳаёт) фақат бу дунёдаги ҳаётимиздир. Ўламиз ва тириламиз, бизни фақат замон ҳалок қилади» дерлар. Жосия сураси, 24 оят.

Иккинчи оғиш: Буюк Робнинг ўзига хос айрим ҳусусиятларини тан олмаслик ва унинг Роблигидаги айрим кўринишларни инкор этишликдир. Бунга Аллоҳ ўлдирмайди, қайта тирилтирмайди, фойда ёки зарар келтирмайди деган дунёқарашга эга одамлар мисол бўлади.

Учинчи оғиш: Робнинг айрим ҳусусиятларини Аллоҳ таолодан бошқа кимгадир нисбат беришлик. Агар одам ўзининг ақидасида Аллоҳ таолодан бошқа яна кимдир олам ҳодисаларини; яратиш, йўқ қилиш, қайта тирилтириш, ўлдириш, раҳматига олиш, ёмонликдан сақлаш ва бошқа робликка оид кўринишларни, хос жараёнларни бошқаради деса, демак, у Аллоҳ таолога махлуқотларни шерик қилган бўлади.

Илоҳий исм ва сифатларга эга бўлишликдаги яккахудолик (тавҳид ал-асма ва ас-сифат)

Илоҳий исм ва сифатларга иймон келтиришлик мусулмоннинг қалбига ва Роббисига ибодат қилишига бўлган таъсири жуда каттадир. Бу эътиқод билан банда ўз Роббига қалбан ибодат қилишнинг мазмунини топади. Бу эътиқод туфайли у Аллоҳ азза ва жаллага таваккал қилишни, ёлғиз Унга суянишни ва жисмини, қалбини, ҳаттоки, фақат Аллоҳ азза ва жалла истаган нарса хақида фикрлаш учун ўз фикрини сақлашни бошлайди. У Аллоҳ яхши кўрадиган бандани яхши кўришни, У учун эшитишни ва у учун томоша қилишни бошлайди. Шу билан бирга, у ўз Роббисидан катта умидлар қилади ва У ҳақида фақат яхши фикрда бўлади.

Аллоҳ таолонинг исмлари бандага ўз Роббини бутун қалби билан яхши кўриб қолишига ёрдам беради ва бу муҳаббат мусулмон учун бу дунёда ва Охиратда бахтнинг асоси ҳисобланади. Яхшиликка етишишига калит бўлади ва бу муҳаббат бандани Роббига энг гўзал суратда ибодат қилишига илхом бағишлайди. Шу ўринда айтиш жоизки, тана билан бажариладиган ибодатлар, банда Аллоҳ таолони қалбан қанчалик яхши кўришига қараб енгил ва қийин бўлади.

Аллоҳ таоло қабул қиладиган мукаммал суратдаги ибодатни адо этишлик Аллоҳни қалбан севишликка боғлиқдир ва бу муҳаббат Аллоҳни Унинг гўзал исм ва сифатлари орқали билишга боғлиқдир. Шунинг учун Аллохга Ўзининг пайғамбарлари ҳаммадан кўра яхшироқ ибодат қилишган, негаки улар Уни ҳаммадан кўра яхшироқ билишган, шунинг оқибатида улар яратувчига нисбатан энг кучли муҳаббатлари билан ажралиб туришган.

Илоҳий исм ва сифатларга эга бўлишликдаги яккахудолик (*тавхид ал-асма ва ас-сифат*) — бу Аллоҳ таолога Ўзини Ўзи ва Расулуллоҳ ﷺ Уни сифатлаган исм ва сифатларига қалбан иймон келтириш ва Аллоҳ Ўзидан, Расулуллоҳ ﷺ Ундан рад этган исм ва сифатларни инкор этишлик, шунингдек, исм ва сифатларининг асл маъно-мазмунини тан олишлик, уларнинг асари ва натижаларини махлуқотлар орасида аниқлашлик.

Аллоҳ таолонинг исми ва сифатларини тан олишликнинг асосида нима ётади?

БИРИНЧИ: Аллоҳ гўзал исмлар эгаси, яъни Унинг исмларидан бошқа ҳеч қандай гўзал исм йўқдир. Негаки Аллоҳ таоло деди:

— Аллоҳнинг гўзал исмлари бор, бас, Унга ўша исмлар ила дуо қилинг. Аъроф сураси, 180 оят.

Бундан ташқари, Аллоҳ ҳар қандай камчиликлардан ҳоли бўлган олий ва комил сифатларга эгадир.

Аллоҳ таоло деди:

— Аллоҳ олий мисол соҳибидир. Нахл сураси, 60 оят.

Бу ерда энг олий, энг комил ва энг гўзал сифатлар ҳақида айтилмоқда.

ИККИНЧИ: Аллоҳнинг исм ва сифатлари хақидаги илм бизга юқоридан нозил бўлган, негаки улар хақидаги илмимизнинг негизи Қуръон ва Суннат ҳисобланади. Бу эса, биз фақат шу икки нарсага асосланишимиз керак деганидир. Яъни улар нимага далолат қилса, ўшандан ҳеч нима камайтирмаган ва унга ҳеч нима қўшмаган ҳолда иймон келтиришимиздир.

УЧИНЧИ: Аллоҳни таърифлашда ҳам тасдиқ, ҳам инкор ишлатилади. Тасдиқлаш хеч нимага ўхшатишликсиз бўлмоғи лозим, инкор этишлик эса, Аллох таоло қуйидаги оятда айтгани каби бутунлай инкор этмоқлик лозим:

— Унга ўхшаш нарса йўқ, у эшитувчи ва кўрувчидир. Шуро сураси, 11 оят.

ТЎРТИНЧИ: Бизга Аллоҳнинг исм ва сифатлари маълум, аммо айнан нима назарда тутилгани ёлғиз Аллоҳга аёндир. У деди:

— Улар (одамлар) эса У (Аллоҳ)ни илмлари билан ихота қила олмаслар (билмаслар). Тоха сураси, 110 оят.

Икки «Саҳиҳ» да Абу Ҳурайра (родияллоху анху) дан ҳадис ривоят қилинади, унда Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «***Аллоҳнинг тўқсон тўққиз исми бор, бир кам юздан иборат ва кимки уларни санаса, жаннатга киради***».

Бу ҳолатда санашдан мурод — бу исмлар хақида эслаш ва Аллоҳга уларнинг маъноси ўлароқ фикрлаб, ибодат қилишдир.

Аммо, Аллоҳнинг исмлари тўқсон тўққизта билан чегараланмаган, негаки Унинг Қуръон ва Суннатда зикр қилинмаган исмлари бордир.

Имом Аҳмад, ибн Хиббон ва бошқа муҳаддислар Абдуллоҳ ибн Масъуд (родияллоху анху) дан ривоят қилинган хадисни келтиришади, унда Расулуллох ﷺ айтдилар: «***Эй Аллох, Сенга Сенинг ҳар бир исминг билан илтижо қиламан, қайсики, Сен Ўзингни номлаган, ёки Сен Ўз китобингда нозил қилган ёки Сен Ўзинг махлуқотларингдан бирига очган ёки фақат Ўзингга аён бўлган ва бошқалар***».

Шундай қилиб, Аллоҳ таоло кўпгина исмларга эга, улар таркибига ҳам исмлар, ҳам сифатлар киради. Бунда исмлар Холиқнинг борлигига далолат қилса, сифатлар эса — Унинг комиллигининг сифатларига далолат қилади.

Аллоҳнинг айрим исм ва сифатларини келтириб ўтамиз.

Аллоҳнинг исмларидан:

Аллоҳ, Роб, Роҳман, Роҳийм

Аллох таоло «Фотиҳа» сурасида деди:

— Оламларнинг Роббисига ҳамд бўлсин, У Роҳман, Роҳийм. Фотиха сураси, 2–3 оят.

Аллоҳ — «Илоҳ», «Маъбуд» деб сиғиниладиган Зотдир.

Роб — Холиқ, ризқ берувчи, Молик, бошқарувчи ва барча махлуқотни ўз раҳмати билан ўстириб тарбияловчидир.

Роҳман, Роҳийм. Бу икки исм раҳмат, мехрибонлик билан алоқадордир. Аммо, Роҳман исми Ўзига хослигига дололат қилса, Роҳийм исми эса Унинг раҳмати татбиқ қилинадиган барча нарса билан боғлиқ эканлигига далолат қилади.

Аллоҳнинг раҳмати икки қисмга бўлинади: Умумий, яъни барча махлуқотга нисбатан бўлган раҳмати ва хос, яъни мўъминларга нисбатан бўлган раҳматидир.

Умумий раҳматига нисбатан Аллоҳ таоло деди:

— Дарҳақиқат, Аллоҳ одамларга шафқатли ва меҳрибондир. Ҳаж сураси, 65 оят.

Хос раҳмати хақида эса Аллоҳ таоло деди:

— Ва У мўъминларга меҳрибондир. Ахзоб сураси, 43 оят.

Ягона, Абадий

Аллоҳ таоло маъно жиҳатдан Қуръоннинг учдан бирига тенг бўлган «Ихлос» сурасида деди:

— Айт: «У Аллоҳ ягона (Битта)дир, Аллоҳ Сомад(Абадий)дир». Ихлос сураси, 1–2 оят.

Ягона, яъни комилликда Битта, ва Унга ўхшаши йўқ, Унинг комил сифатига шерик йўқ.

Сомад (Абадий), яъни Ўз сифатларида комил, барча махлуқотлар Унга муҳтож.

Тирик, Қайюм, Алий, Аъзим

Бу барча исмлар Аллоҳ таолонинг буюк оятларидан бири бўлмиш оят ал-курсида зикр қилинган. Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «***Кимда ким бу оятни тунда ўқиса, тонгача Аллоҳ томонидан юборилган ҳимоячи уни ҳимоялайди ва шайтон унга яқинлашмайди***».

Аллоҳ таоло деди:

— Аллоҳ, Ундан ўзга илоҳ йўқ. У Тирикдир ва Қайюмдир. Уни мудроқ ҳам, уйқу ҳам олмас. Осмонлару ердаги нарсалар Уникидир. Унинг хузурида Ўзининг изнисиз ҳеч ким шафоат қила олмас. Уларнинг олдиларидаги нарсани ҳам, ортларидаги нарсани ҳам билур. Унинг илмидан ҳеч нарсани ихота қила олмаслар, магар Ўзи хоҳлаганини, холос. Унинг курсиси осмонлару ерни қамраган. У уларни мухофаза қилишдан чарчамас. Ва у Алий ва Аъзим зотдир. Бақара сураси, 255 оятлар.

Тирик: Бу Унинг ҳаёти абадий ва барча нарсага нисбатан комил эканлигини, Уни уйқу, мудроқ ва ўлим тутмаслигини билдиради.

Аллоҳ таоло деди:

— Ўлмайдиган тирик зотга таваккал қил. Фурқон сураси, 58 оят.

Қайюм: Бу Унинг аввал эканлигини, қолган барча махлуқотлар эса Аллоҳнинг иродаси билан яралганини билдиради. Зеро У ҳеч нимага муҳтож эмасдир.

Олий: Бу ерда мутлоқ юқори назарда тутилмоқда, масалан, қудратда олий, борликда олий. Қудратда олийлиги — бу Унга комиллик ва буюклик сифати хослигини билдиради. Борликда олийлиги бу барча махлуқотларидан олий бўлиб, ўз Аршига кўтарилгани назарда тутади.

Аллоҳ таоло деди:

— Олий қадар бўлган Роббингнинг исмини поклаб ёд эт. Аъла сураси, 1 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Аллоҳ: «Эй Исо! Мен сени вафот қилдирувчи ва Ўзимга кўтарувчиман…» Оли Имрон сураси, 55 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Осмондаги зот сизларни ерга юттириб юборишидан омонда бўлдингизми? Ёки осмондаги зот сизларга азоб шамолини юборишидан омонда бўлдингизми? Бас, албатта огоҳлантириш қандай бўлишини билурсизлар! Мулк сураси, 16–17 оят.

Бу ерда «осмон» сўзидан мурод юқори демакдир, бошқача айтганда, барча яратилган осмонлардан юқорида бўлган нарса.

Аъзим: Бу исм, буюкликка алоқадор нимаики бўлса, шунинг барчасига эга эканлигини билдиради.

Аввал, Охир, Зохир, Ботин, Олим

Аллоҳ таоло деди:

— У — Аввал ва Охир, Ошкор ва Пинҳондир. Ва У ҳар бир нарсани билувчидир. Ҳадид сураси, 3 оят.

Расулуллоҳ ﷺ бу тўрт исмга шарҳ бериб айтдилар: «***Эй Аллоҳ, Сен — Аввалсан ва Сенгача ҳеч ким бўлмаган, Сен Охирсан, ва Сендан сўнг ҳеч ким бўлмайди, Сен Ошкорсан ва Сенинг устингда ҳеч ким йўқ, Сен — Пинхонсан, ва Сенинг остингда ҳеч нима йўқ***». Бу ҳадисни Имом Муслим келтирганлар.

Билувчи: Яъни барча нарсани қамраб олган илм эгаси.

Аллоҳ таоло деди:

— Ғайбнинг калитлари унинг ҳузурида бўлиб, уларни Унинг ўзидан бошқа ҳеч ким билмас. У қуруқликдаги ва денгиздаги нарсаларни биладир. Битта япроқ узулиб тушмайдики, магар уни ҳам биладир. Ер тубидаги бир дона дон борми, хўлу қуруқ борми, барчаси очиқ китобда бордир. Анъом сураси, 59 оят.

Кўрувчи, Эшитувчи

Аллоҳ таоло деди:

— Ва У — эшитувчи, кўрувчидир. Шууро сураси, 11 оят.

У — **Эшитувчи**, демак эшитишлик унинг сифатидир. У — **Кўрувчи**, демак кўриш ҳам унинг сифатидир. Шундай қилиб, У ҳар бир нарсани кўради, эшитади ва ҳеч нима ундан махфий қолмайди.

Ҳаким, Ҳабардор

Аллоҳ таоло деди:

— Ва У — Ҳакимдир, Хабардордир. Сабаъ сураси, 1 оят.

Ҳаким: Бу шуни англатидики, дунё ва Охиратда Аллоҳ таоло нимани яратган бўлса, уларни ҳам дунёвий, ҳам шаръий қонуниятлари билан бошқаради ва қандай хоҳласа шундай ҳукм қилади. Ҳеч ким Унинг қарорини қайтаролмайди ва У ҳикмат соҳибидир. Бу ҳикмат ила Унинг барча буйруқлари ва махлуқотлари мутлоқ аниқлик ва чирой билан ажралиб туради.

Хабардор: ҳам маълум, ҳам мавхум нарсалардан хабардордир.

Қуйидагилар Аллоҳнинг сифатларидандир:

Юз

Аллоҳ таоло деди:

— Улуғлик ва икром эгаси роббингнинг юзи боқийдир.

Ар-Роҳман сураси, 27 оят.

Қўллар

Аллоҳ таоло деди:

— Балки Аллоҳнинг икки қўли очиқ… Моида сураси, 64 оят.

Кўзлар

Аллоҳ таоло деди:

— Бас, Роббинг ҳукми келгунга қадар сабр қил. Албатта, сен кўз ўнгимиздасан. Тур сураси, 48 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Буни менинг кўз олдимда етиштирилишинг учун (қилдим). Тоҳа сураси, 38 оят.

Бу ерда икки кўз назарда тутилмоқда, шунинг учун Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «**Дархақиқат, Роббингиз бир кўзли эмасдир**».

Юқорида зикри ўтган уч сифат Аллоҳнинг зоти борлигига алоқадордир.

Аршга кўтарилиши

Аллоҳ таоло деди:

— У — Роҳман аршга кўтарилди. Тоҳа сураси, 5 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Сўнгра — У аршга кўтарилди. Аъроф сураси, 54 оят.

Бу ерда кўтарилиш сифати юқоридалиги (энг юқори)га, ҳар нарсадан юқорилиги, барқарорлигига ишора қилади. Бу кўтарилиш феълий сифатларидан ҳисобланади.

Бирга бўлишлик

Аллоҳ таоло деди:

— У осмонлар ва ерни олти кунда яратиб, сўнгра аршга кўтарилган зотдир. Ерга нима кирганини ҳам, ундан нима чиққанини ҳам, осмондан нима тушганини ҳам, унга нима чиққанини ҳам биладир. Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб турувчидир. Ҳадид сураси, 4 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Албатта Аллоҳ осмонлару ердаги барча нарсаларни билишини англамадингми? Агар учтанинг сирли сўзлашуви бўлса, албатта, У зот тўртинчидир. Бешта бўлсалар, У зот олтинчидир, бундан оз бўлса ҳам, кўп бўлса ҳам, албатта Аллоҳ улар биландир. Сўнг, Қиёмат кунида уларга қилган ишларидан хабар берадир. Албатта Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчидир. Мужодала сураси, 7 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— (Мухаммад) ўз шеригига: «Ҳафа бўлма, Аллоҳ, албатта, биз билан» — деди. Тавба сураси, 40 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Дархақиқат, Аллоҳ — тақводор ва мухсинлар (яхшилик қилувчилар) билан биргадир. Наҳл сураси, 128 оят.

Бу бирга бўлишлик икки хил бўлади: ҳамма билан бирга бўлишлик, бунга юқоридаги «Ҳадид» ва «Мужодала» сураларининг оятлари далил бўлди. Бу Холиқнинг барча махлуқотлари хақидаги мутлоқ, кенг қамровли илми билан боғлиқдир.

Иккинчи тури эса, махлуқотларнинг бир қисми билан бирга бўлишидир. Бунга юқоридаги «Тавба» ва «Наҳл» сураларидан оятлар далил бўлди.

Бу ерда, унга яқин бўлган кимсалар хақида сўз бормоқда, негаки, бу, оятлар маъносига мувофиқдир, У доим уларга ёрдам беради, қўллайди ва мухофаза қилади.

Келиш

Аллоҳ таоло деди:

— Улар Аллоҳ ва фаришталар сояли булутларда келиши ҳамда ишнинг тугашидан бошқача интизор бўлмаяптилар, шекилли?! Ва барча ишлар Аллоҳга қайтажак. Бақара сураси, 210 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Ва Роббинг ва фаришталар саф-саф бўлиб келсалар. Фажр сураси, 22 оят.

Бу ерда Аллоҳ таолонинг Охират куни Ўз бандаларини ҳукм қилиш учун келиши назарда тутилмоқда.

Пастки осмонга тушиш

Икки «Саҳиҳ» да Абу Ҳурайра (родияллоху анху) дан ривоят қилинган хадис келтирилади. Унда Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «***Ҳар тунда туннинг учдан икки қисми ўтганда, Роббимиз пастки осмонга тушади ва айтади: "Ким Менга дуо қилса, ижобад қиламан, ким Мендан нимадир сўраса, бераман. Ким Мендан уни кечиришимни сўраса, уни кечираман"***».

Шундай қилиб, бу ҳадис Аллоҳ таоло ҳар тунда пастки осмонга тушишига ҳужжат бўлади, бу эса феълий сифатларига оиддир.

Сўзлаш (гапириш)

Аллоҳ таоло деди:

— Мусо мийқотимизга келиб, Робби унга гапирганида… Аъроф сураси, 143 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Эй, Исо ибн Марям! Сен одамларга Аллоҳни қўйиб, мени ва онамни илоҳ қилиб олинглар дедингми? Моида сураси, 116 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Агар мушриклардан бирортаси сендан паноҳ сўраса, унга паноҳ бер, токи у Аллоҳнинг каломини эшитсин… Тавба сураси, 6 оят.

Аллоҳнинг каломи ва гапириши унинг сифатларидан ҳисобланади. Аллоҳ таоло агар хоҳласа гапиради, У қачон ва қандай хоҳласа ўшандай гапиради. Унинг овози эшитилади, Аллоҳнинг каломи бир томондан Унинг борлигининг сифати бўлса, бошқа томондан эса, феълий сифатидир.

Куръон Аллоҳ таоло томонидан нозил бўлган (тушган) ва яралмаган сўзларни ўз ичига олади.

Аллоҳ таоло деди:

— Биз туширган бу китоб муборакдир. Бас, унга эргашинглар. Ва тақво қилинглар. Шоядки, раҳм қилинсангизлар. Анъом сураси, 155 оят.

Айтиб ўтилганидек, Аллоҳнинг каломи унинг сифатларидан бири ҳисобланади, Унинг сифатлари эса яралмаган.

Муҳаббат (севиш)

Аллоҳ таоло деди:

— Дархақиқат, Аллоҳ мухсинларни севади. Бақара сураси, 195 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Албатта, Аллоҳ тақводорларни севади. Тавба сураси, 4 оят.

Рози бўлиш

Аллоҳ таоло деди:

— Аллоҳ улардан рози бўлур ва улар ҳам Ундан рози бўлурлар. Моида сураси, 119 оят.

Ғазаб

Аллоҳ таоло деди:

— Аллоҳ эса улардан ғазабланди. Фатҳ сураси, 6 оят.

Биз аниқ биламизки, бу исм ва сифатлар Аллоҳга тегишлидир, негаки, У Ўзини шундай номлади ва Унинг Расули ﷺ ҳам Уни шундай сифатладилар. Бу хусусда Қуръон ва Суннатдан ҳечам четга чиқиб бўлмайди, чунки уларнинг аниқ маъносидан четга чиқиш мумкин эмас, уларнинг ортида нима яширинганини аниқлашга киришиш, уларнинг маъноларини одамларга хос сифатлар билан солиштириш жоиз эмас.

Аллоҳ таоло деди:

— Унинг мисли каби йўқдир… Шууро сураси, 11 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Унга ўхшаш бирор нарсани биласанми? Марям сураси, 3 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Ва унга ҳеч ким тенг бўлмаган. Ихлос сураси, 4 оят.

Қандай қилиб исм ва сифатлардаги яккахудолик тўғри тушинилади.

Аллоҳнинг исм ва сифатларини тўғри тушинишлик мустаҳкам иймонга ва Аллоҳ Ўзини Ўзи таърифлаган, пайғамбаримиз ﷺ Уни сифатлаган барча исм-сифатларга *тахрифсиз, таътилсиз, шунингдек, тақйифсиз* ва *тамсилсиз* мутлоқ эътиқод қилишга асосланади.

Тахриф (Бузиш) Аллоҳнинг асл исм-сифатларининг моҳиятини ўзгартиришни назарда тутади. У икки хил бўлади:

1. Сўзга ортиқча ҳарф қўшиш ёки бу сўздан бир ва бир нечта харфни олиб ташлаш, ёки ундаги ҳаракатларни ўзгартириш билан номни бузиб кўрсатиш. Адашган тоифалар шундай қилиб Аллоҳ таолонинг оятидаги «*истава*» сўзини ўзгартиришди:

— Роҳман аршга кўтарилди (ёки аршга ўрнашди). Тоха сураси, 5 оят.

Бу сўзнинг маъноси «кўтарилди», «олий бўлди», «ўрнашди» деганидир. Аммо улар бу сўзни «*иставла*» деб тавил қилишди, бу эса ўз негизида «эгаллади» деган маънони билдиради.

2. Аллоҳ таоло ва Унинг Расули ﷺ азалдан билдирган маънога хилоф равишда сўзни шархлаб, мазмун-моҳиятни бузиш. Масалан, «Аллоҳнинг қўли» иборасидаги «*яд*» сўзини «Аллоҳнинг қудрати», «рахмати» деб тавил қилишлик. Бундай тавил қилиш хатодир. Бунга на Қуръонда, на Суннатда ва на араб тилининг умумий қабул қилинган қоидаларида асос бор.

Таътил (Инкор қилиш) Аллоҳнинг сифатларини умуман тан олмасликни билдиради. Аллоҳ таолонинг умуман сифатлари йўқ дегувчилар бу йўлни тутадилар.

Тақйиф (Тасаввур қилиш) илоҳий сифатларнинг кайфиятини ва қиёфасини тасаввур қилишни назарда тутади. Айрим адашган тоифаларнинг намоёндалари шундай қилишади. Улар Аллоҳ сифатларинининг маъносини бузадилар, уларга муайян бир шакл беришади ва таърифлашади, масалан, Аллоҳнинг қўли бундай, У Аршга мана бундай кўтарилган дейишади. Бу таърифлар ботил, негаки, бу хақида Аллоҳ таолодан ўзгаси, яъни махлуқлар буни билишмайди ва била олишмайди ҳам.

Тамсил (Ўхшатиш) Аллоҳнинг сифатларини махлуқотларининг сифатларига ўхшатишни назарда тутади. Бундай одам, масалан «Аллоҳ худди биз каби эшитади» ёки «Аллоҳнинг худди бизнинг юзимиз каби юзи бор» дейди. Аллоҳ бу нарсалардан покдир!

Аллоҳнинг исм ва сифатларига тўғри ёндошишлик учта қоидага асосланади. Кимки уни тушиниб қабул қилса, ҳеч қачон бу масалада адашмайди. Бу қоидалар қуйидагилар:

1. Аллоҳ азза ва жалланинг ҳеч қайси сифати махлуқотнинг сифатига ўхшамайди. Аллоҳ таоло деди:

— **Унга ўхшаши йўқ, у эшитувчи, кўрувчидир.** Шуура сураси, 11 оят.

Бу гўзал оят Холиқ билан махлуқотлар орасида ҳеч қандай ўхшашлик йўқлигига далолат қилади ва Аллоҳ таоло махлуқотларнинг эшитиши, кўришига ўхшамаган эшитиш ва кўриш сифатига эга эканлигини очиқ тасдиқлайди. Шунингдек, бу қоида Аллоҳнинг мана бу сўзлари билан исботланади:

— **Ҳеч кимни Аллоҳ билан қиёсламанг.** Нахл сураси, 74 оят.

— **Ва унга тенги йўқ.** Ихлос сураси, 4 оят.

2. Аллоҳ таоло Ўзини номлаган, сифатлаган ва Пайғамбари ﷺ Уни сифатлаган исм ва сифатлар Унинг буюклигига муносибдир.

3. Аллоҳ таоло сифатларининг аслини билишликка интилиш мумкин эмас, чунки махлуқотлар бунга қодир эмас. Бу қоида Аллоҳ таолонинг мана бу сўзи билан исботланади:

— У уларнинг олдиларидаги нарсаларни ҳам, орқаларидаги нарсаларни ҳам билув. Улар эса, Уни илм ила иҳота қила олмаслар. Тоҳа сураси, 110 оят.

Соғлом ақл эгаси шуни билиши керакки, унинг кўриши ва эшитиши чегара билгани каби ақли ҳам чегарага эгадир ва уни босиб, ўтиб кета олмайди. Кимки ўз ақли билан идрок қилиб бўлмас нарсага етишишга ҳаракат қилса, масалан, Аллоҳ таоло сифатларининг асл моҳияти ҳақида фикрлашга киришса, у худди девор ортидаги нарсани кўришга ёки узоқ-узоқларда янграётган овозни эшитишга интилаётган инсонга ўхшайди.

Қуръон ва Суннат Аллоҳнинг кўплаб гўзал исм ва комил сифатларини зикр килади ва уларни бутунлай санашнинг имкони йўқ. Биз келтирган исм ва сифатлар улардан айримлари ҳисобланади холос. Ҳар бир мусулмон Аллоҳ таолонинг илоҳий исм ва сифатларини Аллоҳнинг буюклиги ва комиллигига муносиб равишда тасдиқлаши шартдир. Аллоҳ таоло Қуръонда Ўзини қандай сифатлаган бўлса, киши шундай тасдиқлаши лозим, ахир У махлуқотларига қараганда Ўзи ҳақида кўпроқ билади. Ҳар бир мусулмон Аллоҳ таолони Расулуллоҳ ﷺ қандай сифатлаган бўлсалар, шундайлигича тан олиши зарур, ахир Пайғамбаримиз ﷺ Роббимизни қолганларга нисбатан билувчироқ, холисроқ, энг гўзал нутқ эгаси, энг солиҳ ва энг тақводор киши эдилар. Ҳеч ким Аллоҳ таолонинг қайсидир исм ва сифатини инкор қилиши, шунингдек, махлуқотларига қиёслаши мумкин эмас, чунки «**Унга ўхшаши йўқдир, У Эшитувчи, Кўрувчидир**». Шууро сураси, 11 оят.

Ибодат қилинишдаги яккахудолик (тавҳид ал-улуҳия)

«*Улуҳия*» сўзи араб тилидаги «*илоҳ*» сўзидан ҳосил бўлади, «*маъбуд*» маъносини англатади. «*Илоҳ*» — бу унга муҳаббат ва улуғлашлик асосида итоат қилинадиган нарса. Унга бўйсунилади, унинг олдида ўзни паст тутилади, ундан қўрқилади, унга интилинади, унга бахтсизликда суянилади, ҳаётнинг муҳим лаҳзаларида унга дуо қилинади, ундан яхшилик кутиб, таваккал қилинади ва ундан паноҳ исталади. Бунинг барчаси илоҳга нисбатан инсоннинг қалбида ҳосил бўлади. Сабаби шуки, илоҳ инсон ва бутун махлуқотлар эриша олмайдиган комиллик сифати ва буюкликка эгадир.

Ибодат қилинишдаги яккахудолик (*тавҳид ал-улуҳия*) — бу ёлғиз Аллоҳ хақ илоҳ ва фақат у сиғинишликка хақли бўлган зот деб қалбан эътиқод қилишдир. Аллоҳ таоло ёлғиз Роб ва ёлғиз У комил исм ва сифатларга эга бўлганлиги учун ягона ибодатга лойиқ зот ҳисобланади.

Аллоҳ таоло деди:

— Батахқиқ, Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилинг ва тоғутдан четланинг», деб пайғамбар юборганмиз. Нахл сураси, 36 оят.

Аллоҳ таоло деди:

— Чунки, Аллоҳ Ўзигина хақдир, ундан бошқа талпинаётганлари эса ботилдир. Албатта, Аллоҳ Юксак ва Буюкдир. Ҳаж сураси, 62 оят.

Аллоҳ таоло бизга Қуръонда хабар бериб айтдики, одамлар илоҳ деб ибодат қилаётган барча нарсалари аслида ундай эмас, балки ботилдир. Яъни инсон уларга бўйсуниш, дуо қилиш, умид қилиш, қўрқиш, нажот исташ, таваккал қилиш орқали ибодат қилар экан, бундан ҳеч қандай наф олмайди. Бу ҳақида Аллоҳ таоло шундай деди:

— Ҳеч нарсани ярата олмайдиган, ўзлари яратиладиган нарсаларни ширк келтирурларми? Ва уларга ёрдам беришга қодир эмаслар, хамда ўзларига ҳам ёрдам беролмаслар. Аъроф сураси, 191–192 оятлар.

— Ундан ўзга сиз ибодат қилаётганлар сизга ёрдам беришга қодир эмаслар ва ўзларига ҳам ёрдам бера олмаслар. Аъроф сураси, 197 оят.

— У зот кечани кундузга, кундузни кечага киритур, қуёш ва ойни беминнат хизматкор қилиб қўйгандир. Ҳар бири белгиланган муддатгача юрадир. Ана шу Аллоҳ Роббингиздир. Мулк Уникидир. Ундан ўзга илтижо қилаётганларингиз эса, данак пўстлоғига ҳам молик эмаслар. Агар уларга дуо қилсангиз, дуоингизни эшитмаслар. Гар эшитсалар ҳам, сизга жавоб бера олмаслар. Қиёмат куни эса, сизнинг уларни ширк келтирганингизни инкор этурлар. Ўта хабардор Зотдек ҳеч ким сенга хабар бера олмас. Фотир сураси, 13–14 оят.

Башариятнинг аксарияти Аллоҳни Роб, Холиқ, Роззақ, Молик деб тан олади, бунинг барчаси *тавхид ар-рубубияга* тегишли, шу билан бирга Унга ибодат қилишда ҳеч кимга бирор зарар, ҳамда фойда келтира олмайдиган, ҳеч қандай ризқ бера олмайдиган ва ризқидан махрум қилиб қўя олмайдиган бут-санамларни, ўлган солиҳларни ва фаришталарни, юлдуз ва дарахтларни шерик қиладилар.

Аллоҳ таоло деди:

— Қўплари эса Аллоҳга мушрик бўлган ҳолларидагина иймон келтирадилар, холос. Юсуф сураси, 106 оят.

Набий ﷺ замонларида мушриклар Аллоҳни Роб, Холиқ, Роззақ ва Молик деб тан олишарди, аммо уларнинг ширклари оламлар Роббисига ибодат қилишларидан ташқари яна бошқа нарсаларга ибодат қилишларида намоён бўларди. Улар Аллоҳга махлуқотларни шерик қилардилар, уларга дуо қилардилар, мадад сўрардилар ва эҳтиёжларини кетгазишини сўрардилар.

Аллоҳ таоло Ўзининг Муқаддас Китобида кўплаб оятларда араб мушрикларининг Аллоҳнинг Робблигини, яъни *тавҳид ар-рубубияни* тан олиб, шу билан бирга Унга ибодатда ширк келтиришганининг хабарини бериб деди:

— Агар улардан: «Осмонлару ерни ким яратган ва қуёшнию ойни ўз изнига қаратган ким?» деб сўрасанг: «Аллоҳ» — дерлар. Бас, унда қаёққа бурилмоқдалар?! Анкабут сураси, 61 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Агар улардан: «Осмондан сув тушириб, ўлган ерни тирилтирган ким?!» — деб сўрасанг, албатта улар: «Аллоҳ» — дерлар. Сен: «Аллоҳга ҳамд бўлсин!» — деб айт. Йўқ! Уларнинг кўплари ақл юритмаслар. Анкабут сураси, 63 оят.

У шунингдек деди:

— Агар сен улардан ўзларини ким яратганини сўрасанг, албатта: «Аллоҳ» — дерлар, Бас, қаёққа бурилиб кетмоқдалар. Зухруф сураси, 87 оят.

У шунингдек деди:

— Сен: «Агар билсангиз, ер ва ундаги кимсалар кимникидир?» — деб айт. Улар: «Аллоҳникидир» — дерлар. Сен: «Наҳотки эслатма олмасангиз?!» — дегин. Сен: «Етти осмоннинг Робби ким? Улуғ Аршнинг Робби ким?» — деб айт. Улар: «Аллоҳникидир» — дерлар. Сен: «Наҳотки қўрқмасангиз?» — деб айт. Сен: «Агар билсангиз (айтинг-чи) ҳар бир нарсанинг мулки қўлида бўлган, Ўзи ҳимоя қиладиган ва Ундан ҳимоя қилинмайдиган Зот ким?!» — деб айт. Улар: «Аллоҳдир» — дерлар. Сен: «Қандоқ ҳам сеҳрланмоқдасиз-а?!» — деб айт. Мўъминун сураси, 84–89 оятлар.

Набий ﷺ замонларидаги араб мушриклари айнан бутларнинг ўзи ёмғир ёғдиради, бу оламга ризқ беради ва унинг ишларини бошқаради деб ҳисобламасдилар. Аксинча, буларнинг барчасига фақат Пок бўлган Роб қодир деб эътиқод қилардилар. Аллоҳдан бошқа дуо ила мурожаат қиладиган бутлари аслида махлуқ ва у, ҳам ўзига, ҳам унга ибодат қилаётганларга на фой-

да, на зарар етказа олади деб эътиқод қилардилар. Улар бу бутлар на ўлдира олади, на тирилтира олади ва на қайта тирилтира олади деб билганлари каби улар на эшитади, на кўради деб билардилар. Улар ёлғиз Аллоҳ таоло бу ишларни қилади ва Унга бу эгаликда шерик йўқ, бунга бут-санамлар қодир эмас, ёлғиз Аллоҳ таоло ягона Холиқ, барча қолган нарсалар Унинг махлуқотлари, ёлғиз У ягона Роб, қолганлар эса Унга тўлиқ бўйсунадиган бандаларидир деб ишонардилар. Аммо улар шафоат сўраш ва шу билан Аллоҳга яқинлашиш мақсадида Унга Ўзининг махлуқотларидан бўлган шерикларни ва воситачиларни шерик қилардилар. Аллоҳ таоло улар хақида бундай деди:

— Ундан ўзга авлиё (дўстлар) тутганлар: «Биз уларга фақат бизларни Аллоҳга жуда ҳам яқин қилишлари учунгина ибодат қилурмиз». Зумар сураси, 3 оят.

Яъни улар ўша нарсалардан Аллоҳ олдида ўзларини шафоат қилишларини, уларга ёрдам берилиши, ризқ берилиши, дунё ишларининг тартибга солинишини сўрардилар.

Кўриб турибмизки, мушриклар аслида Аллоҳ таоло барча нарсанинг Роббиси деб тан олишарди, бироқ шунга қарамай Аллоҳ уларни мусулмон деб номламади. Аксинча Аллох азза ва жалла уларни мушрик ва кофир деди, уларга абадий Жаҳаннам азоби билан тахдид қилди, уларнинг жон ва молини Ўзининг Пайғамбари ﷺ га ҳалол қилди, чунки улар ибодатда яккалаш шартларига риоя қилишмади, яъни ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишмади.

Юқорида айтиб ўтилганлардан маълум бўладики, агар ёлғиз Аллоҳнинг Ўзига ибодат қилинмаса, Аллоҳни Рубубиятда яккалашнинг ўзи мусулмон бўлишга кифоя қилмайди ва бу яккалаш Аллоҳнинг азобидан қутқармайди. Бундан ташқари, Аллоҳни ибодатда яккаламасдан фақат Унинг рубубиятини тан олишлик, шубхасиз, инсоннинг ўзига қарши бир далил бўлади. Сабаби шуки, бу тан олишлик унинг зиммасига ёлғиз Аллоҳга

ҳеч нимани шерик қилмасдан, холис хизмат қилиш ва ёлғиз Аллоҳга ибодат қилиш мажбуриятини юклайди.

Яккахудолик калимаси — Ла илаха иллаЛлоҳ шаҳодати

Бу классификация (*тасниф*) мустақил ва бир-бири билан боғлиқ бўлмаган тавҳиднинг учта тури борлигини билдирмайди. Булардан бирига амал қилиб, қолганларига аҳамиятсиз бўлиш, уларнинг ичида муҳимроғи ва муҳим бўлмагани бор дейишлик хато ҳисобланади. Инсон қачонки тавҳиднинг мана шу уч турига амал қилса, ўшандагина тавҳид билан яшамоқда деб ҳисобланади. Кимки Аллоҳга тавҳиднинг биргина турида ширк келтирса, у худдики унга барча турида ширк келтирган бўлади, негаки, улар чамбарчас боғлиқдир. Масалан, бир инсон фақат Аллоҳга дуо қилиб сўраладиган нарсани бошқасидан сўрайдиган бўлса, у Аллохга тавҳиднинг учта турида ҳам ширк келтирган ҳисобланади. У ибодатда ширк келтирмоқда, чунки, у Аллоҳдан ўзгага ибодат саналмиш дуо билан мурожаат қилмоқда, бу билан у ибодат масаласида Аллоҳнинг якка эканлиги ҳақида бахслашмоқда. Агар Аллоҳни Рубубиятда яккалаш ҳақида сўз борса, у ҳолда, бу инсон фойда олиш ёки ўзидан бир ёмонликни кетказиш умидида Аллоҳдан ўзгага дуо қилмоқда. Бу эса, у кимга мурожаат қилаётган бўлса, у Аллоҳ эгалик қиладиган нарсаларни бошқаришга қодир ва унинг эхтиёжини қондиради деб ишонаётганига далолат қилади. Агар Аллоҳни комил исм ва сифатларда яккалаш ҳақида сўз юритсак, мурожаат қилинаётган кимса — эшитувчи, яқин, ва унга ким дуо қилса, уни эшитади ва унинг хоҳиш — истакларини рўёбга чиқаришга қодир деган нарса келиб чиқади. Фақатгина Аллоҳ ҳақ илоҳ ҳисобланади ва

қуйидаги шаҳодат калимасида ўз ифодасини топади: «*Ла илаҳа илла Аллоҳ*» — Аллоҳдан ўзга ибодатга ҳақли бўлган зот йўқ. Бу буюк шаҳодатнинг асл моҳияти шуки — Аллоҳдан ўзгаси махлуқотлар томонидан сиғинишга лойиқ эмас, ахир Аллоҳдан бошқаси илоҳий сифатларга, яъни комил ва буюк сифатларга эга эмас. Фақат У Буюк Роб ва барча нарсанинг Холиқидир. Фақат У оламдаги барча жараёнларни бошқаради, фақат У барча комил сифатлар эгаси ва ҳар қандай нуқсонлардан йироқдир. Шунинг учун фақат Унинг олдида бўйин эгилади ва Унга итоат қилинади. Ёлғиз Аллоҳ таоло махлуқотни бошидан (яъни йўқдан) яратади ва уни қайта яратади, бошқа ҳеч ким бу жараёнда унга шерик бўлмайди. Бу эса шуни билдирадики, фақат У ибодатга хақли ва бошқа хеч ким бу масалада Унга шерик бўлишга хақли эмас.

Ла илаҳа иллаЛлоҳ шаҳодатининг шартлари

Инсон бу улуғ калимани талаффуз қилиб исломга кирганини эълон қилгани билан бу калима унинг юрагидан чиқмоғи ва унга фойда бермоғи учун у еттита муҳим шартга риоя этмоғи лозим. Бунга Қуръон ва Суннатда далиллар мавжуд. Аммо гап, бу шартларни ёдлаб олишлик хақида эмас, балки унинг мазмун-моҳиятига амал қилишлик хақидадир. Негаки, бир инсон бу барча шартларни кетма-кет санаб беролмасада, уларга амал қилади, бошқа бир инсон эса барчасини ёдлаб олган-у, аммо уларга зид равишда иш тутади.

БИРИНЧИ: илм, қайсики жоҳилликка мос келмайдиган

Бу ерда ўзида ҳам инкор, ҳам тасдиқлашни жамлаган бу калиманинг моҳиятини билиш назарда тутилмоқда.

Аллоҳ таоло деди:

— Бас, билгин: Аллоҳдан ўзга ибодатга лойиқ илоҳ йўқ. Муҳаммад сураси, 19 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Магар, билган ҳолларида хақ шаҳодат берганларгина (эга бўлурлар). Зухруф сураси, 86 оят.

Тиллари билан шаҳодат келтираётган нарсаларини қалбан маъносини билиб, Аллоҳдан ўзга ибодатга ҳақли бўлган илоҳ йўқ деяётганлар назарда тутилмоқда.

Аллоҳ таоло деди:

— Аллоҳ адолат ила туриб, албатта Ундан ўзга илоҳ йўқлигига шоҳидлик берди. Фаришталар ва илм эгалари ҳам. Ундан ўзга илоҳ йўқ. У азиз ва ҳаким Зотдир. Оли Имрон сураси, 18 оят.

ИККИНЧИ: яқийн, қайсики шакка мос келмайдиган

Киши бу калимани ҳеч қандай шубхасиз, тўлиқ ишонч билан талаффуз қилмоғи лозимлиги ҳақида сўз бормоқда. Аллоҳ таоло деди:

— Албатта хақиқий мўъминлар Аллоҳга ва унинг Расулига иймон келтирган, сўнгра шубҳа қилмаган ва Аллоҳнинг йўлида моллари ва жонлари ила жиҳод қилганлардир. Ана ўшалар, ўшаларгина (иймонида) содиқлардир. Ҳужурот сураси, 15 оят.

Шундай қилиб, Аллоҳ таоло Ўзига ва Унинг Расулига иймон келтиришда шубҳанинг бўлмаслигини холисликнинг шарти деб номлади.

«Ас-Саҳиҳ» да Абу Ҳурайра (родияллоху анху) дан ривоят қилинган ҳадис келтирилади, Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «***Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга ибодатга ҳақли бўлган илоҳ йўқ ва мен Аллоҳнинг Расулиман, ва албатта, банда бунга шубҳа қилмай Аллоҳга рўбаро келса, у албатта Жаннатга киради!***»

УЧИНЧИ: қабул, қайсики кибрга мос келмайдиган

Тил билан талаффуз қилинадиган ва амал билан тасдиқланадиган бу шаҳодат нимани талаб этса, унга қалбан рози бўлишлик ва шаҳодат маъносига нимаики зид бўлса, уни рад этишлик назарда тутилмоқда. Пайғамбарларнинг сўзларини инкор этганлар бундай йўл тутишмади. Улар хақида Аллоҳ таоло шундай деди:

— Худди шунингдек, Биз сендан илгари ҳам қайси бир қишлоқ-шаҳарга огоҳлантирувчи юборсак, албатта, унинг зодагонлари: «Таъкидки, биз ота-боболаримизни бир динда топдик ва, албатта, биз уларнинг изларидан эргашувчиларданмиз» дедилар. Зухруф сураси, 23 оят.

Кофирларга келсак, улар хақида Аллоҳ таоло бундай деди:

— Чунки уларга Аллоҳдан ўзга ибодатга лойиқ илоҳ йўқ дейилса, мутакаббирлик қилар эдилар. «Ахир, биз бир мажнун шоирни деб ўз худоларимизни тарк қилгувчи бўлайликми?!» — дер эдилар. Соффат сураси, 35–36 оятлар.

«Ас-Саҳиҳ» да Абу Мусо ал-Ашъарий (родияллоху анху) дан ривоят қилинган ҳадис келтирилади, унда Набий ﷺ айтдилар: «***Дархақиқат, Аллоҳ одамларга мен орқали юборган дастур ва илм ерга тушган ёмғир кабидир. Бу ернинг бир қисми яхши эди, у ўзига сув шимди ва унда кўп майсалар ўсди. Бошқа қисми унумдор эмасди, бироқ у ҳам ўзида сув ушлаб қолди ва Аллоҳ уни одамларга фойдали қилди, улар бу сувни ичимлик суви қилиб истеъмол қилишни, молни суғоришни ва экин-***

текинга ишлатишни бошладилар. Ёмғир шунингдек, ернинг бошқа бир жойига тушди. У шундай бир текислик эдики, унда на сув турди ва на ундан убу нарса ўсиб чиқди. Ернинг бу қисмлари Аллоҳ таолонинг динидан хабардор бўлиб, Аллоҳ мен орқали юборган нарсадан фойда олиб, ўрганишни ва бошқаларга ўргатишни бошлайдиганларга ва бунга эътибор бермайдиганларга, шунингдек, Аллоҳнинг мен орқали одамларга жўнатган дастурини қабул қилмаганларга ўхшайди».

ТЎРТИНЧИ: таслим, қайсики рад этишга мос келмайдиган

Шаҳодат калимаси далолат қилаганидек, ёлғиз Аллоҳга ҳолис ибодат қилиш шартига таслим бўлиш ва бошқа барча нарсага ибодат қилишдан бош тортишлик назарда тутилмоқда.

Аллоҳ таоло деди:

— Роббингизга қайтинг ва Унга таслим бўлинг. Зумар сураси, 54 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Ким гўзал амалларни қилувчи бўлган ҳолида Аллоҳга юз тутса, батахқиқ, у ишончли арқонни маҳкам тутибди. Луқмон сураси, 22 оят.

Бу ерда «Аллоҳдан ўзга ибодатга ҳақли илоҳ йўқ» калимаси назарда тутиляпти, «юз тутса» деган сўзга келсак, бу таслим бўлиш ва яхшилик қилиш деган маънони билдиради.

БЕШИНЧИ: содиқлик (ростгўйлик), қайсики ёлғонга мос келмайдиган

Инсон бу калимани айтганда, унинг қалби тили билан ҳамжиҳатликда бўлиши кераклиги хақида сўз бормоқда.

Аллоҳ таоло деди:

— Алиф, лам, мим. Одамлар «иймон келтирдик» дейишлари ила имтиҳон қилинмай тарк этилишларини ўйлади-

ларми? Ва, батаҳқиқ, Биз улардан олдингиларни ҳам имтиҳондан ўтказганмиз. Бас, Аллоҳ, албатта, содиқ бўлганларни ҳам билажак, ёлғончиларни ҳам билажак. Анкабут сураси, 1–3 оятлар.

Мунофиқларга келсак, улар хақида Аллоҳ таоло бундай деди:

— Ва одамлардан: «Аллоҳга ва Охират кунига иймон келтирдик», дейдиганлари бор. Ҳолбуки улар мўъмин эмаслар. Улар Аллоҳни ва иймон келтирганларни алдамоқчи бўларлар ва холбуки, сезмасдан ўзларини алдарлар. Уларнинг қалбларида касал бор. Аллоҳ касалларини зиёда қилди. Ва уларга ёлғон гапирганлари учун аламли азоб бор. Бақара сураси, 8–10 оятлар.

Икки «Саҳиҳ» да Муоз ибн Жабал (родияллоху анху) дан ривоят қилинган ҳадис келтирилади, унда Набий ﷺ айтдилар: «***“Аллоҳдан ўзга ибодатга хақли илоҳ йўқ ва Муҳаммад унинг қули ва расули” деб гувоҳлик берган кишига Аллоҳ оловнинг тегишини ман қилади***».

ОЛТИНЧИ: ихлос, қайсики риёга мос келмайдиган

Бу ерда амалларни яхши (солиҳ) ният ила ҳар қандай риёнинг аралашмаларидан тозалаш назарда тутилмоқда. Аллоҳ таоло деди:

— Ҳолбуки улар фақат Аллоҳгагина ибодат қилишга, Унинг динигагина ихлос қилишга буюрилган эдилар. Баййина сураси, 5 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Бас, сен Аллоҳга Унга динни холис қилган ҳолингда ибодат эт. Огоҳ бўлингким, холис дин Аллоҳникидир. Зумар сураси, 2–3 оятлар.

Ал-Бухорий «Саҳиҳ» ларида Абу Ҳурайра (родияллоху анху) дан ривоят қилинган ҳадис келтирилади, унда Набий ﷺ айтдилар: «***Кимки қалбида холисликни сақлаган ҳолда "Аллохдан ўзга ибодатга хақли илоҳ йўқ" деса, ана ўшалар менинг шафоатим туфайли энг катта муваффақиятга эришадилар***».

ЕТТИНЧИ: муҳаббат, қайсики нафратга мос келмайдиган

Бу ерда ҳам шаҳодат калимасига, ҳам бу шаҳодат нимани талаб қилса ва нимага буюрса, ўшанга бўлган муҳаббат, шунингдек, бунинг мазмунига барча шартлари асосида амал қилаётганларга бўлган муҳаббат назарда тутилмоқда. Бу яна шуни англатадики, бу калиманинг мазмунига мос бўлмаган ширкка ва мушрикларга нисбатан нафратнинг бўлишлиги.

Аллоҳ таоло деди:

— Одамлар ичида Аллоҳдан ўзга тенгдошларни тутадиганлар ва уларни Аллоҳни севгандек севадиганлар бор. Иймон келтирганларнинг Аллоҳга муҳаббатлари қаттиқроқдир. Бақара сураси, 165 оят.

Икки «Саҳиҳ» да Абу Ҳурайра (родияллоху анху) дан ривоят қилинган ҳадис келтирилади, унда Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «***Сизлардан ҳеч ким ҳақиқий иймон келтирмайди, токи мени ўз фарзандидан, отасидан ва бошқа барча инсонлардан кўра кўпроқ яхши кўрмагунича***».

Икки «Саҳиҳ» да Анас (родияллоху анху) дан ривоят қилинган ҳадис келтирилади, унда Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «***Фақатгина учта сифати билан ажралиб турадиган кишигина иймон лаззатини хис қилади: Аллоҳ ва Унинг расулини барча нарсадан кўра яхшироқ кўради, у ёки бу одамни фақат Аллоҳ учун яхши кўради ва Аллоҳ уни қутқарган куфрга худди уни оловга киргизишларини истамагани каби қайтишни истамайди***».

Ибодат рукнлари

Биз айтиб ўтганимиздек, «*илоҳ*» («*маъбуд*») — бу муҳаббат ва улуғлашлик асосида ибодат қилинадиган нарсадир. Ва бу муҳаббат ва улуғлашликка асосланган итоат ибодатнинг ўзгинасидир. Араб тилида «*ъибада*» сўзи билан ифодаланади. Йўл ҳақида уни «*муъаббад*» («*ъибада*») дейишади. Йўл босиб юраверилган, оёқлар билан босиб ташалгани назарда тутиляпти, яъни, бу йўл бўйсундирилган. Шунинг учун, шу ердан «*ъибада*» сўзи келиб чиқади — бўйсунишлик, Аллоҳ олдида хокисорлик.

Аллоҳга бўйсуниш — бу Аллоҳ таоло буюрган амалларни бажаришда ва У қайтарган амаллардан қайтишликда муҳаббат ва улуғлашга асосланган ҳолда бўйсунишдир. Қачонки банда ўз Роббини таниса, Аллоҳни улуҳиятда, комил исм ва сифатларда бирлигини билса, ана ўшанда унинг қалбида муҳаббат ва улуғлашлик пайдо бўлади,

Аллоҳга муҳаббат ибодатнинг вожиб бўлган шарти ҳисобланади. Агар инсон кимгадир хокисор бўлиб, лаганбардорлик қилиб итоат қилса-ю, шу билан бирга уни ёмон кўрса, у ҳолда, унга ибодат қиляпти дея оламизми? Йўқ!

Аллоҳ таоло мўминларнинг Унга бўлган муҳаббати хақида шундай дейди:

— Одамлар ичида Аллоҳдан ўзга тенгдошларни тутадиганлар ва уларни Аллоҳни севгандек севадиганлар бор. Иймон келтирганларнинг Аллоҳга муҳаббатлари қаттиқдир.

Бақара сураси, 165 оят.

Икки «Саҳиҳ» да ҳадис келтирилади, унда Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «***Фақатгина учта сифати билан ажралиб турадиган кишигина иймон лаззатини хис қилади: Аллоҳ ва Унинг расулини барча нарсадан кўра яхшироқ кўради, у ёки бу одамни фақат Аллоҳ учун яхши кўради ва Аллоҳ уни қутқар-***

ган куфрга худди уни оловга киргизишларини истамагани каби қайтишни истамайди».

Аллоҳга ибодат қилишда муҳаббатдан ташқари албатта, қўрқув ва умид бўлмоғи лозим.

Аллоҳ олдида қўрқув. Инсон Аллоҳга Унинг буйруқларини бажаришда, қайтариқларидан қайтишда Аллоҳнинг олдидаги қўрқув сабабли бўйсунади. Ахир Аллоҳ бизни осийлик учун жазолашини айтиб огоҳлантирди. Аллоҳ олдидаги бу қўрқув инсон қалбида Аллоҳнинг буйруқлари ва қайтариқларининг бузилиши билан боғлиқ ва у вожиб ҳисобланади.

Аллоҳ одамларни Ўзидан қўрқишликка буюрди:

— Улардан қўрқманг, мендан қўрқинг, агар сиз мўмин бўлсангиз. Оли Имрон сураси, 175 оят.

— Ва фақат мендан қўрқингиз! Бақара сураси, 40 оят.

Шунингдек, Аллоҳ олдидаги қўрқув, Аллоҳ томонидан инсоннинг ибодати қабул бўлмаслиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Аллоҳ таоло деди:

— Албатта, Роббиларидан қўрқиб хавфда турувчилар ва Роббилари оятларига иймон келтирадиганлар ва Роббиларига ширк келтирмайдиганлар. Ва берадиган нарсаларини албатта Роббиларига қайтгувчи эканликларидан қалблари титраган ҳолда берадиганлар. Ана ўшалар яхшиликларга шошилурлар ва улар ўша (яхшилик)лар учун мусобақа қилурлар. Мўминун сураси, 57–61 оятлар.

Ат-Термизий ва Имом Аҳмад ҳадис келтиришади, унда ривоят қилинадики, Оиша (родияллоху анха) Расулуллоҳ ﷺ дан бу оят ҳақида сўрадилар: «Ё Расулуллоҳ, Аллоҳнинг: “**берадиган нарсаларини қалблари титраган ҳолда берурлар**” — деган сўзи зинокор, майхўр ва ўғрига тегишлими? Улар: «***Йўқ, Эй Сиддиқнинг қизи, бу ерда намоз ўқиб, рўза тутиб, мискинларга садақа бера туриб, ундан бу амал қабул бўлмаслиги-***

дан қўрқадиганлар хақида кетяпти» — деб жавоб қилдилар».

Аллоҳдан умид қилиш. Аллоҳ таоло Ўзига умид қилишимизни буюради. Инсон ибодат қилаётганда қалбида умид бўлиши вожиб ҳисобланади. Аллоҳ таоло деди:

— Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманглар. Хақиқатан, Аллоҳнинг раҳматидан фақат кофирларгина ноумид бўлурлар. Юсуф сураси, 87 оят.

Инсоннинг умид қилиши, унинг осийлиги сабаб Аллоҳнинг мағфиратини кутиш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Қачонки инсон гуноҳлари учун тавба қилса, у Аллоҳнинг мағфиратини умид қилади. Аллоҳ таоло деди:

— Сен (менинг тарафимдан): «Эй ўз жонларига исроф (жабр) қилган бандаларим, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманг! Албатта, Аллоҳ барча гуноҳларни мағфират этар. Албатта, Унинг Ўзи ўта мағфиратли ва ўта раҳмли зотдир», деб айт. Зумар сураси, 53 оят.

— Ва улар фахиш иш ёки ўзларига зулм қилган чоғларида Аллоҳни эслаб, гуноҳларини мағфират қилишини сўрарлар, гуноҳларини Аллоҳдан ўзга ким ҳам мағфират қиларди? Оли Имрон сураси, 135 оят.

— Аллоҳдан мағфират сўрасангиз-чи?! Шояд раҳм қилинсангиз. Намл сураси, 46 оят.

Инсоннинг умид қилиши Аллоҳ унинг ибодатини қабул қилиб, буни Ўзининг ваъдасига мувофиқ мукофотлашини кутишлик билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Аллоҳ таоло деди:

— Йўқса, у кечалари ибодат қилиб, сажда қилган, бедор ҳолида Охиратдан қўрқиб Робби раҳматидан умидвор бўлган одамга тенгми? Зумар сураси, 9 оят.

— Албатта, иймон келтирганлар, ҳижрат қилганлар ва Аллоҳнинг йўлида жидду жахд қилганлар — ана ўшалар Ал-

лоҳнинг раҳматини умид қиладилар. Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли зотдир. Бақара сураси, 218 оят.

Уламолар бу учта қалб амалини ибодат рукнлари деб номлашган, улар албатта ибодат қилувчининг қалбида бўлиши шарт.

Ширк, куфр, нифоқ

Аллоҳ Ўзига иймон келтиришни ва фақат ёлғиз Ўзига ибодат қилишни буюрди. Бу буйруқни адо этмаслик уч хил кўришда намоён бўлиши мумкин: ширк, куфр, нифоқ.

Ширк

«*Ширк*» сўзи араб тилидаги «*шарика*» феълидан олинган бўлиб, «(ишда) шерик бўлмоқ» деган маънони англатади. «*Ширк*» сўзининг ўзи эса, «шериклик» деган маънони билдиради.

Ширк умумий маънода Аллоҳга махлуқотларни ёлғиз Аллоҳга хос бўлган сифатларда тенглаштиришни билдиради. Бундай ширкнинг уч хил тури мавжуд:

Биринчи тури — бу махлуқотларни Аллоҳга рубубиятда шерик қилиш, яъни Роблик сифатида тенглаштириш ёки қайсидир сифатига нисбат бериш, масалан, яратиш, ризқлантириш, жон олиш, оламларни бошқариш ва хоказо. Аллоҳ таоло деди:

— Эй одамлар! Аллоҳнинг сизга берган неъматларини эсланг. Сизларга осмон ва ердан ризқ берадиган Аллоҳдан бошқа холиқ борми? Ундан ўзга ибодатга хақли зот йўқ. Бас, қаён кетмоқдасиз?! Фотир сураси, 3 оят.

Иккинчи тури — бу махлуқотларни Аллоҳга илоҳий исм ва сифатларда шерик қилиш, яъни махлуқни Аллоҳнинг қайсидир исм ва сифатларига тенглаштириш. Аллоҳ таоло деди:

— Унга ўхшаши йўқдир. У эшитувчи, кўрувчидир. Шууро сураси, 11 оят.

Учинчи тури — бу махлуқотларни Аллоҳга улуҳиятда шерик қилиш, яъни махлуқни Аллоҳга хақиқий илоҳ ўлароқ, ёлғиз Угина хақли бўлган ибодатда тенглаштириш. Бу намоз, рўза, дуо, мадад сўраш, қурбонлик, назр ва бошқа: катта ва кичик, вожиб ва мустаҳаб, махфий ва зохир ибодат турларига тегишлидир. Аллоҳ таоло деди:

— Одамлар орасида Аллоҳдан Ўзга тенгдошларни тутадиганлар ва уларни Аллоҳни севгандек севадиганлар бор. Бақара сураси, 165 оят.

Катта ширк — бу Аллоҳга тенглаштириш ва унга худди Аллоҳга ибодат қилгандек ибодат қилишдир. Ширкнинг бу тури инсонни исломдан чиқаради ва унинг барча амалларини хабата қилади. Агар инсон бу ширкдан тавба қилмай вафот этса, у ҳолда, абадий Жаҳаннамга маҳкум этилади. У ерда у ўлмайди ва унинг азоблари ҳеч қанча енгиллатилмайди.

Кичик ширк — бу катта ширкка олиб келиши мумкин бўлган барча амаллар, шунингдек, Қуръон ва Суннатда ширк деб айтилган, бироқ катта ширк даражасига етмайдиган сўз ва амаллардир. Аллоҳ таоло агар хоҳласа, Қиёмат куни бундай гуноҳкорни кечиради, хоҳласа, уни аламли азобга гирифтор қилади.

Катта ва кичик ширк орасида бир неча фарқлар бор. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардир:

1. Катта ширк Аллоҳ таоло томонидан фақат тавба қилингандагина кечирилади, кичик ширк эса У томондан тавбасиз ҳам кечирилиши, ҳам жазоланиши мумкин.

2. Катта ширк барча амалларни хабата қилади, кичик ширк эса, фақат ўша амални хабата қилади.

3. Катта ширк инсонни исломдан чиқариб, уни кофир қилади, кичик ширк эса исломдан чиқармайди.

4. Катта ширкда вафот этган инсон Жаҳаннамда абадий қолади ва Жаннатга киришдан маҳрум бўлади, кичик ширк эса бу масалада бошқа гуноҳлар кабидир.

Ширк қандай пайдо бўлган?

Ширкнинг негизи ва бу иллатнинг инсоният орасида пайдо бўлиш сабаби азиз, солих ўтмишдошлар (ота-боболар)ни ортиқча улуғлаш, мақташ, кўкларга кўтариш билан боғлиқдир. Аллоҳ таоло деди:

— Ва улар: «Олихаларингизни ҳеч тарк қилманглар ва албатта, Ваддни ҳам, Суваъни ҳам, Яғусни ҳам, Яъуқни ҳам ва Насрни ҳам тарк қилманг», дедилар. «Дархақиқат, улар кўпларини адаштирди. Ва Сен золимларга залолатдан бошқани зиёда қилма», деди. Нуҳ сураси, 23–24 оятлар.

Вадд, Суваъ, Яғус, Яъуқ ва Наср — бу Нуҳ (алайхиссалом) қавмларида яшаган солиҳ кишиларнинг исмларидир. Уларнинг ўлимидан сўнг уларнинг хайкалчаларини ясаб, уларга юқоридаги исмларни қўйишди. Буни ўз солиҳларини улуғлашлик учун қилишганди. Бу билан уларнинг хотирасини абадийлаштиришни ва уларнинг афзаллигини ёдда сақлашни исташди. Аммо бунинг оқибатида айнан шу иш уларни ўшаларга сиғинишга, Аллоҳдан ташқари уларни илоҳ тутишга олиб келди.

Хабар қилинишича, Нуҳ (алайхиссалом) нинг қавми ибодат қилган бутлар кейинчалик араблар ичида ҳам пайдо бўлган. Ваддга Давмад ал-Жандалда Килоб қабиласи, Суваъга Хузайл қабиласи, Яғусга аввал Мурод қабиласи, сўнгра Саба атрофида Жауф деган жойда Бану Гатиф ибодат қилган. Яъуқга Хамдан қабиласи ибодат қилган, Наср эса химярликларда, Зул-Кила оиласида бўлган. Бу бутларни Нуҳ қавмидаги солих кишиларинг исми билан номлашди. Улар ўлганда, шайтон уларнинг қабиладошларига бутларни улар кўпинча ўтирган жойларига қўйишни, уларни ўша кишилар исми билан номлашликни васваса

қилди. Улар шундай ҳам қилишди, бироқ у вақтда ҳеч ким уларга ибодат қилмасди. Бу авлод ўлгандан ва илм йўқолгандан сўнг уларга ибодат қилишни бошлашди.

Шунингдек, хабар қилинишича, улар Одам (алайхиссалом) авлодидан бўлган солиҳ киши эдилар ва уларга эргашувчилар улардан кўп намуна олишарди. Улар ўлгандан сўнг уларга эргашганлар: «Агар биз уларнинг расмларини қилиб олсак, уларни эслаб туришимиз бизни Аллоҳга ибодат қилишга ундаб туради» — дейишди. Шундай қилиб, уларнинг расмларини қилиб олишди, бу авлод ўлганидан сўнг, уларнинг ўрнига бошқалари келганда, Иблис уларга: «Улар (яъни сизларнинг аждодингиз) уларга ибодат қилишарди ва улар туфайли ёмғир ёғарди» — деб васваса қилди. Шундай қилиб, одамлар уларга ибодат қилишни бошлашди.

Эътибор беринг, уларнинг қилмишида биратўла иккита васваса жамланди. Биринчи — улар ўз солих кишиларининг қабрларида йиғилишни бошладилар; иккинчи — улар ўша кишиларнинг хайкалчаларини ясадилар ва ўша хайкалчаларни улар кўп йиғилиб турган жойларга қўйиб, улар атрофида ўтира бошладилар. Бу эса инсоният тарихида биринчи марта Аллоҳга шерик қилишлик пайдо бўлишига олиб келди. Шунинг учун бу икки амал ҳар қайси замонда ва маконда энг катта ва энг хавфли ширкка олиб борадиган йўл ҳисобланади.

Ширкнинг айрим кўринишлари

Аллоҳга ибодат тури ҳисобланмиш дуода ширк келтириш. Дуо ибодатнинг кўриниши бўлгани учун Аллоҳдан ўзгага дуо қилишлик ширк ҳисобланади. Демак, кимки Пайғамбарга, фариштага, авлиёга, қабрга, тошга ёки бошқа исталган махлуққа дуо қилувчи бўлса, мушрик ва кофир ҳисобланади.

Аллоҳ таоло деди:

— Ким Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳга илтижо қилса, бу ҳусусда ҳеч бир далили йўқдир. Бас, унинг ҳисоби фақат Роббининг ҳузуридадир. Албатта, кофирлар нажот топмаслар. Мўъминун сураси, 117 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Улар қачон кемага минсалар, Аллоҳга, унинг динига ихлос қилган ҳолларида дуо қилурлар. Нажот бериб, уларни қуруқликка чиқарса, баногох ширк келтирурлар. Анкабут сураси, 65 оят.

Аллоҳга ниятда ширк келтириш. Одамларнинг фақат дунё истаб ёки риё учун ва шухрат топиш учун қиладиган солих амаллари шундайдир. Бундай одамлар Аллоҳ таоло айтган ширкни қиладилар:

— Кимки бу дунё ҳаётини ва унинг зийнатини хоҳласа, бу борадаги амаллари (самараси) ни тўлиқ берамиз. Улар бунда камситилмаслар, ана ўшаларга Охиратда дўзах оловидан бошқа ҳеч вақо йўқдир. Бу дунёда қилган ишлари хабата бўлди ва қилган амаллари ботил бўлди. Худ сураси, 15–16 оятлар.

Ширкнинг бу тури махфий, аммо жуда ҳавфли ҳисобланади.

Аллохга итоатда ширк келтириш. Кимки махлуққа қачонки у, Аллоҳ ҳаром қилганини ҳалол қилгани, ҳалол қилганини ҳаром қилгани учун итоат қилса ва улар нимани хоҳласалар, шуни ҳалол ёки ҳаром дейишликка хақли деб ҳисобласа, бу амал Аллоҳнинг шариатига зид эканлигини билиб туриб, бу масалада одамларга итоат қилса бўлади деса, у одам ўзига Аллоҳдан ўзгани илоҳ қилиб олиб, катта ширк қилган бўлади.

Аллоҳ таоло деди:

— Улар Аллоҳни қўйиб ўзларининг хибр ва рохибларини, хамда Масих ибн Марямни Робб туттилар. Улар фақат битта Илоҳдан бошқага ибодат қилмасликка амр қилинган эдилар. Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ. У зот улар ширк келтираётган нарсадан покдир. Тавба сураси, 31 оят.

Маъноси ҳеч қандай қарама-қаршиликка эга бўлмаган бу оятда, диний пешволарга ва роҳибларга сиғинишлик эмас, балки уларнинг Аллоҳга осий бўлишга чақириғига, яъни Аллоҳнинг қонунларини ўзгартиришида итоат қилишлари назарда тутилмоқда. Расулуллоҳ ﷺ га сахобалари Ади бин Хати (родияллоху анху): «Ахир биз уларга сиғинмаймизку!» — деганларида, Расулуллоҳ ﷺ қачонки улар гуноҳ иш қилишни буюрсалар ва Аллоҳнинг қонунини ўзгартирсалар, шунда итоат қилинса, ана ўша ибодат ҳисобланади, деб тушунтирдилар. Улар ﷺ Адидан: «***Ахир улар Аллоҳ ҳалол қилган нарсани ҳаром деса, сизлар уни ҳаром ҳисобламайсизларми? Агар улар Аллоҳ харом қилганини ҳалол санаса, сизлар уни ўзингизга ҳалол санамайсизларми?***» — деб сўрадилар. Ади (родияллоху анху) жавоб қилдилар: «Ҳа, шундай». Шунда Набий ﷺ: «***Мана шу уларга сиғинишликдир***» — деб юқоридаги оятни тафсир қилдилар. Ат-Термизий «Сунан» (3095), улар уни ҳасан дедилар, ат-Табароний «ал-Мужам ал-Кабир» (17/92).

Аллоҳга муҳаббатда ширк келтириш. Бу ерда улуғлаш, севиладиган нарсани ҳурматлаш, шунингдек, унинг олдида ўзини паст тутишлик ва ювош бўлишликни назарда тутадиган муҳаббат-ибодат назарда тутилмоқда. Бундай муҳаббат фақатгина шериги йўқ Аллоҳга бўлиши мумкин. Агар банда бундай муҳаббатни Аллоҳдан ўзгага туйса, у катта ширк қилган бўлади. Бунга Аллоҳнинг қуйидаги ояти далилдир:

— Одамлар ичида Аллоҳдан ўзга тенгдошларни тутадиганлар ва уларни Аллоҳни севгандек севадиганлар бор. Иймон келтирганларнинг Аллоҳга муҳаббатлари қаттиқдир.

Бақара сураси, 165 оят.

Куфр нима?

«*Куфр*» сўзининг араб тилидаги луғавий маъноси «беркитиш», «ўраш» деганидир. Бу сўзнинг шаърий маъноси эса, иймонга

бутунлай қарама-қаршиликни назарда тутади, Аллоҳ ва Унинг Расули ﷺ га ишонмасликни назарда тутади. Кимки хақиқатда, хақни ёлғон ҳисобласа ва яна кимки, бундай ҳисобламасада, бироқ унинг хақлигида шубҳа қилса ёки унга бўлган ҳасади, кибри ёки Қуръон ва Суннатга эргашишликдан чалғитадиган ўз хис-туйғуларига эрк берса, у ҳам кофир бўлиши мумкин.

Куфрнинг қандай турлари бор?

Куфр ҳам ширк каби катта ва кичик бўлади. Катта куфр инсоннинг Жаҳаннамда абадий қолишига сабаб бўлса, кичик куфр учун инсон ўз жазосини олади, аммо абадий Жаҳаннамда қолмайди.

Катта куфр беш хил кўринишда намоён бўлади:

Биринчи тури шуки, инсон хақни ёлғон хисоблайди (*куфр ат-такзиб*). Бундай куфр Пайғамбар ва Аллоҳнинг расуллари ёлғончи бўлишган деб эътиқод қилишни назарда тутади. Инсон уларни тилида ёки қалбида ёлғончи ҳисобласа, у кофир ҳисобланади. Бунга Аллоҳ таолонинг сўзи далил бўлади:

— Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиган ёки ўзига келган хақни ёлғонга чиқарган кимсадан ҳам золимроқ одам борми?! Кофирларга турар жой Жаҳаннам бўлмасми?! Анкабут сураси, 68 оят.

Катта куфрнинг иккинчи тури — бу ҳақдан бош тортишлик ва кибр қилишлик сабабидан бўладиган куфр (*куфр ал-иба ва ал-истикбар*) дир. Бундай одам Набий ﷺ нинг ростгўйликларини билади, У киши ﷺ хақни олиб келганларини ҳам билади, аммо у кибр ва ўжарлик сабаб, буйруқларга итоат қилмайди ва вожиботларга амал қилмайди. Аллоҳ таоло деди:

— Эсла, фаришталарга: «Одамга сажда қилинглар!» — деганимизни. Бас, сажда қилдилар, магар иблис бош тортди, мутакаббирлик қилди ва кофирлардан бўлди. Бақара сураси, 34 оят.

Катта куфрнинг учинчи кўриниши шубҳа сабабли бўладиган куфр (*куфр аш-шакк*) дир. Қачонки инсон Пайғамбарларнинг ростгўйлигига иккиланиб, ишонч ҳосил қилмаса, у куфрнинг мана шу тури остига тушади. Куфрнинг бу тури шунингдек, гумонда бўлиш деб ҳам аталади, негаки, гумон ва шубҳа ишонч ва эътиқодга тескари ҳисобланади. Аллоҳ таоло деди:

— У ўз боғига кирар экан, ўзига зулм қилган ҳолида: «Мен буни ҳеч қачон йўқ бўлади деб ўйламасман. Қиёмат қойим бўлмаса керак деб ўйлайман. Агар Роббимга қайтарилсам ҳам, албатта, бундан яхши оқибатни топаман» — деди. Унга шериги гаплаша туриб: «Сени тупроқдан, сўнгра, нутфадан яратган ва инсон этиб ростлаган зотга куфр келтирдингми? Лекин менинг Роббим — Аллоҳ, ва Унга ҳеч кимни шерик қилмайман», дейман. Каҳф сураси, 35–38 оятлар.

Тўртинчи тури — бу ҳақни рад этмоқлик куфри (*куфр ал-иърад*). Бу ердаги рад этмоқликдан мурод исломни бутунлай рад қилмоқликдир, яъни Расулуллоҳ ﷺ олиб келган нарсаларидан қулоғи ва қалби билан юз ўгирмоқдир. Бунга Аллоҳ таолонинг мана бу сўзи далилдир:

— Кофирлар бўлса ўзлари огоҳлантирилган нарсадан юз ўгирувчилардир. Аҳқоф сураси, 3 оят.

Катта куфрнинг бешинчи тури мунофиқликнинг изҳор бўлиши билан бўлади (*куфр ан-нифоқ*). Бу қачонки, инсон эътиқодда иккиюзламачилик қилса, яъни ўзининг куфрини беркитиб, ўзини мўъмин қилиб кўрсатади. Аллоҳ таоло деди:

— Бунга сабаб шуки, улар иймон келтирадилар, сўнг кофир бўладилар. Бас, қалбларига муҳр босилди. Энди улар фаҳмламаслар. Мунофиқун сураси, 3 оят.

Кичик куфр — бу шундай куфрки, у одамни кофирга айлантирмайди, бироқ уни қаттиқ азобга дучор қилади, аммо Жаҳаннамда абадий азобда қолишига сабаб бўлмайди.

Кичик куфр хақиқатда, берилган раҳматга ношукурлик ҳисобланади, Қуръон ва Суннатда куфр деб номланган барча

амални ўз ичига олади, аммо катта куфр даражасига етмайди. Қуйида кичик куфрнинг айрим кўринишларини келтирамиз.

Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «***Инсонлардаги икки сифат куфрнинг кўриниши ҳисобланади: Наслни масхара қилиш ва ўзганинг ортидан (уввос солиб) йиғи-сиғи қилиш***». Саҳиҳи Муслим, 67.

Улар ﷺ шунингдек айтдилар: «***Мендан сўнг бир-биригизнинг каллангизни чопиб, куфрга қайтманглар***». «Саҳиҳ» ал-Бухорий 121, «Саҳиҳ» Муслим 65.

Бу каби бошқа мисоллар одамни Исломдан чиқармайдиган кичик куфр ҳисобланади.

Нифоқнинг икки тури

Катта нифоқ

Бу — эътиқодга тегишли бўлган нифоқ ҳисобланади, бошқача айтганда, Исломга тегишли қилиб кўрсатиб, куфрни беркитиш. Бундай гуноҳкорлар Жаҳаннамнинг энг тубида бўладилар.

Аллоҳ таоло деди:

— Дархақиқат, мунофиқлар Жаҳаннамнинг энг тубида бўладилар ва улар учун шафоатчи топилмас. Нисо сураси, 145 оят.

Кичик нифоқ

Буни яна «амалий нифоқ» деб аташади, бу эса унинг кўриниши хилма-хил деганидир. Масалан, Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «***Мунофиқнинг учта аломати бор: агар сўзласа, ёлғон сўзлайди, ваъда берса, вафо қилмайди, омонатга хиёнат қилади***». Абу ҳурайра (родияллоху анху) дан Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Ал-Бухорий ва Муслим Абдуллох ибн Амр (родияллоху анху) дан ривоят қилинган ҳадисни келтирадилар, унда Набий ﷺ: «***Ҳақиқий мунофиқ ўзида тўрт сифатни жамлаган киши-***

дир. Мана шулардан ҳеч бўлмаса бир донаси билан сифатланган одам эса, қачонки, мана шу сифатидан айрилмас экан мунофиқликдан қутилмайди. Бу тўрт сифат билан ажралиб турувчи киши ишонилган омонатга ҳиёнат қилади, сўзласа ёлғон сўзлайди, ахдга вафо қилмайди ва ким биландир жанжаллашса, шариат чегараларини босиб ўтади» — деб айтдилар.

Фаришталарга иймон келтириш

Бундай иймон келтиришлик Аллоҳнинг фаришталари бор, Аллоҳ уларни нурдан яратган, уларнинг зиммасига маълум вожиботларни юклаган ва улар уни бажариш билан банд, Аллоҳ уларни бутунлай Ўзига бўйсунишлик қобилияти билан яратган ва улар ўша бўйсунишликни амалга ошира олишлари учун уларда етарли куч пайдо қилган деб қаттиқ ишонишни назарда тутади.

Уларга иймон келтириш умумий ва хос кўринишда бўлади.

Хос суратда иймон келтириш деганда, Аллоҳ ва Унинг Расули ﷺ номма-ном санаган, шунингдек, уларнинг сифат ва феъллари хақидаги хабарларнинг хақлигига иймон келтириш тушунилади. Умумий суратда иймон келтириш эса, бундан бошқа барчасига тегишли ҳисобланади.

Муслим «Саҳиҳ» ларида ва Имом Аҳмад «Муснад» ларида Оиша (родияллоху анха) дан ривоят қилинган хадисни келтирадилар, унда Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «***Фаришталар нурдан, жинлар алангадан, Одам эса сизларга аввал айтилган нарсадан яратилдилар***».

Фаришталарнинг сифатларидан бири қанотлар ҳисобланади.

Аллоҳ таоло деди:

— Ҳамду сано осмонлару ерни йўқдан бор қилган, фаришталарни икки, уч, тўрт қанотли элчилар қилган Аллоҳга бўлсин. У зот махлуқотларда нимани хоҳласа зиёда қилур. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир. Фотир сураси, 1 оят.

Расулуллоҳ ﷺ Жибрил (алайхиссалам) ни Аллоҳ яратган ҳолларида кўрганларини ва уларда олти юзта қанот бўлганлигининг хабарини бердилар.

Аллоҳнинг иродаси билан фариштa инсон қиёфасини олиши мумкин, негаки Жибрил (алайхиссалам) Марямнинг олдида ёқимли киши кўринишида пайдо бўлганлар, Расулуллоҳ ﷺ нинг олдиларига эса, кўзни қамаштирадиган оппоқ кийим ва қоп-қора сочга эга холатда намоён бўлганлар. Аллоҳ таоло Иброҳим ва Лут (алайхимуссалам) га юборган фаришталар ҳам одам қиёфасини олишган.

Аллоҳ таоло уларнинг ибодати, тўлиқ таслим бўлишлари, тоат-итоатлари ҳақида шундай деди:

— Роббинг хузуридагилар албатта, Унинг ибодатида мутакаббирлик қилмаслар, Уни поклаб ёд этадилар. Ва унга сажда қиларлар. Аъроф сураси, 206 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Унинг хузуридагилар ибодатдан такаббурлик қилмаслар ва малол олмаслар. Улар кечаю кундуз тасбех айтарлар. Чарчамаслар. Анбиё сураси, 19–20 оятлар.

Алло таоло шунингдек деди:

— Улар «Роҳман фарзанд тутди», дедилар. У покдир. Йўқ! Икром этилган бандалардирлар. Улар Ундан олдин сўз айтмаслар. Улар унинг амри ила амал қилурлар. У зот уларнинг олдиларидаги нарсани ҳам, ортларидаги нарсани ҳам билур. Улар фақат У зот рози бўлган шаҳсларгагина шафоат

қилурлар. Улар У зотнинг қўрқинчидан титраган ҳолда турурлар. Анбиё сураси, 26–28 оятлар.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Улар Аллоҳнинг амрига исён қилмаслар ва нимага буюрилсалар шуни қиларлар. Таҳрим сураси, 6 оят.

Қуръон оятлари ва ҳадисларда фаришталарнинг исмлари, уларнинг турлари ва уларга юклатилган ишларнинг зикри келган.

Масалан, Жибрил (алайхиссалам) га пайғамбарларга ваҳий олиб келиш вазифаси топширилганди.

Аллоҳ таоло деди:

— Жаброилга душман бўлганларга айт, албатта, У у(Қуръон) ни сенинг қалбингга Аллоҳнинг изни билан, ўзидан олдингини тасдиқловчи ва мўъминлар учун ҳидоят ва башорат қилиб туширди. Бақара сураси, 97 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Албатта, у (Қуръон) Роббул оламийннинг туширганидир. Уни Руҳул Амийн олиб тушди. Сенинг қалбингга, огоҳлантирувчилардан бўлишинг учун. Шуаро сураси, 192–194 оятлар.

Айрим ҳадисларда Микоилга ёмғирни ва ўсимликлар ўсишини кузатиб бориш, Исрофилга эса, Қиёмат куни сур чалишлик вазифаси юклатилгани ҳақида маълумотлар келади.

Расулуллоҳ ﷺ тунги намозларининг аввалидаги дуоларида уч фариштанинг номини зикр қилиб: «***Эй Аллоҳ, Жибрил, Микоил ва Исрофилнинг Робби, осмонлару ернинг Холиқи, зохирий ва ботиний нарсаларни билувчи, Сен ўз бандаларингни улар ўзаро келишолмаган нарсаларида ҳукм қиласан, ҳақиқат борасида ихтилоф бор ерда мени изнинг билан ҳидоят қилгин, негаки, дарҳақиқат, Сен кимни хоҳласанг, уни тўғри йўлга ҳидоят қилувчисан!***» Муслим ривояти.

Қуръони Каримда Жаҳаннам қўриқчиси Молик исмли фариштa зикр қилинади.

Аллоҳ таоло деди:

— Улар: «Эй Молик! Роббинг бизни битирсин!» — деб нидо қилдилар. Зухруф сураси, 77 оят.

Фаришталарнинг турлари

1. Уларнинг орасида аршни кўтарувчилар бор

Аллоҳ таоло деди:

— Аршни кўтариб турганлар ва унинг атрофидагилар Роббиларига ҳамд ила тасбиҳ айтурлар, Унга иймон келтирурлар ва иймон келтирганларга мағфират сўраб… Ғофир сураси, 7 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— … ва ўша кунда Роббингнинг аршини саккизта (фаришта) кўтариб турадир. Ҳаққо сураси, 17 оят.

2. Уларнинг орасида одамларни ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган ҳимоя фаришталари бор.

Аллоҳ таоло деди:

— Унинг олдида ҳам, ортида ҳам таъқиб қилувчилар бор. Улар уни Аллоҳнинг амри ила ҳифз қилиб турурлар. Раъд сураси, 11 оят.

3. Уларнинг орасида одамларнинг амалларини ёзиб турувчилари бор.

Аллоҳ таоло деди:

— Ҳолбуки, сизнинг устингиздан кузатиб турувчилар бордир. Улар ҳурматли ёзиб тургувчилардир. Улар нима қилаётганингизни биладир. Инфитор сураси, 10–12 оятлар.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Вақтики икки кутиб олувчи ўнгда ва чапда ўтирган ҳолларида кутиб олурлар. Бирор сўз айтмас, магар ҳузурларида ҳозиру нозир борлар. Қоф сураси, 17–18 оятлар.

Бу ерда ҳар бир одамнинг ўнг ва чап тарафида жойлашган икки фаришта ҳақида сўз бормоқда. Ўнг тарафидаги яхши амалларни, чап тарафидагиси эса ёмон амалларни ёзади.

4. Она қорнида хозир бўлиш вазифаси юклатилган фаришталар.

Бу ҳақида Ибн Масъуд (родияллоху анху) дан ривоят қилинадиган ҳадисда айтилади: «Ростгой ва ишончга лойиқ бўлган Расулуллоҳ ﷺ бизларга ҳар бир инсоннинг она қорнида қирқ кун мобайнида томчи, кейинги қирқ кун мобайнида — лахта қон ва шунча кун — парча гўшт кўринишида шаклланиши, шундан сўнг Аллоҳ унга рух пуфлаш ва тўрт нарсани: унинг ризқини, унинг умрини, унинг амалларини, шунингдек, унинг бахтли ё бахтсиз бўлишини ёзишлик вазифаси юклатилган фариштани жўнатиши ҳақида хабар бердилар». Бу ҳадисни ал-Бухорий келтирадилар.

5. Инсоннинг ўлим пайтида унинг жонини олишга вакил қилинган фаришталар.

Ўлим фариштаси ва унинг ёрдамчилари ҳақида сўз бормоқда. Аллоҳ таоло деди:

— Сен: «Сизларга вакил қилинган ўлим фариштаси жонингизни оладир. Сўнгра Роббингизга қайтарилурсизлар», деб айт. Сажда сураси, 11 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Қачонки бирортангизга ўлим келса, элчиларимиз камчиликка йўл қўймаган ҳолда уни вафот эттирадир. Анъом сураси, 61 оят.

Бундан ташқари, фаришталарнинг бошқа турлари ҳам мавжуд.

Китобларга иймон келтириш

Аллоҳ таоло Ўз расуллари (алайхимуссалам) га инсоният учун ҳақиқат ва ҳидоят сўзларини ўз ичига олган китоблар нозил қилгани ҳақида сўз бормоқда.

Биз Қуръони Каримда номлари зикр қилинган Китобларга иймон келтирамиз. Булар:

• Ал-Қуръан. Пайғамбаримиз Муҳаммад ﷺ га нозил бўлган.

• Ат-Таврот. Мусо (алайхиссалам) га нозил бўлган.

Аллоҳ таоло деди:

— Биз Тавротни нозил қилдик. Унда ҳидоят ва нур бор.

Моида сураси, 44 оят.

• Ал-Инжил. Исо (алайхиссалам) га нозил бўлган.

Аллоҳ таоло деди:

— Уларнинг изларидан Исо ибн Марямни ўзидан олдинги Тавротни тасдиқловчи қилиб юбордик. Унга Инжилни бердик. Унда ҳидоят ва нур бор. У ўзидан олдинги Тавротни

тасдиқловчидир. У тақводорлар учун хидоят ва мавъизадир.
Моида сураси, 46 оят.

• Аз-Забур. Давуд (алайхиссалам) га нозил бўлган.

Аллоҳ таоло деди:

— Ва Давудга Забурни бердик. Исро сураси, 55 оят.

• Ас-Сухуф. Аллоҳ Иброҳим ва Мусо (алайхимуссалам) га нозил қилган.

Аллоҳ таоло деди:

— Ёки Мусонинг саҳифаларидаги нарсалар хабари унга берилмадими? Ва вафо қилган Иброҳимнинг? Нажм сураси, 36–37 оятлари.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Албатта, бу аввалги саҳифаларда бордир. Иброҳим ва Мусо саҳифаларидадир. Аъла сураси, 18–19 оят.

Бундан ташқари, Аллоҳ таоло Ўзининг бошқа расуллари (алайхимуссалам) га ҳам Китоблар нозил қилганига иймон келтирамиз.

Қуръонга иймон келтириш масаласига келсак, бошқа китобларга иймон келтиришдан фарқи шундаки, унга эргашишлик талаб этилади ва Аллоҳ унга аввалги Китобларга бермаган хусусиятларни берган.

Пайғамбарларга иймон келтириш

Иймоннинг бу тури Аллоҳ таоло ҳар бир халққа пайғамбар юбориб, у одамларни ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга ва Унга хеч нимани шерик қилмасликка чақирувчи бўлганлигига қатъий эътиқод қилишни назарда тутади.

Аллоҳ таоло деди:

— Батаҳқиқ, Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилинг ва тоғутдан четланинг», деб Пайғамбар юборганмиз. Наҳл сураси, 36 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Қайси бир умматки бўлса, унда огоҳлантирувчи бўлган. Фотир сураси, 24 оят.

Аллоҳ Ўз Китобида номма ном санаган барча пайғамбарларига иймон келтиришимиз вожиб бўлади. Уларнинг сони йигирма бештадир: Одам, Нух, Идрис, Худ, Солих, Иброҳим, Исмоил, Исхоқ, Ёқуб, Юсуф, Лут, Шуайб, Юнус, Мусо, Хорун, Илёс, Закариё, Яхё, ал-Ясаъ, Зул-Кифл, Довуд, Сулаймон, Айюб, Исо ва Муҳаммад (алайхимуссалам).

Биз шунингдек, Аллоҳ таоло хабар берганидек, улардан бошқа пайғамбарлар бўлганлигига ҳам иймон келтирамиз:

— Ва Биз сенга бундан олдин қиссаларини айтиб берган ва қиссаларини айтиб бермаган Пайғамбарларни юбордик. Нисо сураси, 164 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Батаҳқиқ, Биз сендан олдин ҳам Пайғамбарлар юборганмиз. Улардан кимнингдир қиссасини сенга айтдик ва улардан кимнингдир қиссасини сенга айтмадик. Ғофир сураси, 78 оят.

Биз шунингдек, уларни диндор, содиқ, ҳалол, тақводор ва Аллоҳ уларни одамларга нима билан юборган бўлса, уни тўла тўкис буюрилганларидек етказишди деб иймон келтирамиз.

Аллоҳ таоло деди:

— Пайғамбарлар зиммасида фақат очиқ-ойдин етказиш бор, холос. Наҳл сураси, 35 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Пайғамбарнинг зиммасида очиқ-ойдин етказишдан бошқа нарса йўқ. Нур сураси, 54 оят.

Пайғамбарларнинг ҳаб бирига иймон келтириш бошқа нарсаларга иймон келириш билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун кимдир уларнинг хеч бўлмаса бирортасига иймон келтирмаса, қолган пайғамбарларга иймон келтирмагани каби Аллоҳ таолога ҳам иймон келтирмаган ҳисобланади.

Аллоҳ таоло деди:

— Айтинглар: «Аллоҳга ва бизга туширилган нарсага, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яқуб, асботларга туширилган нарсага, Мусо ва Ийсога берилган нарсага ва Пайғамбарларга Роббиларидан берилган нарсага иймон келтирдик. Уларнинг орасидан бирортасини фарқламасмиз ва биз Унга мусулмонлармиз. Агар сиз иймон келтирганга ўхшаш иймон келтирсалар, батаҳқиқ, ҳидоят топарлар. Ва агар юз ўгирсалар, бас, албатта, улар хилофдан бошқа нарсада бўлмаслар. Аллоҳ сенга улар (ёмонлиги)дан кифоя қилур. Ва У эшитувчи, билувчи Зотдир». Бақара 136–137 оятлар.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Пайғамбар унга ўз Роббисидан туширилган нарсага иймон келтирди ва мўминлар ҳам. Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, Пайғамбарларига ҳамма-ҳамма иймон келтирди. Унинг Пайғамбарларининг бирорталарини ажратмаймиз. Бақара сураси, 285 оят.

Шунингдек Аллоҳ таоло деди:

— Албатта, Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарларига куфр келтирадиганлар ва Аллоҳ ила Пайғамбарлари орасида айирмачиликни ирода қиладиганлар ҳамда баъзиларига иймон ва баъзиларига куфр келтирамиз, деб ана ўшандай ора йўлни тутишни хоҳлайдиганлар. Ана ўшалар, ҳақиқий кофирлардир. Ва кофирларга хорловчи азобни тайёрлаб қўйганмиз. Нисо сураси, 150–151 оятлар.

Муҳаммад ﷺ га иймон келтириш масаласига келсак, улар олиб келган барча нарсага тўлалигича иймон келтиришимиз ва бунга оғишмай эргашишимиз лозим бўлади.

Азму матонат соҳиблари (Улул-аъзм)

Нух, Иброҳим, Мусо, Исо ва Муҳаммад (алайхимуссалам) ни мана шундай номлайдилар. Бу пайғамбарлар ҳақида Аллоҳ таоло шундай деган:

— Набийлардан аҳду паймонларини олганимизни эсла! Сендан, Нухдан, Иброҳимдан, Мусодан ва Ийсо ибн Марямдан ҳам. Биз улардан салмоқли аҳду паймон олдик. Аҳзоб сураси, 7 оят.

Шунингдек Аллоҳ таоло деди:

— У зот сизларга дин этиб Ўзи Нухга васият қилган ва сенга (эй Муҳаммад) ваҳий қилган нарсамизни ҳамда Иб-

роҳим, Мусо ва Ийсога васият қилган нарсамизни баён қилди. «Динни барпо қилингиз ва унда тафриқага тушмангиз».

Шууро сураси, 13 оят.

Пайғамбаримиз Муҳаммад ﷺ нинг барчага бирдек жўнатилганликлари

Бизнинг пайғамбаримиз Муҳаммад ﷺ барча жину инсонларга юборилдилар.

Уларнинг ҳамма жинларга юборилганликларига қуйидаги Аллоҳнинг ояти далил бўлади:

— Ва сен томон бир гуруҳ жинларни Қуръон эшитишга бурганимизни эсла. У(Қуръон эшитиш)га ҳозир бўлганларида: «Жим, қулоқ осинглар!» — дедилар. Қачонки, қироат охирлаганда, ўз қавмларига огоҳлантирувчи бўлиб қайтдилар. Улар: «эй қавмимиз! Биз Мусодан кейин туширилган, ўзидан аввалги нарса(китоблар)ни тасдиқловчи, ҳақ(дин)га ва тўғри йўлга ҳидоят қилувчи китобни эшитдик. Эй қавмимиз, Аллоҳнинг даъватчисига жавоб беринг ва Унга иймон келтиринг. У сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилар ва аламли азобдан сақлар». Аҳқоф сураси, 29–31 оятлар.

Шунингдек Аллоҳ таоло деди:

— Сен айт: «Менга ваҳий қилиндики, албатта жинлардан (бир неча) нафари қулоқ осдилар ва дедидлар: “Биз ажойиб Қуръонни эшитдик. У тўғри йўлга ҳидоят қиладир. Бас, биз унга иймон келтирдик ва ўз Роббимизга бировни ширк келтирмасмиз”». Жин сураси, 1–2 оятлар.

Набий ﷺнинг ёнларига жинларнинг келиб турганлиги, Улар ﷺ эса жинлар билан гаплашганликлари ва уларга Қуръон ўқиб берганликлари ҳақида хабарлар мавжуд.

Набий ﷺнинг бутун инсониятга юборилганликларига кўплаб Қуръон оятлари ва ҳадислар далолат қилади.

Аллоҳ таоло деди:

— Биз сени барча одамларга фақат хушхабарчи ва огоҳлантирувчи қилиб юбордик. Лекин одамларнинг кўплари билмаслар. Сабаъ сураси, 28 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Сен: «Эй одамлар, албатта, мен сизларнинг барчангизга, осмонлару ернинг мулки Уники бўлган, Ундан ўзга илоҳ йўқ бўлган ва тирилтириб ўлдирадиган Аллоҳнинг Пайғамбаридирман». Аъроф сураси, 158 оят.

Шунингдек Аллоҳ таоло деди:

— Сен: «У мен билан сизларнинг ўртангизда гувоҳдир. Менга ушбу Қуръонни, унинг ила сизларни ва у етиб борганларни огоҳлантиришим учун ваҳий қилинди». Анъом сураси, 19 оят.

Шунингдек Аллоҳ таоло деди:

— Биз сени одамларга Пайғамбар қилиб юбордик. Шоҳидликка Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилур. Нисо сураси, 79 оят.

Шунингдек Аллоҳ таоло деди:

— Оламларга огоҳлантирувчи бўлсин учун бандасига Фурқонни нозил қилган Зот барокатли, улуғдир. Фурқон сураси, 1 оят.

Шунингдек Аллоҳ таоло деди:

— Биз сени оламларга фақат раҳмат қилиб юбордик. Анбиё сураси, 107 оят.

Шунингдек Аллоҳ таоло деди:

— Ва китоб берилганларга ва саводсизларга: «Исломга кирдингизми?» деб айт. Агар Исломга кирсалар, бас, батаҳқиқ, ҳидоят топдилар. Агар юз ўгирсалар, сенинг зиммангда етказиш, холос. Аллоҳ бандаларни кўриб турувчидир. Оли Имрон сураси, 20 оят.

Жобир бин Абдуллоҳ (родияллоху анху) ривоят қилдилар, Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «***Аллоҳ мендан олдин хеч кимга бермаган беш нарсани менга берди: авваллари ҳар бир пайғамбар аниқ бир қавмга юбориларди, мен эса барча оқу қорага юборилдим; аввал рухсат этилмаган уруш ўлчажисини олишлик менга рухсат этилди; менга бутун ер юзи хайрли, пок ва намоз адо этмоқ учун яроқли қилиб қўйилди, ва шунинг учун одам қаерда намоз вақти кирса, ўша ерда намоз адо эта олади; менга кўрсатилган ёрдам бир ой масофа узоқликдаги душманларим қалбига менга нисбатан қўрқув хисси сингдирилишида намоён бўлди; ва ниҳоят, менга шафоат қилишлик берилди***». Бу ҳадисни ал-Бухорий ва Муслим келтиришган.

Абу Ҳурайра (родияллоху анху) ривоят қилдилар, Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «***Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган зотга қасамки, агар бу умматдан қайсидир насроний ва яхудий мен ҳақимда эшитса, сўнгра мен билан юборилган нарсага иймон келтирмай вафот этса, у албатта Жаҳаннамда бўлади!***» Бу хадисни Муслим келтирдилар.

Расулуллоҳ ﷺ ўз мактубларини ҳар хил мамлакатларга жўнатганлари маълум. Шу жумладан Форс шохига, Рим императорига, Миср волийсига, Эфиопия императорига, шунингдек бошқа ҳукмдорларга ҳам элчи юбориб, уларни исломга чақирдилар.

Муҳаммад ﷺнинг рисолатлари ҳақ эканлигини тан олиб, бироқ: «У арабларга юборилган пайғамбардир» деган насоро ва яхудийларнинг сўзига келсак, уларнинг гапи асоссиз, негаки, кимдир бу рисолатнинг ҳақлигига ишонса, у албатта уни тўлиқ тан олиши лозим, Расулуллоҳ ﷺ эса барча инсонларга юборилганликларини айтганлар.

Яна шундайлар ҳам бўлганки, Муҳаммад ﷺ ҳақ пайғамбар эканликларининг аломатлари уларга яққол кўриниб турсада,

Набий ﷺнинг рисолатларини ёлғон дейишган. Ва бундай холатлар жуда кўп.

Муҳаммад ﷺ — сўнгги пайғамбар

Пайғамбаримиз Муҳаммад ﷺ сўнгги пайғамбар ҳисобланадилар, негаки Аллоҳ таоло шундай деган:

— Муҳаммад сизлардан бирон эркакнинг отаси бўлган эмас. Лекин Аллоҳнинг Расули ва Пайғамбарларнинг сўнггисидир. Аҳзоб сураси, 40 оят.

Бу оятнинг мазмуни шунга далолат қиладики, Муҳаммад ﷺ сўнгги пайғамбар бўлдилар ва улардан кейин бошқа набий келмайди.

Уламолар пайғамбар ва расулнинг орасидаги фарқ борасида ихтилофга борганлар. Улардан кимдир: «Улар орасида хеч қандай фарқ йўқ, шунинг учун ҳар бир пайғамбар расулдир, ҳар бир расул эса пайғамбардир» — деган бўлса, бошқалари эса, пайғамбар ва расул орасида фарқ бор, расулнинг вазифаси пайғамбарникига нисбатан хосроқдир, бу эса Муҳаммад ﷺдан сўнг пайғамбар бўлмаса, расул ҳам бўлмаслигини билдиради деган фикрда иттифоқ қилганлар.

Бунга кўплаб хадислар далолат қилади.

Масалан, икки «Саҳиҳ» да Абу Хурайра (родияллоху анху) дан ривоят қилинган хадис келтирилади, Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «***Менгача яшаган пайғамбарлар орасида мен қандай ўринни эгаллашимни тушинтириш учун бир одам ҳақидаги ҳикояни келтириш мумкин. У бир асосий тошни қўйишликдан бошқа барча нарсасини қилиб, гўзал уй қуради. Шундан сўнг одамлар уйининг атрофидан ўтаётиб, хайрон бўлиб:***

“Нега мана бу тошни бу ерга қўймадинг?” — деб гапира бошладилар. Ва мен мана шу тош каби сўнгги пайғамбар бўлдим».

Икки «Саҳиҳ» да шунингдек, Жубайр бин Мутъим (родияллоху анху) дан ривоят қилинган бошқа хадис келтирилади, Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «***Дарҳақиқат менинг ҳар хил исмларим бор: мен — Муҳаммад, ва мен — Аҳмад, ва мен — Ўчирувчиман, шу сабабли Аллоҳ куфрни ўчиради, ва мен — Йиғувчиман, атрофимда одамлар йиғилишади, ва мен — кетидан бошқа пайғамбарлар бўлмайдиган Юрувчиман***».

Муслим Абу Ҳурайра (родияллоху анху) дан ривоят қилинган хадисни келтирадилар, Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «***Менинг бошқа пайғамбарларга нисбатан олти афзаллигим шундан иборатки, менга қисқа, аммо мазмунли гапириш қобилияти берилди, душманларимда қўрқув пайдо қилиниб, менга ёрдам кўрсатилди, менга жанг ўлжаси халол қилинди, барча ер менга тоза ва намозга яроқли қилинди, мен барча инсонларга юборилдим, ва мен сўнгги пайғамбар бўлдим***».

Ал-Бухорий ва Муслим Саъд бин Абу Ваққос (родияллоху анху) дан ривоят қилинган хадисни келтирадилар, бир куни Расулуллоҳ ﷺ Али бин Абу Толиб (родияллоху анху) га айтдилар: «***Мендан кейин бошқа пайғамбар бўлмайдиган биргина фарқ билан Менинг олдимда худди Хорун Мусонинг олдида тутган ўрни каби ўринни эгаллашни хохламайсанми?***»

Муҳаммад ﷺ сўнгги пайғамбар эканликларига очиқдан очиқ далолат қилувчи яна бошқа кўплаб саҳиҳ ҳадислар мавжуд.

Ибн Касир (раҳимахуллоҳ) ўзларининг «Тафсир»ларида ёзганлар: «Аллоҳ таоло Ўзининг Китобида, Расулуллоҳ ﷺ эса кўплаб хадисларда, ўзларидан сўнг бошқа пайғамбар бўлмаслигини, кимки ўзини пайғамбар деб эълон қилса, у ёлғончи, бўхтончи, дажжол, адашган ва бошқаларни ҳам адаштирувчи эканлигини одамлар билиши учун хабарини бердилар».

Охиратга иймон келтириш

Охират куни — бу қайта тирилиш куни ҳисобланади. Унда Аллоҳ таоло ўз бандаларини қабрларидан ҳисоб-китоб ва унинг мукофоти ёки жазоси учун қайта тирилтиради. У уларни ҳукм қилиб, бир қисмини Жаннатга киритса, бошқа бир қисмини эса Жаханнамда қолдиради.

Охират куни деб номланишига сабаб, бу кун бу оламнинг сўнгги куни бўлади. Аллоҳ таоло одамларни бу буюк Кун ҳақида огоҳлантириб, у кунда нималар бўлишини, шунингдек, унинг яқинлашиш аломатлари хабарини берган. Бу ҳақида Қуръонда кўплаб оятларни кўришимиз мумкин.

Масалан, Аллоҳ таоло бу кун билан қасам ичиб деди:

— Қиёмат куни билан қасам… Қиёмат сураси, 1 оят.

Ва Аллоҳ таоло Ўзининг пайғамбари ﷺга одамлар қайта тирилишига қасам ичишни буюрди.

Аллоҳ таоло деди:

— Кофирлар хеч қайта тирилмасликларини даъво қилурлар. Сен: «Ундоқ эмас, Роббим билан қасамки, албатта қайта тирилтириласизлар, сўнгра қилган ишларингиздан

хабардор қилинасизлар. Бу иш Аллоҳ учун осондир», деб айт. Тағобун сураси, 7 оят.

Ва Аллоҳ таоло Охират кунига иймон келтирмаганларни қоралаб деди:

— Батаҳқиқ, Аллоҳнинг хузурида туришни ёлғонга чиқарганлар ва ҳидоят топганлардан бўлмаганлар зиён қилурлар. Юнус сураси, 45 оят.

Ва Аллоҳ таоло бу кун яқин қолганининг хабарини бериб деди:

— Қиёмат яқинлашди ва ой бўлинди. Қиёмат сураси, 1 оят.

Аллоҳ таоло яққол мисоллар ва ақлий далиллар билан бу куннинг бўлишини исботламоқда

Яққол мисолларга келадиган бўлсак, Аллоҳ таоло бу дунёнинг ўзида жонни олиб, қайта тирилтиргани хақида хабар бериб, олти ўринда зикр қилди.

Биринчи: Аллоҳ таоло деди:

— «Эй Мусо, Аллоҳни очиқ-равшан кўрмагунимизча, сенга ишонмаймиз» деганингизни, шунда сизни ўзингиз назар солиб турганингизда яшин урганини эсланг. Сўнгра, ўлимингиздан кейин қайта тирилтирдик, шоядки, шукр қилсангиз. Бақара сураси, 55–56 оятлар.

Бу ерда Аллоҳ таоло Мусо қабиладошларининг жонини олиб, сўнгра қайта тирилтиргани ҳақида сўз бормоқда.

Иккинчи: Аллоҳ таоло деди:

— Бир жонни ўлдириб қўйиб, у ҳақида ихтилофга тушганингизни эсланг. Аллоҳ сиз беркитган нарсани чиқаргув-

чидир. «Бас, уни у(сигир)нинг баъзи жойи билан уринг» — дедик. Аллоҳ худди шундай қилиб ўликларни тирилтирур ва оят-аломатларини сизга кўрсатур. Шоядки, ақл ишлатсангиз. Бақара сураси, 72–73 оятлар.

Бу ерда қотилнинг ким экани ҳақида бир-бирлари билан тортишган бану Исроилдан бўлган Мусонинг қабиладошлари ҳақида сўз бормоқда. Сўнг уларга бир сигирни қурбонлик қилиб, унинг баъзи жойини ўликка текказиш буюрилганди. Қачонки улар бу ишни қилишганда, ўлик қайта тирилди, ўзининг қотилини кўрсатди ва яна такрор вафот этди.

Учинчи: Аллоҳ таоло деди:

— Диёрларидан ўлимдан қочиб чиққан мингларча кишиларнинг (хабарини) билмадингми?! Бас, Аллоҳ уларга: ўлинг, деди. Сўнгра, уларни тирилтирди. Албатта, Аллоҳ одамлар устидан фазл эгасидир. Лекин кўп одамлар шукр қилмаслар. Бақара сураси, 243 оят.

Бу ерда ораларида вабо тарқаб, қочишлик билан жон сақлаб қолмоқчи бўлган бану Исроилдан бўлган одамлар ҳақида сўз бормоқда. Аллоҳ таоло аввал уларнинг жонини олиб, сўнгра уларни қайта тирилтирди.

Тўртинчи: Аллоҳ таоло деди:

— Ёки шифтлари устига қулаган қишлоқдан ўтган кишига ўхшашни кўрмадингми? У: «Аллоҳ буни ўлимдан кейин қандай тирилтирур?» — деди. Бас, Аллоҳ уни юз йил ўлдирди, сўнгра, қайта тирилтирди. «Қанча ётдинг?» — деди. У: «Бир кун ёки бир куннинг баъзисича ётдим»,— деди. «Балки, юз йил ётдинг, таомингга ва шаробингга назар сол, ўзгаргани йўқ ва эшагингга ҳам қара. Сени одамларга ибрат қилиш учун шундай қилдик. Ва суякларга назар сол, уларни қандоқ ҳаракатга соламиз ва уларга қандоқ гўшт кийгизамиз»,— деди. Унга равшан бўлганда: «Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирлигини билдим», — деди. Бақара сураси, 259 оят.

Демак, бу одам вайрон бўлган қишлоқнинг ёнидан ўтаётиб, Аллоҳ таоло бунинг барчасини ҳаётга қайтара олишини ҳаттоки тасаввур ҳам қилолмаганди, Аллоҳ унинг ўзини юз йил муддатга жонини олди, сўнг қайта тирилтирди.

Бешинчи: Аллоҳ таоло деди:

— Эсла, Иброҳим: «Эй Роббим, менга ўликларни қандай тирилтиришингни кўрсат», деганда, У Зот: «Ишонмадингми?» — деди. У: «Оре, лекин қалбим ҳотиржам бўлиши учун», — деди. У Зот: «Қушдан тўртта олгин-да, ўзингга тортиб, кесиб майдала, сўнгра, улардан ҳар бир тоққа бўлакларини қўйгин, кейин уларни ўзингга чақир, хузурингга тезлаб келадилар», — деди. «Ва билгинки, албатта, Аллоҳ Азиз ва Ҳаким Зотдир». Бақара сураси, 260 оят.

Бу ерда Иброҳим (алайхиссалам) ўз Роббиларидан, У қандай қилиб ўликларни тирилтиришини кўрсатишини сўраганликлари, шунда Аллоҳ таоло уларга тўртта қушни сўйиб, тоғнинг ҳар хил қисмларига ташлашларини, сўнгра уларни чақирсалар улар учиб келишини айтгани ҳақида ҳикоя қилинмоқда.

Олтинчи: бу узоқ йиллар давомида ғорда қолганларга тегишли. Аллоҳ таоло деди:

— Ва ғорларида уч юз йил қолдилар ва тўққиз йил зиёда хам қилдилар. Кахф сураси, 25 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Ва шундай қилиб, уларни ўзаро сўрашлари учун уйғотдик. Кахф сураси, 19 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Шундай қилиб, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ эканини ва қиёмат соатида шубҳа йўқ эканини билишлари учун уларни (одамларга) билдирдик. Кахф сураси, 21 оят.

Ўликларни қайта тирилтириш мумкинлигига оид ақлий далилларга келсак, улар турли хил бўлиши мумкин.

Биринчи: аввал яратилганини билган ҳолда иккинчи марта ҳам яратилиши мумкин деган хулосага келиш. Негаки, биринчи марта яратган Зот, буни яна такрор қила олади. Аллоҳ таоло деди:

— У Бизга мисол келтирди ва ўз яратилишини унутди. «Суякларни ким тирилтирур? Ҳолбуки, улар титилиб кетган-ку?!» — деди. Сен: «Уларни илк марта йўқдан бор қилган Зот тирилтиради ва У ҳар бир яратилган нарсани яхши билгувчидир», деб айт. Ёсин сураси, 78–79 оятлар.

Иккинчи: бир нарсадан унга қарама-қарши нарсанинг пайдо бўлиши мумкинлигини, масалан, ям-яшил совуқ ва нам дарахтдан қуруқ ва иссиқ оловнинг чиқишини билишликка асосланган далил. Аллоҳ таоло деди:

— У сизларга яшил дарахтдан олов қилиб бергандир. Энди эса, сиз ундан олов ёқмоқдасиз. Ёсин сураси, 80 оят.

Учинчи: буюк нарсани яратган Зот, кичик нарсани ҳам ярата олишига асосланган далил. Аллоҳ таоло деди:

— Осмонлару ерни яратган Зот уларга ўхшашини яратишга қодир эмасми?! Ёсин сураси, 81 оят.

Тўртинчи: ернинг ўлганидан сўнг қайта жонланиши мумкинлигини билишлик ўликларнинг қайта тирилтирилиши мумкинлигига далил. Аллоҳ таоло деди:

— Яна Унинг оятларидан, ерни қақраган ҳолда кўришингдир. Бас, Биз унинг устидан сув туширсак, у қимирлар ва ўсар. Уни тирилтирган Зот, албатта, ўликларни ҳам тирилтиргувчидир. Албатта, У Зот ҳар бир нарсага қодирдир. Фуссилат сураси, 39 оят.

Бешинчи: уйқудан сўнг уйғониш борлигини билишлик қайта тирилиш мумкинлигига дадил. Негаки, уйқу — ўлимнинг шеригидир, уйғонишлик эса ўлимдан сўнгги ҳаёт кабидир. Аллоҳ таоло деди:

— У кечаси сизни вафот эттирадир. У кундузи қилган касбингизни биладир. Сўнгра, белгилаган ажал тугал бўли-

ши учун у(кундузи)да сизни қайта тирилтирадир. Сўнгра, қайтиб боришингиз Унинг Ўзигадир. Сўнгра, нима қилиб юрганингизнинг хабарини берадир. Анъом сураси, 60 оят.

Олтинчи: Аллоҳнинг хақим ва адолатлилигига мувофиқ қайта тирилиш, мукофот-у жазо муқаррарлигини билишга асосланган илм қайта тирилишлик мумкинлигага далил.

— Наҳотки, Бизнинг сизни яратишимиз беҳуда бўлган ва сиз Бизга қайтарилмассиз, деб ҳисобласангиз?! Мўминун сураси, 115 оят.

Қиёмат соати ҳақида

Бу ҳақидаги илм ёлғиз Аллоҳга хосдир, биз эса, у кутилмаганда содир бўлади деб айта оламиз, холос.

Аллоҳ таоло деди:

— Сендан соат (қиёмат) қачон собит бўлиши ҳақида сўрарлар. Сен: «Унинг илми фақат Роббим хузуридадир. Уни фақат Ўзигина зоҳир қиладир. У осмонлару ерда оғир иш бўлади. Сизларга фақат тўсатдан келадир», — деб айт. Худди сен уни билишинг керакдек, сендан сўрарлар. Сен: «Унинг илми фақат Аллоҳнинг ҳузуридадир. Лекин кўп одамлар билмаслар», — деб айт. Аъроф сураси, 187 оят.

Ривоят қилинади, Расулуллоҳ ﷺ Қиёмат куни қачон бўлиши ҳақидаги саволга жавоб берсалар, доим бундай савол берганларга муҳимроқ иш билан банд бўлишликни маслахат бериб, бу ҳақида билмасликларини айтардилар, яъни қандай қилиб бу кунга тайёрганлик кўриш кераклиги ҳақида ўйлашлик лозимлигини, гоҳида Улар ﷺ кичик охират куни, бошқача айтганда, ўлим ҳақида гапирардилар.

Мисол учун, Жибрил (алайхиссалам) Набий ﷺдан: «Мени бу соат ҳақида хабардор қилинг» деб сўраганларида, улар: «***Сў-***

ралувчи сўровчидан кўра кўпроқ нарса билмас» деб жавоб қилдилар. Бу ҳадисни ал-Бухорий ва Муслим келтиришган.

Икки «Саҳиҳ» да яна бошқа бир хадис келтирилади, унда бир куни бир бадавий Набий ﷺ дан: «Қачон қиёмат бўлади?» деб сўраган саволига Улар ﷺ: «***Дарҳақиқат, бу соат яқиндир, сен бу учун нима тайёрлаб қўйдинг?***» деб жавоб бердилар.

Икки «Саҳиҳ» да Оиша (родияллоху анха) дан ривоят қилинган бошқа бир хадис келтирилади, улар айтдилар: «Бадавийлар тез-тез Набий ﷺнинг олдиларига келиб, Улардан: "Бу соат қачон бўлади?" деб сўрашарди. Расулуллоҳ ﷺ эса, уларнинг энг кичигига назарларини қаратиб, шундай дер эдилар: "***Дарҳақиқат, сизлар учун бу соат мана бу қариб, мункайиб қолишидан аввал келади***" — дер эдилар, уларнинг ўлим соати келишини назарда тутиб».

Аммо Қуръон ва Суннатда бу соатнинг аломатларига бир қатор далиллар мавжуд. Масалан, Аллоҳ таоло бунинг катта аломатлари ҳақида сўзлайди, яъни Тутун, Исо (алайхиссалам) нинг иккинчи марта воқе бўлишлари, Яжуж-Мажужларнинг пайдо бўлиши, қуёшнинг ғарбдан чиқиши ва Ҳайвоннинг пайдо бўлиши.

Расулуллоҳ ﷺга келсак, улар юқоридагилар билан боғлиқ айрим жиҳатлар: Дажжолнинг чиқиши, учта ой тутилиши — шарқда, ғарбда ва Арабистон устида, шунингдек Ямандан чиқадиган ва одамларни йиғиладиган жойларига хайдаб борадиган олов ҳақида зикр қилганлар. Бундан ташқари, Расулуллоҳ ﷺ бир нарсага чақирувчи икки катта қўшин буюк жангда тўқнашмагунча, пайғамбарликни даъво қилувчи ўттиз киши чиқмагунча, дунёдан илм кўтарилмагунча, зилзилалар кўпаймагунча, вақт қисқармагунча, фитналар содир бўлмагунча, одамлар бир-бирини ўлдирмагунча ва ниҳоят, Хижоздан хаттоки Бусрадиги туяларнинг бўйнини ёритувчи аланга чиқмагунча қиёмат содир бўлмайди деб башорат қилдилар.

Буларнинг барчаси, шунингдек, яна бошқа аломатлар катта ва кичик аломатларга бўлинади. Кичиклари ўз ўрнида, аллақачон содир бўлиб тугаган, айни вақти келиб давом этаётган ва хали-хамон содир бўлмаганларга бўлинади. Катталарига келсак, уларнинг вақти хали келмади, аммо қачондир бундан бири содир бўлса, унинг ортидан бошқа барчаси бирин-кетин эргашади.

Ўлим ва қабрдаги ходисалар

Охират кунига иймон келтириш, охират билан боғлиқ бўлган Қуръон ва Суннат далолат қиладиган нимаики бўлса, айнан — ўлим ва унинг ортидан келадиган барча нарсага иймон келтиришни назарда тутади.

Ўлимга иймон келтириш эса, қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Барча тирик жон учун ўлим муқаррарлигига иймон келтириш. Аллоҳ таоло деди:

— Ҳар бир жон ўлимни тотажакдир, сўнга бизгагина қайтарилурсиз. Анкабут сураси, 57 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Ундан ўзга ҳар бир нарса ҳалок бўлгувчидир. Ҳукм Унинг Ўзигагинадир ва фақат Унгагина қайтарилурсиз. Қасос сураси, 88 оят.

2. Ҳар бир нафснинг умри аниқ белгилаб қўйилган ва ҳеч ким уни на олдинга, на ортга сура олади. Бу умр нафақат уни белгилаган, балки ўлимнинг сабабини ҳам аниқлаб қўйган ёлғиз Аллоҳга аёнлигига иймон келтириш. Аллоҳ таоло деди:

— Ҳеч бир жон Аллоҳнинг изнисиз ўлмас. Бу, ёзилган ажалдир. Оли Имрон сураси, 145 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Ҳар бир умматнинг ажали бор. Ажаллари келган вақтида бирор соатта кетга ҳам, олдинга ҳам сура олмаслар. Аъроф сураси, 34 оят.

3. Ўлим вақти фақат Аллоҳга аёнлигига иймон келтириш. Аллоҳ таоло деди:

— Ҳеч бир жон эртага нима касб қилишини билмас. Ҳеч бир жон қайси ерда ўлишини ҳам билмас. Албатта, Аллоҳ ўта билувчи ва ўта хабардордир. Луқмон сураси, 34 оят.

4. Ўлимдан аввал Аллоҳ айтган нарса бўлишига иймон келтириш. Аллоҳ таоло деди:

— Қачонки бирортангизга ўлим келса, элчиларимиз камчиликка йўл қўймаган ҳолда уни вафот эттирадир. Анъом сураси, 61 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Жонингиз ҳалқумга келиб қолса-чи? Ҳолбуки, ўша вақтда ўзларингиз қараб турган бўласизлар. Биз эса, сиздан кўра унга яқинмиз, аммо сизлар кўрмайсизлар. Воқеа сураси, 83–85 оятлар.

Бу ерда шу нарса назарда тутилмоқдаки, қачонки жон таслим қилаётганнинг жони ҳалқумига келганда, талваса содир бўлади. Бу вақтда атрофидагилар унга қараб туришади-ю, аммо Аллоҳ таоло жони чиқаётганнинг аҳволини улардан кўра кўпроқ билади ва Аллоҳнинг фаришталари одамларга қараганда унга яқинроқдир, аммо атрофдагилар буни кўрмаслар.

Қачонки гуноҳкор ва адолатсиз одам ўлса, у барча қилган қилмишларига афсус қилади ва бу ҳаётга қайтишни хохлайди.

Аллоҳ таоло деди:

— Токи улардан бирига ўлим келган чоғда: «Эй Роббим, мени қайтаргин. Шоядки, тарк қилган нарсамда солиҳ амал қилсам», дер. Йўқ! Албатта, бу (қуруқ) сўз бўлиб, у айтгувчи, холос. Уларнинг ортида қайта тириладиган кунларигача тўсиқ бордир. Мўминун сураси. 99–100 оятлар.

Кофирнинг рухи танасидан олинишига келсак, бу ҳақида Аллоҳ таоло бундай деди:

— Золимларнинг ўлим талвасаси пайтларини, фаришталарнинг уларга қўл чўзиб: «Жонингизни чиқаринг! Бугунги кунда Аллоҳга нисбатан ноҳақ гап айтганларингиз учун ва Унинг оятларидан мутакаббирлик қилиб юрганингиз учун хорлик азоби ила жазоланурсиз», — дегандаги ҳолларини кўрсанг эди. Анъом сураси, 93 оят.

Бу шуни билдирадики, фаришталар гуноҳкорга уни уриб, қийнаб қўл узатадилар.

Имом Аҳмад «Муснад» ларида ва бошқа тўпламларда ал-Бароъ бин Азиб (родияллоҳу анху) дан ривоят қилинган хадис келтирилади, Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «***Қачонки мўмин киши бу дунёни тарк этиб, у дунёга равона бўларкан, унга осмондан қуёш каби порлаган юзли фаришталар тушишади. Улар ўзлари билан жаннатдан кафан ва хушбўйлар олиб келишади ва унинг атрофида унинг кўзи етадиган масофагача бўлган жойга ўтиришади, кейин эса, ўлим фариштаси унинг боши томонда хозир бўлиб айтади: "Эй хайрли жон, Аллоҳнинг мағфиратига ва рахматига чиқ!" ва жон унинг баданидан худди сув юнгдан оқиб тушгани каби оқиб чиқа бошлайди ва ўлим фариштаси уни қабул қилиб олади, қолганлари эса, бу жонни унинг қўлида бир сония ҳам қолдирмасдан олишади ва жаннатдан бўлган кафанга ўрашади, жаннатдан бўлган хушбўйликлар билан хўшбўйлантиришади, сўнгра ундан энг яхши мушкнинг хиди каби ёқимли ис таралади ва улар у билан бирга юқорига кўтариладилар***».

Набий ﷺ давом этдилар:

«***Кофир банда эса бу дунёни тарк этганда, осмондан унинг олдига юзлари қора фаришталар ўзлари билан дағал хирқа олиб тушиб, унинг атрофида унинг кўзи етадиган масофагача бўлган жойда ўтиришади, кейин эса, ўлим фариштаси унинг боши томонга ўтириб айтади: "Эй ярамас***

жон, Аллоҳнинг ғазаби ва қахрига чиқ!" — сўнг у унинг танасидан худди тишли темирни хўл жундан тортгандай тортади, бошқа фаришталар уни дарров хирқага ўраб олиш учун олишади ва ундан дунёда бўлиши мумкин бўлган энг ёқимсиз хид келишни бошлайди, кейин эса улар у билан бирга юқорига кўтариладилар».

Демак, ўлимдан сўнг буюк ва муҳим ходисалар рўй беради, уларнинг бир қисми қабрда, бошқа қисми эса қайта тирилиш кунида бўлади.

Қабрда инсон мана бундай холатларга дуч келади:

1. Қабрдаги синов

Маййитни қабрга қўйганларидан сўнг, у синовга йўлиқади. Икки фаришта унинг хузурида хозир бўлиб: «Роббинг ким? Дининг нима? Сизларга юборилган ўша киши ким?» — деб сўрайдилар. Мўмин киши: «Роббим — Аллоҳ, диним — Ислом» — дея, учинчи саволга: «У — Аллоҳнинг бандаси ва Унинг расули» — деб жавоб қилади. Кофир кимсага келадиган бўлсак, у барча саволларга қуйидагича жавоб беради: «А! А! билмайман». Мунофиқ ёки шубхаланувчи эса: «Билмайман, мен фақат одамлар нимадир айтганини эшитдим ва худди шуни қайтардим» — дейди.

2. Қабрдаги роҳат ва азоб

Маййит қабрда синовга йўлиққанидан сўнг, унинг танаси ва руҳи ёки фақат руҳи у ерда Қиёмат кунигача роҳат-фароғатда ёки бўлмаса, азобга дучор бўлган ҳолатда қолади.

Ҳар бир кимсани икки фаришта саволлари билан боғлиқ қарбрда кутаётган синов ҳақида, шунингдек, умумий ва хос иймон келтиришлик шарт бўлган роҳат ва азоб хақида кўплаб оят ва хадисларда айтилади. Аммо биз бу айнан қандай содир бўлиши ҳақида сўз юритмаймиз.

Бу ҳақида далолат қилувчи кўрсатмалар:

Аллоҳ таоло деди:

— Аллоҳ иймон келтирганларни бу дунё ҳаётида ҳам, охиратда ҳам собит сўз ила собитқадам қилур. Иброҳим сураси, 27 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— …Фиръавн аҳлини ёмон азоб ўраб олди. У оловдир. Унга эртаю кеч кўндаланг қилинурлар. Соат (қиёмат) қоим бўлганида эса: «Фиръавн аҳлини энг ашаддий азобга киритинглар», дейилур. Ғофир сураси, 45–46 оятлар.

Икки «Саҳиҳ» да ал-Баро бин Азиб (родияллоху анху) дан ривоят қилинган ҳадис келтирилади, унда Набий ﷺ айтдилар: «***Мўмин кишини қабрида ўтқазиб қўйишганидан сўнг, унинг хузурига келишади, ва у Аллоҳдан ўзга ибодатга ҳақли зот йўқлигига ва Муҳаммад — Аллоҳнинг расули эканлигига гувохлик беради, бунга Аллоҳ таолонинг сўзлари далил бўлади: “Аллоҳ иймон келтирганларни бу дунё ҳаётида ҳам, охиратда ҳам собит сўз ила собитқадам қилур”.*** Иброҳим сураси, 27 оят».

Имом Аҳмад «Муснад» ларида ал-Баро бин Азиб (родияллоху анху) дан ривоят қилинган ҳадис келтирилган, унинг боши юқорида келтирилди, шунингдек, фаришталарнинг руҳ билан юқорига кўтарилиши, сўнгра уни ерга қайтариши ривоят қилинган.

Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «***Ва унинг руҳини танага қайтарадилар, сўнгра унинг олдига икки фаришта келиб, уни ўтқазишади ва унга айтадилар: “Роббинг ким?” У: “Роббим — Аллоҳ” — дейди. Кейин улар: “Дининг нима?” — деб сўрайдилар. У: “Диним Ислом” — дейди. Кейин улар ундан: “Ўша сизларга юборилган инсон ким?” — деб сўрайдилар. У: “У — Аллоҳнинг расули” — дейди. Шунда улар ундан: “Буни қаердан биласан?” — деб сўрайдилар. У: “Мен Аллоҳнинг Китобини ўқиганман ва унга иймон келтирганман” — дея жавоб беради. Шунда осмондан нидо келади: “Менинг бандам рост айтди, унга Жаннатдан жой тўшаб беринглар ва ол-***

дида жаннат дарвозаларини очиб қўйинглар”, — шундан сўнг уни хурсандчилик қамраб олади ва у жаннат роҳатларини ҳис қила бошлайди, унинг қабри эса, унинг кўзи етадиган даражада кенг бўлиб кетади».

Кофир кишига келадиган бўлсак, у ҳақида Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «***Ва унинг руҳини танага қайтарадилар, сўнгра унинг олдида икки фаришта хозир бўладилар, уни ўтқазадилар ва сўрайдилар: “Роббинг ким?” У: “А! А! Билмайман” — дейди. Шунда улар сўрайдилар: “Ўша сизларга юборилган киши ким?” У яна: “А! А! Билмайман” — дея жавоб беради, шунда осмондан нидо келади: “У ёлғон сўзлаган, унга оловдан жой тўшаб беринглар ва унинг олдида Жаҳаннам дарвозасини очиб қўйинглар!”, — шундан сўнг уни Жаҳаннам иссиғи тутади ва унинг қабри шу даражада тораядики, унинг қовурғалари бир-бирига кириб кетади***».

Икки «Саҳиҳ» да Анас бин Молик (родияллоҳу анху) дан ривоят қилинган хадис келтирилади, Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «***Қачонки Аллоҳнинг бандасини қабрга қўйиб, уни кўмганлар кетганларида, у уларнинг оёқ кийим овозини эшитади. Унинг олдида икки фаришта пайдо бўлади, уни ўтқазишади ва сўрайдилар: “Мана бу инсон ҳақида нима дейсан?” Мўмин киши: “Гувоҳлик бераманки, У — Аллоҳнинг бандаси ва расулидир” — дейди, сўнгра унга айтадилар: “Ўзингни оловдан бўлган жойингга қара, Аллоҳ уни сенга жаннатдан бўлган жойга алмаштириб қўйди!”, шунда у уни ҳам бошқасини ҳам кўради. Мунофиққа келадиган бўлсак, қачонки ундан сўрашса: “Мана бу инсон ҳақида нима дейсан?”, У: “Билмайман, мен одамлар нима деган бўлсалар шуни айтдим” — дейди. Шунда унга: “Сен билмагандинг ва ўқимагандинг” — дейдилар ва уни темир болға билан урадилар, у эса шундай бақирадики, атрофида бўлган одам ва жинлардан бошқа ҳамма нарса эшитади***».

Икки «Саҳиҳ» да Ибн Аббос (родияллоҳу анхума) дан ривоят қилинган ҳадис келтирилади, бир куни Расулуллоҳ ﷺ икки қабр ёнидан ўтаётиб айтдилар: «***Дарҳақиқат, улар азобланишмоқда ва улар катта гунохлари учун азобланишмаяпти***», сўнгра: «***Ҳа, уларнинг бири чақимчилик қиларди, бошқаси эса ўзининг бавлидан сақланмасди***» — дея янги хурмо шохчасини олиб, иккига бўлиб, қабрларнинг ҳар бирига тиқиб айтдилар: «***Шоядки улар қуригунча уларнинг азобини енгиллатиб турар***».

Шунингдек, Набий ﷺ Аллоҳга қабр азобидан сақлашлигини сўраб дуо қилганлар ва бошқаларга ҳам айнан шундай қилишни буюрганларига кўплаб ҳадислар далолат қилади.

Қабр азоби икки хил бўлади:

1. Шундай азоблар борки, унда Аллоҳ таоло айтганидек одамлар доимий азобланишади:

— У оловдир. Унга эртаю кеч кўндаланг қилинурлар. Ғофир сураси, 45 оят.

2. Бошқа азоблар эса бир қанча муддат давом этади, кейин эса тўхтайди. Бундай азобларга айрим гуноҳларни қилган мусулмонлар дучор бўладилар, азобларнинг оғирлиги гуноҳларининг оғирлигага боғлиқдир. Кейинг уларнинг азоби улар учун қилинган дуо, садақа ёки бошқа шу каби амаллар сабабли енгиллашади.

Адашганларнинг айримлари одамлар қабрда азобланишини ёки роҳатда бўлишини инкор қилади. Уларнинг шубхалари шу билан боғлиқки, улар бунга тажриба йўли билан етишолмаган, негаки буни хеч қачон кўришмаган, маййитдан роҳат ёки азоб ҳақида сўрашнинг имкони бўлмаган.

Бунга қуйидагича жовоб бериш мумкин:

1. Бу ҳақидаги барча билимларимиз манбаи Қуръон ва Суннат экан, мусулмон киши бу хабарларнинг барчасини тан олиши ва тасдиқлаши лозим бўлади. Шунинг учун ҳам мусулмон киши ғайбга иймон келтириши ва Расулуллоҳ ﷺнинг дас-

турлари сабабли тўғри йўлга эргашиши билан бошқалардан ажралиб туради.

2. Бу дунё ҳаётида бизга одатий бўлган нарсалар билан охират хаёти ҳақида ҳукм қилишимиз мумкин бўлмайди, негаки у дунёнинг ўз қонунлари мавжуд. Бу шуни билдирадики, биз маййитга айнан нима бўлишини ҳис қила олмаймиз. Фақат шуни тасдиқлашимиз мумкинки, Аллоҳнинг қудрати буюк. У одамларга охират ҳаётида бўладиган нарсаларни кўра олиш ва эшита олиш қобилиятини бермади, негаки, улар буни кўтара олишмасди. Шунинг учун Аллоҳ таоло одамлар бир-бирини дафн қилмай қўйишларидан хавфсиради ва мўминлар бошқалардан ажралиб туришини хоҳлади.

3. Инсон ҳамма нарсани англай олмайди. Масалан, Жибрил (алайхиссалам) Набий ﷺнинг ёнларига тушиб, суҳбат қилганларида, ёнларида бўлган кишилардан ҳеч ким кўрмаган ҳам, эшитмаган ҳам. Бундан ташқари, маълумки, барча тирик жонзот Аллоҳни улуғлайди, бироқ биз бу қандай содир бўлиши ҳақида хукм қила олмаймиз.

4. Аллоҳ таоло бу оламнинг ўзида бизга ўзгача нарсани кўриш имконини беради, инсон гоҳида тушида бир ёқимли ва хурсанд қиладиган нарсани кўриши мумкин, гоҳида эса — умуман тескари бўлган нарсани, гарчи у аслида ўз тўшигида кўраётган нарсасидан олисда ухлаётган бўлади, унинг тушлари эса атрофидагиларнинг идроки етмайдиган ҳолатдадир.

Бир нечта шу каби замонавий кашфиётлар ҳақида айтсак бўлади. Масалан, биз электр симлари кучланишга уланган ҳолатда унда кечаётган жараёнларни унинг очилиб қолган қисмига тегмагунимизча ҳис қила олмаймиз. Ва унга темир ёки тахта билан тегишнинг фарқи бор.

Қайта тирилишдан кейинги ходисалар

Қабрдан чиқиш

Қачонки Исрофил (алайхиссалам) сурни чалганларида одамлар ўзларининг қабрларидан тириладилар. Фаришта бу сурни уч марта чалади. Бунга Қуръон далолат қилади.

1. Биринчи сур чалинишидан сўнг барчани қўрқув қамраб олади.

Биринчи сур чалиниши ўрнатилган олам тартибини издан чиқаради ва уни бузилишига олиб келади.

Аллоҳ таоло деди:

— Сур чалиниб, Аллоҳ хоҳлаганидан бошқа осмонлардаги кимсалар ва ердаги кимсалар даҳшатга тушган кунда ҳамма У(зот)га бўйин эгиб келурлар. Намл сураси, 87 оят.

2. Иккинчи сур чалинишидан сўнг дунёдаги барча махлуқот ўлади.

Аллоҳ таоло деди:

— Ва сурга пуфланди. Осмонлару ерда ким бўлса, қулаб ўлди. Магар Аллоҳ хоҳлаганларгина қолди. Зумар сураси, 68 оят.

3. Учинчи сур чалинишидан сўнг одамлар қайта тирилади-лар ва қабрларидан чиқадилар.

Аллоҳ таоло деди:

— Сўнгра унга яна бир бор пуфланади. Бас, тўсатдан улар туриб интизор бўлурлар. Зумар сураси, 68 оят.

Махшар

Одамларнинг ўз қабрларидан қай ҳолатда чиқишлари ҳақида икки «Саҳиҳ» да Оиша (родияллоҳу анха) дан ривоят қилинган ҳадис келтирилади. Унда Оиша (родияллоҳу анха) айтдилар:

«Мен Расулуллоҳ ﷺ шундай деганларини эшитдим: “***Қиёмат куни одамлар ялангоёқ, яланғоч ва хатна қилинмаган ҳолда йиғилишади***”».

Муслимнинг «Саҳиҳ» ларида ал-Миқдад бин ал-Асвад (родияллоҳу анху) дан ривоят қилинган ҳадис ривоят қилинади, у киши Расулуллоҳ ﷺнинг шундай деганларини эшитганларини айтдилар: «***Қиёмат куни қуёш одамларга бир мил даражада яқинлаштириладики, одамлар ўз амалларига қараб ўз терларига кўмиладилар***».

Бу ҳолатда Набий ﷺ одамларни Одам, Нух, Иброҳим, Мусо ва Исо (алайхимуссалам) шафоат қилишмагандан кейин ўзлари шафоат қиладилар, бу буюк шафоат ва мақталган жой бўлади.

Хозир бўлиш ва ҳисоб-китоб

Хозир бўлиш деганда, барча одамлар Аллоҳ таолонинг олдида хозир бўлиши назарда тутилмоқда.

Аллоҳ таоло деди:

— Ва роббинга сафга тортилган ҳолларида рўбарў қилиндилар. «Батаҳқиқ, сизларни аввал қандай яратган бўлсак, шундай Бизга келдингиз». Кахф сураси, 48 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Бас, ўша кунда кўрикдан ўтасизлар, бирорта нарсангиз махфий қолмайдир. Ҳаққо сураси, 18 оят.

Хисоб-китоб: Аллоҳ таоло одамларга ўзларининг яхши ва ёмон амаллари ҳақида хабар беради ва улар унитган нарсаларини эслатади.

Аллоҳ таоло деди:

— Аллоҳ барчаларини қайта тирилтирган кунда, қилган ишларининг хабарини берур. Аллоҳ ҳисоблаб турган, улар эса унутганлар… Мужодала сураси, 6 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Албатта, уларнинг қайтиши Бизгадир. Сўнгра, албатта, уларнинг ҳисоб-китоби ҳам Бизда бўладир. Ғошия сураси, 25–26 оятлар.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Сен, Аллоҳ Пайғамбарларига берган ваъдасига хилоф қилувчи деб, гумон қилма. Албатта, Аллоҳ Азиз ва интиқом агасидир. Бу ер бошқа ерга ва осмонлар ҳам (бошқа осмонларга) алмаштириладиган ва у(одам)лар ёлғизу қахҳор Аллоҳ ҳузурида пайдо бўлишадиган Кунда бўладир. Ва у кунда жиноятчиларни кишанлар ила тўпланган ҳолларида кўрасан. Уларнинг кийимлари қора мойдан бўлиб, юзлари олов қоплагандир. Аллоҳ ҳар бир жонга қилган касбига яраша жазо бериши учундир. Албатта, Аллоҳ тез ҳисоб қилгувчидир. Иброҳим сураси, 47–51 оятлар.

Бунда номалар очилади ва ҳамма савол-жавоб қилинади — пайғамбарлар ҳам, уларнинг уммати ҳам.

Аллоҳ таоло деди:

— Бас, Биз, албатта, Пайғамбар юборилганлардан ҳам ва, албатта, Пайғамбарлардан ҳам сўрармиз. Аъроф сураси, 6 оят.

Бироқ одамлар билан ҳар хил ҳолатда савол-жавоб ва ҳисоб-китоб қилинади. Мусулмонларга келсак, уларнинг гуноҳлари кўндаланг қилинади, улар тан оладилар ва уларнинг гуноҳлари беркитилади.

Икки «Саҳиҳ» да Оиша (родияллоху анха) дан ривоят қилинган ҳадис келтирилади, улар айтдилар: «Бир куни Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: “***Кимки жиддий ҳисоб-китоб қилинса, у қийноққа солинади***”. Мен сўрадим: Аллоҳ таоло: “**Тезда, осонгина ҳисоб қилинур.** Иншиқоқ сураси, 8 оят” демаганми? Бунга Улар ﷺ: “***Ҳозир бўлишлик шундай бўлади!***” — дедилар».

Икки «Саҳиҳ» да Ибн Умар (родияллоху анхума) дан ривоят қилинган хадис келтирилади, унда Набий ﷺ айтдилар: «***Қиёмат куни мўмин киши ўз Роббисига шу даражада яқинлаштириладики, у Унинг тўсувчи пардаси остида қолади ва ўзининг гуноҳларини тан олади. Аллоҳ ундан сўрайди: “Буни***

тан оласанми?" У: "Ҳа, эй Роббим, тан оламан!" шунда У айтади: "Дарҳақиқат, Мен сени дунё ҳаётида беркитган эдим ва бугун сени мағфират қиламан!", кейин эса, унга ўзининг яхши амаллари номаси берилади. Кофир ва мунофиқларга келсак, уларга ҳамманинг орасида: "Булар ўшалар, ўз Роббиларига ёлғон тўқиганлар!" — деб мурожаат қиладилар».

Иймон келтирганлар орасида Жаннатга ҳисоб-китобсиз ва қийноқларсиз кирадиганлар бор, масалан, Ибн Аббос (родиялллоху анхума) дан ривоят қилинган ҳадисда ўша етмиш минг одам ҳақида айтилган.

Кофирларга келсак, уларнинг ҳисоб-китоби яхши ва ёмон амаллари тарозида ўлчанадиган кимсалар каби бўлмайди, негаки уларнинг яхши амаллари бўлмайди.

Аллоҳ таоло деди:

— Ва қилган амалига келиб, уларни тўзон каби сочиб юборамиз. Фурқон сураси, 23 оят.

Кофирларнинг ҳисоб-китоби шундай бўладики, уларга ёмон амаллари кўндаланг қилинади ва улар мазаммат қилинадилар.

Мезон

Қиёмат куни Аллоҳ бандаларининг амалларини тортиш учун, бир-бирларидан фарқлаш учун ва уларнинг саноғини аниқлаш учун ўрнатиладиган тарози назарда тутилмоқди. Тарозида тортишлик ҳисоб-китобдан сўнг бўлади, негаки, ҳисоб-китоб қандай амаллар қилинганини кўрсатиш учун бўлса, тарози эса — одамзотга унинг амаллари қанча эканини билиш учундир, шунга кўра у ажрини олади.

Қуръон ва Суннатда бу тарозининг аниқлигига далолат қилувчи кўплаб ишоралар бор.

Масалан, Аллоҳ таоло деди:

— Биз қиёмат куни учун адолат тарозуларини қўюрмиз. Бирор жонга ҳеч қандай зулм қилинмас. Агар (амал) ачитқи донаси оғирлигича бўлса ҳам, келтирамиз. Ҳисобчиликда Ўзимиз кифоя қилурмиз. Анбиё сураси, 47 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Кимнинг тарозуси оғир келса… Бас, у розилик ҳаётидадир. Ва аммо кимнинг тарозуси енгил келса… Бас. Унинг онаси ҳаавия (дўзах)дир. Қориъа сураси, 6–9 оятлар.

Ал-Бухорий «Саҳиҳ» ларида Абу Ҳурайра (родияллоху анху) дан ривоят қилинган ҳадис келтирилади, унда Набий ﷺ айтдилар: «***Тил учун енгил бўлган икки сўз бор, бироқ, улар Тарозида оғир келадилар, Роҳман эса уларни севади, ва бу — Аллоҳу Аъзим покдир, Аллоҳ покдир ва Унга Ҳамд бўлсин! (СубханаЛлоҳи ал-Аъзим, субханаЛлоҳи ва би ҳамдихи!***»

Номаи амаллар

Ҳисоб-китоб ва тарозидан ўтилгач, ҳар бир киши ўзининг амаллари ёзилган китобни олади ва у ерда нима бўлса, ўшани ўқийди. Одамлар орасида бу китобни ўнг қўллари билан оладиганлар бўлади, бошқалари эса чап қўллари ёки орқаларидан оладилар.

Аллоҳ таоло деди:

— Бас, кимнинг китоби ўнг тарафдан берилса, у: «Мана, менинг китобимни ўқиб кўринглар! Албатта, мен ҳисоб-китобимга йўлиқишимга ишонардим», дейдир. Бас, у розилик ҳаётидадир. Олий жаннатдадир. Унинг мевалари яқиндир. Ўтган кунларда қилган нарсаларингиз туфайли енглар ва ичинглар, ош бўлсин. Ва аммо кимнинг китоби чап тарафдан берилса, у: «Вой шўрим, кошки менга китобим берилмаса эди. Ва ҳисоб-китоб қандоқлигини билмасам эдим. Қани энди, (бу дунёдаги ўлим) охиргиси бўлса эди. Мол мул-

ким мени сақлаб қола олмади. Менинг султоним ҳам ҳалок бўлди», дейдир. Ҳаққо сураси, 19–29 оятлар.

Кўприк (ас-Сирот)

Аввалгилар-у охиргилар ўтадиган Жаҳаннам устидаги кўприк шундай номаланади ва кимки ундан ўтолса, у оловдан нажот топади. Ундан одамлар фақат ҳисоб-китоб жойини тарк этганларидан сўнггина ўтадилар. Мўминлар ундан ўта оладилар ва дўзохдан қутила оладилар. Кимга Жаҳаннам тайёрлаб қўйилган бўлса, улар бу кўприкдан қулайдилар.

Аллоҳ таоло деди:

— Сиздан унга яқинлашувчи бўлмаган ҳеч ким йўқ. Бу, Роббинг ҳузуридаги кескин ҳукмдир. Сўнгра, тақво қилганларга нажот берамиз ва золимларни унда тиз чўккан ҳолларида қолдирамиз. Марям сураси, 71–72 оятлар.

Икки «Саҳиҳ» да Абу Ҳурайра (родияллоху анху)дан ривоят қилинган ҳадис келтирилади, улар айтдилар: «Бир куни одамлар сўрашди: “Ё росулуллоҳ, Қиёмат куни биз Роббимизни кўрамизми?”». Бу ҳадисда Набий ﷺнинг бундай сўзлари келтирилади: «***Жаҳаннам устига кўприк ташланади, унинг устидан биринчи мен умматим билан ўтаман. Бу кунда пайғамбарлардан бошқа ҳеч ким бир оғиз сўз дея олмас, пайғамбарлар эса: “Ё Аллоҳ! Қутқар, қутқар!” — дерлар. Жаҳаннамда эса саъдан тиконлари каби илмоқлар бўлади***».

Муслим «Саҳиҳ» ларида Абу Саъид ал-Худри (родияллоху анху)дан ривоят қилинган ҳадис келтирилади, Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «***Кейин эса Жаҳаннам устига кўприк ташланади, шафоатга изн берилади ва улар айта бошлайдилар: “Ё Аллоҳ, қутқар, қутқар!”***» Одамлар сўрадилар: «Ё расулуллоҳ, бу қандай кўприқ?» Улар жавоб қилдилар: «***Унда саъбан ўсимлиги тикони каби илмоқ ва тиконлар бўлади. Мўминларнинг бир қисми ундан назар тезлигида, бошқалар — чақмоқ каби,***

учинчилари — шамол каби, тўртинчилари — қушлар каби, бошқалари эса — отлар каби ўтадилар ва мусулмон киши қутилиб қолади, кимни бу илмоқлар ушлаб қолса, у Жаҳаннам оловига йиқилади».

Кўприк

Мўминлар Сиротдан ўтганларидан ва оловдан қутилганларидан сўнг, Жаннатга киришдан олдин улар Жаннат ва Жаҳаннам орасига ташланган бошқа бир кўприк олдида тўхтатиладилар. Бу шунинг учун қилинадики, хафа бўлганлар, уларни бу дунё ҳаётида хафа қилганлардан ўз хақларини олишлик учун бўлади. Улар ҳисоб-китоб қилиб олганларидан кейингина, уларга Жаннатга киришга рухсат берилади.

Абу Саъид ал-Худрий (родияллоҳу анху) ривоят қиладилар, Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «***Мўминлар оловдан қутилиб қоладилар ва Жаннат билан Жаҳаннам оралиғида ташланган кўприкда тутиладилар, у ерда бу дунё ҳаётида хафа бўлганлар уларни хафа қилганлардан ўз улушларини олишади, қачонки улар покланганларида, уларга Жаннатга киришга рухсат берилади. Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зотга қасамки, уларнинг ҳар бири Жаннатдаги ўрнини бу дунё ҳаётида ўз уйини топа олишидан кўра осонроқ топа олади!***» Бу хадисни ал-Бухорий келтирадилар.

Бу кўприк масаласида тафсир қилувчилар орасида ихтилоф бор. Демак, улардан бирлари буни Сиротнинг тугаши, бошқача айтганда, Жаннатга қўшилган қисми деган бўлсалар, бошқалари эса, бу умуман бошқа кўприк деганлар.

Ховуз

Пайғамбаримиз ﷺнинг ховузлари ҳақида сўз бормоқда.

Ал-Бухорий ва Муслим «Саҳиҳ» ларида Абдуллоҳ бин Амр бин ал-Асо (родияллоҳу анху) дан ривоят қилинган ҳадис кел-

тирилади, унда Набий ﷺ айтдилар: «***Менинг ховузимни айланиб чиқиш учун бир ой вақт керак бўлади, унинг бурчаклари ўзаро бир-бирига тенг, унинг суви сутдан оппоқ, унинг хиди мушкдан кўра ёқимлироқ, унинг қирғоғида турадиган идишлари эса, (саноғига кўра) осмондаги юлдузларчаликдир, ва унинг сувидан ичган ҳар бир киши ҳеч қачон чанқоқ хис қилмайди***».

Ховуз ҳақида бу ҳадисда зикр қилингани каби икки «Саҳиҳ» да, шунингдек, бошқа ҳадис тўпламларида кўплаб ҳадислар келтирилади.

Жаннат ва Жаҳаннам

Жаннат ва Жаҳаннам одамлар қоладиган ва Аллоҳ таоло ўзининг бандаларига уларнинг амаллари учун мукофот ёки жазо сифатида тайёрлаб қўйган икки маскандир.

Жаннат Аллоҳга яқинлашган, Аллоҳга, Унинг Расулига ва у келтирган нарсага иймон келтирган, Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилган, ёлғиз Аллоҳга холис ибодат қилган ва Унинг Расули ﷺга қатъий эргашган тақводор мўминлар учун раҳмат ва бахт-саодат ери ҳисобланади.

Аллоҳ таоло деди:

— Албатта, иймон келтирганлар ва солиҳ амалларни қилганлар, ана ўшалар, халойиқнинг энг яхшисидир. Уларнинг мукофотлари Роббилари ҳузуридаги (дарахтлар) остидан анхорлар оқиб турган "адн" жаннатларидир. У ерда абадул-абад қолурлар. Аллоҳ улардан рози бўлди, улар ҳам Ундан рози бўлдилар. Бу, Роббидан қўрққанлар учундир. Баййина сураси, 7–8 оятлар.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Роббингиздан бўлган мағфиратга ва кенглиги осмонлару ерча бўлган, тақводорлар учун тайёрлаб қўйилган жаннатга шошилинг. Оли Имрон сураси, 133 оят.

Жаннатда солиҳларни бу дунёда ҳеч ким кўрмаган, эшитмаган ва хатто хаёлига ҳам келмаган кўплаб лаззатлар кутмоқда.

Аллоҳ таоло деди:

— Бас, ҳеч бир жон ўзлари учун қилиб ўтган амаллари мукофотига беркитиб қўйилган кўз қувончларини билмас.

Сажда сураси, 17 оят.

Жаннат ахли бўлганларнинг энг олий хурсандчилиги, улар ўзларининг Роббиларини очиқ ойдин кўришлари бўлади. Бу ҳақида Аллоҳ таоло деди:

— У кунда чиройли юзлар бор. Ўз Роббисига назар солувчилар. Қиёмат сураси, 22–23 оятлар.

Кўплаб ҳадисларда ҳам айнан шундай айтилади.

Жаҳаннам масаласига келсак, Аллоҳ кофирлардан бўлган ўзининг душманларига, Унга иймон келтирмаганларга ва Унинг расулига итоат қилмаганларга тайёрлаб қўйган азоб ва хорлик ери ҳисобланади.

Аллоҳ таоло деди:

— Ва кофирлар учун тайёрлаб қўйилган оловдан қўрқинг. Оли Имрон сураси, 131 оят.

Жаҳаннамда гуноҳкорларни жазо ва азобларнинг хилма хилига гирифтор қиладилар.

Аллоҳ таоло деди:

— Албатта, Биз золимларга деворлари уларни ўраб оладиган оловни тайёрлаб қўйганмиз. Агар ёрдам сўрасалар, эритилган маъдан каби юзларни қовурувчи сув билан «ёрдам» берилади. Нақадар ёмон шароб ва нақадар ёмон жой!

Каҳф сураси, 29 оят.

Кўплаб Қуръон оятларида ва ҳадисларда Жаннат ва Жаҳаннам тасвирланади, бу эса улар яратилганига ва борлигига далолат қилади ва бундан ташқари, Жаннат аҳлини абадий бахт-саодат, Жаҳаннам эгаларини эса, аламли азоб кутаётгани зикр қилинган.

Жаҳаннам ҳам Жаннат каби абадий бор бўлади ва ҳеч қачон йўқ бўлмайди.

Жаннат ҳақида Аллоҳ таоло бундай деди:

— …мевалари ва соялари доимийдир. Раъд сураси, 35 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Албатта, бу Бизнинг (берадиган) ризқимиздир. Унинг ҳеч тугаши йўқдир. Сод сураси, 54 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— …ва улар у ерда абадул-абад қолурлар. Баййина сураси, 8 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Улар у ерда биринчи ўлимдан бошқа ўлим тотмаслар. Духон сураси, 56 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

—…ва улар у ердан чиқарилувчи ҳам эмаслар. Ҳижр сураси, 48 оят.

Жаҳаннамга келсак, у ҳақида Аллоҳ таоло шундай деди:

— Улар дўзахдан чиқмоқчи бўлурлар. Аммо ундан чиқа олмаслар. Уларга муқим азоб бор. Моида сураси, 37 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Уларга на ҳукм қилинмаски, ўлсалар ва на улардан у(жаҳаннам)нинг азобидан енгиллатилмас. Фотир сураси, 36 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— …ва унда абадий қолурлар. Нисо сураси, 169 оят.

Шафоат

Пайғамбаримиз Муҳаммад ﷺ Жаннат дарвозасини очишни сўрайдиган биринчи кишидирлар, Уларнинг умматлари эса, унга биринчи кирувчилардан бўлади.

Фақат бизнинг пайғамбаримиз Аллоҳга мўминларнинг жаннатга киритилишини сўраб шафоат қиладилар. Бу ўша буюк шафоатдир. Фақат бизнинг пайғамбаримиз ﷺга ўз тақдирлари хал бўлишини кутаётганлар устидан ҳукм қилинишини ва

амакилари Абу Толибнинг азобини енгиллатишни сўрашликка рухсат этилади.

Бошқа шофоатларга келадиган бўлсак, бу шафоатлар билан Аллоҳга бошқа пайғамбарлар, фаришталар ва мўминлар ҳам мурожаат қиладилар. Бу шафоатларни қуйидагича ажратиш мумкин:

1. Жазога лойиқ, гуноҳкор тавҳид эгалари Жаҳаннамга кирмасликлари учун бўладиган шафоат.

2. Жаҳаннамда бўлган мана шундай гуноҳкорларни у ердан чиқариш учун бўладиган шафоат.

3. Жаннатга кирган айрим кимсалар баландроқ даражаларни эгаллашлари учун бўладиган шафоат.

Бу шофоатнинг муваффақияти икки жиҳатдан аниқланади:

1. Аллоҳ таолонинг изни билан, негаки Аллоҳ таоло деди:

— Унинг ҳузурида Ўзининг изнисиз ҳеч ким шафоат қила олмас. Бақара сураси, 255 оят.

2. Фақат Аллоҳнинг раҳмати билан айрим инсонлар айрим кимсаларни шафоат қиладилар. Аллоҳ таоло деди:

— Улар фақат У зот рози бўлган шахсларгагина шафоат қилурлар. Анбиё сураси, 28 оят.

Охират ҳаётида, айнан — инсоннинг ўлими билан қайта тирилиш куни оралиғидаги жараён, қайта тирилиш куни, Жаннат ва Жаҳаннамда нимаики содир бўлса, биз буни фақат Қуръон ва Суннатдан биламиз. Бунинг қандай содир бўлиш кайфиятини билмасакда, унга иймон келтирамиз.

Яхши ва ёмон қадарга иймон келтириш

Қадар — бу Аллоҳ таоло барча махлуқот учун тақдир қилган нарсасидир. Ҳам Қуръонда, ҳам Суннатда қадарнинг борлигига ва унга иймон келтириш вожиб эканлигига кўплаб далиллар мавжуд. Масалан, Аллоҳ таоло деди:

— Албатта, Биз ҳар нарсани қадар билан яратдик. Қамар сураси, 49 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Аллоҳнинг амри белгиланган қадар бўлди. Аҳзоб сураси, 38 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Сизга Аллоҳнинг изнисиз ҳеч бир мусибат етмас. Ким Аллоҳга иймон келтирса, У зот унинг қалбини ҳидоятга солур. Тағобун сураси, 11 оят.

Муслим «Саҳиҳ» ларида бир ривоят келтирилади. Бир куни Абдуллоҳ бин Умар ал-Хаттоб (родияллоху анху) га бир гуруҳ одамлар Қуръон ўқишлари, илмга интилишлари, шунингдек, улар қадарни инкор қилишлари ҳақида айтилганда, улар шу гапни айтган одамга: «Қачонки уларни кўрсанг, уларга мен улар билан бирга эмаслигимни, улар эса, мен билан бирга эмасликларини айт, ва яна шуни айтгинки, Абдуллоҳ бин Умар

қасам ичиб айтади, сизлардан хоҳлаган бир киши Уҳуд тоғичалик тиллони бир яхшиликка сарфласа ҳам, Аллоҳ ундан бирор нарса қабул қилмайди токи у қадарга иймон келтирмагунча» — дедилар. Шундан сўнг улар ўша одамга Жибрил ҳақидаги ҳадисни оталари Расулуллоҳ ﷺдан эшитганларини сўзлаб бердилар.

Муслим «Саҳиҳ» ларида Товус бин Кайсандан ривоят қилинган ҳадис келтирилади. У киши айтдилар: «Мен Расулуллоҳ ﷺнинг саҳобаларидан ҳаёт бўлганлари: "Ҳамма нарса қадар қилиб қўйилган" деганини кўрдим».

Товус шунингдек Абдуллоҳ бин Умар (родияллоху анху) шундай деганларини айтдилар: «Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: "***Барчаси қадар қилиб қўйилган, шунингдек, қобилиятсизлик ва фаоллик ёки фаоллик ва қобилиятсизлик***"».

Муслим «Саҳиҳ» ларида Абу Ҳурайра (родияллоху анху) дан ривоят қилинган ҳадис келтирилади, унда Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «***Кучли мўмин кучсиз мўминга нисбатан Аллоҳ наздида яхшироқ ва суюклироқдир, аммо унинг ҳар бирида яхшилик бор. Сенга фойда келтирадиган нарсага интил, Аллоҳдан мадад сўра ва заифлик қилма, агар сенга нимадир етса, у ҳолда айтмагинки: "Агар мен бундай бундай қилганимда эди!" — сен: "Бу Аллоҳнинг қадари, У нимани ирода этса, шуни қилди" — деб айт. Дарҳақиқат, бу "агар" сўзи шайтонга ўз амалларига йўл очади!***»

Қадарга иймон келтиришнинг таркибий қисмлари

Биринчи: Аллоҳнинг илми ҳамма нарсани қамраб олганлигига, Аллоҳ одамларни яратишидан олдин уларни билганлигига, шунингдек, У олдиндан уларнинг барча қилмишларини, уларнинг ризқини, умрини, яхши ва ёмон амалларини билганлигига иймон келтириш.

Иккинчи: Аллоҳ барча нарсани Лавхул Махфузга ёзиб қўйганлигига иймон келтириш.

Бу икки таркибий қисмга Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзлари далил бўлади:

— Аллоҳ, албатта, осмону ердаги нарсани билишини, ана ўша, албатта, китобда эканини ва, албатта, у нарса Аллоҳга осон эканини билмайсанми?! Ҳаж сураси, 70 оят.

Муслим «Саҳиҳ» ларида Абдуллоҳ бин Амр бин ал-Асо (родияллоҳу анхума) дан ривоят қилинган хадис келтирилган, улар айтдилар: «Мен Расулуллоҳ ﷺ шундай деганларини эшитдим: "***Аллоҳ таоло осмону ерни яратишидан эллик минг йил олдин барча махлуқотнинг тақдирини ёзиб қўйди, ва у пайтда Унинг Арши сув устида эди***"».

Аллоҳ таолонинг илми билан тўлиқ мос келадиган бу қадар ҳам умумий, ҳам хос нарсаларга тегишлидир. Биринчисига келадиган бўлсак, бу Лавхул Махфузда ёзилган барча махлуқотнинг умумий қадаридан бошқа нарса эмас. Иккинчиси эса хос нарсаларга тегишли ва учта замон палласига тегишлидир:

1. Умрнинг тақдир қилиниши.

Икки «Саҳиҳ» да Абдуллоҳ бин Масъуд (родияллоху анху) дан ривоят қилинган ҳадис келтирилади, унда Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «***Ҳар биригиз она қорнида шаклланасиз; қирқ кун давомида томчи кўринишида, кейинги қирқ кун давомида бир парча танача кўринишида, сўнг Аллоҳ унга фаришта жўнатади, у унга рух пуфлайди ва тўрт нарса ёзишликка буюрилади: унинг ризқи, умри, амали, шунингдек, унинг бахтли ёки бахтсиз бўлишлиги***».

2. Келгуси йил мобайнида нима содир бўлишининг тақдир қилиниши.

Қадр кечасида келаси йил нима содир бўлиши тақдир қилинади. Аллоҳ таоло деди:

— Ўша(кеча)да ҳар бир ҳикматли иш ажратилиб, ҳал қилинур. Духон сураси, 4 оят.

3. Кун давомида нима содир бўлишининг тақдир қилиниши. Ҳаёт ва ўлим, юксалиш ва хор бўлиш ва хоказоларга алоқадордир. Аллоҳ таоло деди:

— …У ҳар куни ишдадир. Ар-Роҳман сураси, 29 оят.

Учинчи: Аллоҳнинг иродаси доим амалга ошишига, Унинг қудрати чексизлигига, барча нарса Аллоҳнинг изни билан бўлишига, У нимани хоҳламаса, у бўлмасалигига, ердаги ва осмондаги воқеалар фақат Аллоҳнинг иродаси билан бўлишига, ҳеч нима унинг иродасига қарши бўлмаслигига ва У ҳар нарсага қодирлигага иймон келтириш.

Аллоҳ таоло деди:

— Ва Роббинг хоҳлаганини яратиб, хоҳлаганини ихтиёр қилур. Қасос сураси, 68 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Албатта, Роббинг нимани хоҳласа, қилгувчи Зотдир. Худ сураси, 107 оят.

Аллоҳ таоло шунингдек деди:

— Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир. Бақара сураси, 20 оят.

Бунда Аллоҳнинг иродаси икки хил бўлади:

1. Бутун борлиққа ва қадарга боғлиқ ирода, бироқ муҳаббат ва хайрихохлик билан боғлиқ эмас. Бу ҳақида Аллоҳ таоло бундай деди:

— Кимни Аллоҳ ҳидоят қилмоқчи бўлса, унинг кўксини Исломга очиб қўядир. Кимни золалатга кетказишни ирода қилса, унинг кўксини худди осмонга кўтарилаётгандек, тор ва танг қилиб қўядир. Шундай қилиб, Аллоҳ иймон келтирмайдиганларга азобни дучор қилур. Анъом сураси, 125 оят.

2. Динга ва шариъий қонунларга боғлиқ ирода. Бундай ирода муҳаббат ва хайрихохликни ўз ичига олади. Бунга Аллоҳ таолонинг қўйидаги сўзлари далил бўлади:

— Аллоҳ сизларга енгилликни хоҳлайди ва сизларга қийинчиликни хоҳламас. Бақара сураси, 185 оят.

Бу шуни билдирадики, агар итоат билан боғлиқ бир иш бўлса, Аллоҳ уни бу сўзнинг биринчи маъносида ҳоҳлади, бошқача айтганда, уни шунингдек, бу сўзнинг иккинчи маъносида хоҳлаб тақдир қилди, бу эса, У буни суйиши ва исташини билдиради. Агар осийлик билан боғлиқ бирор нима бўлса, Аллоҳ буни сўзнинг биринчи маъносида хоҳлади, иккинчи маъносига келадиган бўлсак, бундай ишларни У хуш кўрмайди ва нафратланади.

Тўртинчи: Аллоҳнинг Холиқлигага, бошқа барча нарса у томонидан яратилганлигига, шунингдек, барча махлуқотларнинг иш-харакатлари-ю ҳаракатсизликлари фақат У томондан яратилганига ва бунинг бошқа на бирорта холиқи, на бирорта роббиси борлигига иймон келтириш.

Аллоҳ таоло деди:

— Аллоҳ ҳар бир нарсанинг яратгувчисидир. Ва У ҳар бир нарсага вакилдир. Зумар сураси, 62 оят.

Аллоҳ таоло Ўзининг пайғамбари Иброҳим (алайхиссалам) ўз қавмига бундай деганининг хабарини берди:

— Ҳолбуки, сизни ҳам, қилган нарсаларингизни ҳам Аллоҳ яратган-ку?! Соффат сураси, 96 оят.

Аллоҳнинг бандалари ҳақиқатда айрим имконият ва иродага эга бўлганлари каби ҳаракатларга қодирдирлар, аммо бандаининг, қолаверса унинг имконият ва иродаларининг Холиқи шубхасиз Аллоҳ таоло ҳисобланади.

Аллоҳ таоло деди:

— Сизлардан истиқомат(тўғри йўл)да бўлишни хоҳловчилар учундир. Оламларнинг Робби Аллоҳ хоҳламаса, сизлар хоҳлай олмассизлар. Таквир сураси. 28–29 оятлар.

Шундай қилиб, Аллоҳ таоло одамлар иродага эга эканликларига ишора қилди, бироқ у фақат Аллоҳнинг иродаси ила рўёбга ошади.

Аллоҳнинг бандалари ҳаракат қилиш қобилиятига ва иродага эга бўлганликлари, уларга пайғамбарлар жўнатилганлиги, уларга Китоблар нозил бўлганлиги шуни англатадики, Аллоҳ таоло одамларга Ўз далилларини ва хужжатларини барпо қилди, бундан келиб чиқадики, улар ўз қилмишлари учун ё мукофот ё жазо олишади. Аллоҳнинг бандаси шу билан бирга қадарга иймон келтириши, Аллоҳнинг шариатига таслим бўлиши ва Аллоҳдан уни тўғри йўлга йўллашини сўрамоғи лозим. Бундан ташқари, Аллоҳга таваккал қилган ва Ундан шариат буюрган ишларни бажаришда ва шариат қайтарган ишлардан қайтишда ёрдам беришини сўраган ҳолда, банда ўзига нима фойда келтирса, унга интилиши ва дунё-ю охират ишларида нимаики зарар келтирса, ундан четланмоғи зарур. Агар одам танлаб олган воситаси ўзига фойда келтирса, у Аллоҳга ҳамд айтиши ва Унга шукур қилиши керак. Агар бу нарса унга фойда келтирмаса, у ҳолда хотиржам бўлиши, сабр қилиши, Аллоҳнинг мукофотини умид қилиши ва Аллоҳдан унинг ўрнига бошқа нарса беришини сўраши керак, негаки унинг қўлидан келган нарса шу бўлди холос.

Аллоҳ таоло деди:

— Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмас. Фойдаси ҳам ўз касбидан, зарари ҳам ўз касбидан. Бақара сураси, 286 оят.

Расулуллоҳ ﷺ шундай деганлари ривоят қилинади: «***Амал қилинглар, негаки Аллоҳ кимни нима учун яратган бўлса, унга ўша иш енгил қилиб қўйилади***». Бу ҳадисни ал-Бухорий

ва Муслим Али бин Абу Толиб (родияллоҳу анху) дан ривоят қиладилар.

Шунингдек, Набий ﷺ айтдилар: «***Мўмин кишининг холати хайратланишга лойиқдир, негаки унинг барча холати яхшиликдир, бу мўмин кишидан бошқасига берилмаган: агар унга бирор хурсандчилик етса, у Аллоҳга шукур қилади ва бу унга яхшилик бўлади, агар унга бир мусибат етса, у сабр қилади ва бу ҳам унга яхшилик бўлади***». Бу ҳадисни Муслим келтирганлар.

Мазмуны

КИРИШ 3

Дин — Аллоҳга ибодат қилиш қоидаларининг мажмуидир **3**

Қалб амали — ибодат асосидир **7**

Қалб амалларининг турлари **9**

АЛЛОҲГА ИЙМОН КЕЛТИРИШ 17

Ҳукмронликдаги яккахудолик (тавҳид ар-рубубия) **19**

Илоҳий исм ва сифатларга эга бўлишликдаги яккахудолик (тавҳид ал-асма ва ас-сифат) **24**

Ибодат қилинишдаги яккахудолик (тавҳид ал-улуҳия) **38**

Яккахудолик калимаси — Ла илаха иллаЛлоҳ шаҳодати **42**

Ла илаҳа иллаЛлоҳ шаҳодатининг шартлари **43**

Ибодат рукнлари **49**

Ширк, куфр, нифоқ **52**

ФАРИШТАЛАРГА ИЙМОН КЕЛТИРИШ 63

Фаришталарнинг турлари **66**

КИТОБЛАРГА ИЙМОН КЕЛТИРИШ 69

ПАЙҒАМБАРЛАРГА ИЙМОН КЕЛТИРИШ 71

Азму матонат соҳиблари (Улул-аъзм) **73**

Пайғамбаримиз Муҳаммад ﷺ нинг барчага бирдек жўнатилганликлари **74**

Муҳаммад ﷺ — сўнгги пайғамбар **77**

ОХИРАТГА ИЙМОН КЕЛТИРИШ 79

Аллоҳ таоло яққол мисоллар ва ақлий далиллар билан бу куннинг бўлишини исботламоқда **80**

Қиёмат соати ҳақида **84**

Ўлим ва қабрдаги ходисалар **86**

Қайта тирилишдан кейинги ходисалар **94**

ЯХШИ ВА ЁМОН ҚАДАРГА ИЙМОН КЕЛТИРИШ 105